



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

**“Адлу эҳсон билан
жаҳон гулшани
обод бўлади.”
Амир ТЕМУР**



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожин-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 28.04.2025 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8, 8 босма табок.

Буюртма № 2. Адади 2500.

Баҳоси келишилган нархда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНДАРИЖА

КУН МАВЗУСИ

4

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – “ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ” ДАН
БОШЛАНАДИ!

5

МУШОҲАДА

АДОЛАТ - СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

ЖАРАЁН

6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА
ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ФАОЛИЯТИ

8

МУЛОҲАЗА

СУДЬЯ ҚАСАМЁДИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

НУҚТАИ НАЗАР

9

МУРОЖААТЛАРНИНГ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИДА
ОМБУДСМАН ИНСТИТУТИНИНГ РОЛИ

10

СУДЬЯ МИНБАРИ

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ЮЗАСИДАН ҚАБУЛ
ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР УСТИДАН БЕРИЛГАН
ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

11

МАЪМУРИЙ СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ САҲИФА

12

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ: МЕҲР ВА ҚОНУН УЙҒУНЛИГИ

13

ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИГИ

14

ҲУҚАРО ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА МУОМАЛАГА ЛАЁҚАТСИЗ ҲИСОБЛАНАДИ?

ТАДҚИҚОТ

15

ШАРТНОМАЛАР ТИЗИМИДА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

17

ШАХСНИ ГАРОВГА ОЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ЖИҲАТЛАРИ

19

КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ МОДДАЛАРНИ ТАРҒИБ ҚИЛУВЧИ
МАҲСУЛОТНИ ТАЙЁРЛАШ, ТАРҚАТИШ, РЕКЛАМА ҚИЛИШ, НАМОЙИШ
ЭТИШ ЖИНОЯТИГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР

21

ҲАЗО ТУШУНЧАСИНИНГ МОҲИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ

МУҲИМ МАВЗУ

23

ОИЛАВИЙ ШАРТНОМАЛАР ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТ-
ЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ

25

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

ШАҲСНИ УШЛАШ ВАҚТИДА ЗАРАР ЕТКАЗИШГА ОИД
МЕЪЁРЛАР ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИ ҚўЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

26

ЖИНОЯТ УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ ИНСТИТУТИНИ
ИСЛОҲ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

27

АЁЛЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН
ЖИНОЯТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

28

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА
АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТЛАРИНИ КўРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

29

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ИШТИРОКЧИЛИҚДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН
ЖИНОЯТЛАРНИ МАЛАКАЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

30

ТОРТИШУВ ТАМОЙИЛИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШДА
ҲИМОЯ ДАЛОЛАТНОМАСИНИНГ ЎРНИ

31

ЎЗГАЛАР МОЛ-МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ
ЖИНОЯТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

32

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА МУСОДАРА ИНСТИТУТИ:
МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

33

УЮШГАН ГУРУҲ ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН
ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

34

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА
ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН ҚУРИЛМАЛАР ВА
УЛАРНИНГ ЮРИДИК МОҲИЯТИ

35

ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИ
ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

36

СУД ТЕРГОВИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

37

ҲАҚАМЛИК СУДЛАРИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИНИ МАЖБУ-
РИЙ ИЖРО ЭТИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

38

ЛАТЕНТ ЖИНОЯТЛАР: МАЗМУН, САБАБЛАР ВА ОҚИБАТЛАР

39

ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ
КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

40

АХБОРОТ ЖАМИЯТИДА КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК МУАММОСИ
ВА УНИНГ ГЛОБАЛ ТАҲДИДИ

41

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ИФЛОСЛАГАНЛИК УЧУН
ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК

42

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА
ЗАРАРНИ ҚОПЛАШНИНГ ЎРНИ

43

ТРАНСПОРТ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ИЛФОР ХОРИЖИЙ
ДАВЛАТЛАРДА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

44

СУД МУЗОКАРАСИ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ БОСҚИЧИ
СИФАТИДА: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

45

МАЪНАВИЙ ЗАРАРНИ УНДИРИШГА ОИД ИШЛАРНИ
СУДДА КўРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

46

КАФОЛАТ – МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ
БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛИ СИФАТИДА

ВАЖНАЯ ТЕМА

47

ПОВЫШЕНИЕ ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ В СЕМЬЕ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР
СНИЖЕНИЯ ПРАВОНАРУШЕНИЙ СОВЕРШАЕМЫХ ЖЕНЩИНАМИ

50

ПРОЦЕСС

ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЕ ПРИЗНАНИЯ И ПРИВЕДЕНИЕ В
ИСПОЛНЕНИЕ СУДЕБНЫХ АКТОВ ПО ДЕЛАМ О БАНКРОТСТВЕ
НА ТЕРРИТОРИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

НОВЫЙ ЭТАП

54

НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ИНСТИТУТА ПРОВЕРОК В
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОМБУДСМАНОВ

56

ТЕМА ДНЯ

ПРЕДЕЛЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ СВОБОДЫ ВОЛЕИЗЪЯВЛЕНИЯ
СТОРОН В ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ ДОГОВОРАХ

ANALYSES

59

SHOULD WE MOVE AWAY FROM TOTAL BRAIN DEATH
TO DIFFERENT DEFINITIONS OF BRAIN DEATH?

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – “ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ” ДАН БОШЛАНАДИ!

Жорий йилнинг 5 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгаш йиғилиши бўлиб ўтганди. Унда Давлатимиз раҳбари коррупцияга қарши самарали курашиш бўйича алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдирди: “Коррупциянинг олдини олиш – давлат хизматига профессионал ва фидойи кадрларни танлаш ҳамда уларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлашдан бошланади”.

Дарҳақиқат, судья фаолиятида қонуний ва асосли суд ҳужжатлари қабул қилиши учун ҳалоллик ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Судьялар одоби кодексининг алоҳида моддаси судьянинг ҳалоллигига бағишланган бўлиб, унда қуйидаги муҳим нормалар ўзининг аксини топган:

Судья вазифаларини виждонан бажариши, сабр-қаноатли, тоза ва покдомон, ўз нафсининг тарбиячиси, шунингдек ўзи ҳамда оила аъзоларининг ҳалол ризқ ҳисобига яшашларига эътиборли бўлиши лозим.

Судья шахсий манфаатлари йўлида хизмат ваколатларини суиистеъмол қилмаслиги, қариндош-уруғчиликка, таниш-билишчиликка, маҳаллийчиликка, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, хизмат юзасидан бириктирилган моддий ва номоддий манбалардан (ресурслардан) шахсий, оиласи ва бошқалар манфаатида фойдаланмаслиги шарт.

Демак, судья ҳалоллик-поклик, сабр-қаноат инсоннинг энг асосий фазилатлари эканлигини қалбдан ҳис этиб, бутун ҳаёти ва фаолияти давомида ҳалол-пок ишлашга қатъий амал қилиши шарт. Айни фазилат инсоннинг қалби поклиги ва маънавий дунёқариши етуқлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳалоллик, биринчи навбатда, судьянинг ўз вазифаси ҳамда одамлар тақдирига бўлган муносабатидан намоён бўлади. Судья эгаллаб турган амали муваққат экани ҳис қилиб, ўз виждони олдида ҳисоб бериб бориши керак.

Сабр-қаноат ҳам ҳалолликдан ташқари инсон иродасининг яққол намоён қилувчи сифатлардан биридир. Судья кучли идора соҳиби бўлиши керак. Чунки, иродасиз киши, бошқалар кўлидаги уйинчоққа айланади, иродали инсон учун эса ҳар қандай ишнинг қийин жойи йўқ. Қолаверса, ҳолислик кучли иродага таянади. Зеро, судья ишни кўришда ҳолис бўлиши, у ёки бу қарорни қабул қилишда шахсий адоватига берилиши ёинки бирон-бир манфаатни назарда тутиши асло мумкин эмас. Акс ҳолда, қонунийлик ва адолат бузилишига олиб келади. Инсонларнинг судга, адолатга бўлган ишончига путур етади.

Миллий кенгаш қабул қилган қарорлар барча давлат ва бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар учун мажбурийдир.

Кўриб турганингиздек, мамлакатимизда коррупцияга қарши ҳукумат даражасида курашилмоқда, қонунлар ишлаб чиқилган. Ушбу иллатдан жумиятимиз фориғ бўлишида сўзсиз ҳуқуқий маданият олдинги ўринда туради.

Муҳтарам Президентимиз ушбу йиғилишда яна бир муҳим масала ҳақида алоҳида тўхталди. Яъни, ҳуқуқий маданият – жамиятнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий билим даражаси ва қонунларга муносабатини ифодаловчи ижтимоий ҳодисадир. У нафақат ҳуқуқшунослар ёки давлат хизматчилари учун, балки ҳар бир фуқаро учун зарурдир. Чунки қонунларнинг ижросини таъминлаш ва ҳуқуқий муносабатларни тўғри йўналтириш фақат давлат органларининг вазифаси эмас, балки бутун жамиятнинг масъулиятидир.

У ҳар бир фуқаронинг қонунларни билиши, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаши, қонунбузарликка қарши курашишга тайёрилиги орқали намоён бўлади. Ҳуқуқий маданияти юқори бўлган жамиятда қонун устуворлиги таъминланади, коррупция камаяди, жиноятчилик пасаяди ва жамиятда адолат ҳукм суради.

Бу ҳолатни хориж мамлакатлари тажрибасида ҳам кўриш мумкин. Мисол учун АҚШни олайлик. Ушбу мамлакатда ноқонуний юрган муҳожирлар ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб полицияга мурожаат қилса, (муҳожир мамлакатга ноқонуний йўллар билан киргани учун айбдор) аввало шу муҳожирнинг ҳуқуқини бузган томонни жавобгарликка тортиб, ўртада адолатни тиклаб сўнгра муҳожирнинг ўзи АҚШга ноқонуний йўллар билан киргани учун қонун олдида жавоб беради. Айнан шу сабабдан ҳам ушбу мамлакатда халқ орасида полициянинг ҳурмати катта. Улар ҳар қандай вазиятда ҳам адолатли иш олиб боради, деган тушунча бор. Бу ҳолатдан ўрнатилган жиҳатимиз ҳар биримиз ўз вазифамизни тўғри бажариб, ишимизда масъулиятли бўлсак суд тизимининг обрўсини кўтарган бўламиз. Чунки, суд тизимида ишлайдиган оддий бир ходим порахўрлик билан кўлга тушса бутун суд тизимининг обрўсига путур етказилади. Бунинг ўрнига ҳар биримиз адолат туғуни баланд тутиб, суд остонасига келган фуқароларга ҳақ-ҳуқуқини тўғри тушунтириб, ишини адолатли ҳал қилсак нафақат уларнинг суд тизимига ишончи ортади, балки, мамлакат ва унинг қонунларига ҳурмати ва риоя қилиши кучаяди.

Жонибек БОБОЕВ,

*Тошкент вилояти Нурафшон туманлараро
маъмурий суди раиси.*

АДОЛАТ - СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Улуғ соҳибқирон, саркарда, адолат ва ҳақиқат тимсоли бўлган бобомиз Амир Темурнинг ҳукмронлик даврида юритган оқилона ва одилона сиёсати, адолат мезонига йўғрилган ҳаёти авлодлар тафаккури учун маънавий мезон бўлиб келмоқда.

Бунга биргина мисол, ўрта асрлар ислохотчиси бўлган бобокалонимиз даврида илм-фан, маданият ва таълим мислсиз даражада юксалган эди.

Тангрининг қўллаб-қувватлаши, сўнгра, синмас иродасига таяниб олдинга юрди. 1370 йилда Балхда бўлиб ўтган қурултойда улуғ амир деб эълон қилинган Амир Темур тарқоқликни бартараф этиб, ўлкаларни ягона давлатга бирлаштирди. Амударё билан Сирдарё оралиғи, Фарғона ва Шош вилоятлари, Марказий Осиё давлатлари, Ҳинд ва Гангадан Зарафшонгача, Тянь Шандан то Босфоргача улкан салтанат барпо этди.

“Куч – адолатдадир” шиори соҳибқирон давлати ҳудудида ахлоқий ва маънавий мезонга айланган эди. Улкан ва бепоён мамлакатнинг пойтахти рутбасини олган Самарқанд қурулган заминда энг гўзал шаҳарга айланди. Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёнинг энг яхши меъморлари тўпланган ушбу кентда жаҳон меъморчилигида янги йўналиш – Шарқона услуб пайдо бўлди.

Амир Темур, шунингдек, мамлакатда маънавиятнинг қўллаб-қувватланиши, юксалиши ва ўтмиш даврларнинг олий анъаналари тикланиши учун шарт-шароит яратди. Кейинчалик эса темурийлар сулоласи вакилларининг маънавият ва маданиятга алоҳида эътибори туфайли XIV-XVI асрларда юксак илмий ва ижодий ютуқларга эришилди.

Машҳур немис тарихчиси Фридрих Шлоссер Соҳибқирон ҳақида “Темурунинг давлатни бошқаришдаги донишмандлигига, унинг ахлоқи ва сиёсий принципларига қойил қолиш керак”, деб ёзган эди.

Тарихда жуда кам давлат ҳукмдорига бунчалар ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилан. Жуда оз сонли Султонларгина ўзининг адолати, халқпарварлиги билан бунчалар ном қолдирган эди. Ҳатто бобомизнинг ўзи ҳам “мен икки вазирига (Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний ва Насриддин Маҳмуд ал-Аромийга) доимо мени кузатиб туришини ва агар адолатсизлик қилсам дарҳол тўхтатишини, кимнингдир



ёлғон сўзларига ишонсам ёки бегона кимсанинг йўлидан фойдаланадиган бўлсам, дарҳол мени огоҳлантиришларини таъкидлаб қўйдим”, деган эди.

Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарида эса Темурнинг қуйидаги ўғити келтирилади: “Ҳар ким нима-ни билса, бежавотир бизнинг арз – иззатгоҳимизга етказсин, ҳар нарсани, мамлакат ислохи, унга алоқадор ва мазлумлар бошидан уларни даф этиш унга боғлиқ бўлса, у ҳақда бизга етказишда бепарволик қилмасин, эътиқод ва тўла ишонч билан очиқ кўрсатсин. Ростини айтсин, ҳушодам қилмасин, чунки менга тўғрилиқ ёқади”.

Темур тузуқларида эса қуйидаги пурҳикмат жумла-ларни кўриш мумкин:


“дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка алмашди”.

Соҳибқироннинг ушбу ўғитлари ҳозирга қадар ҳам ўз кучини, таъсирини йўқотмаган. Зеро, буюқларнинг ўзи ҳам, сўзи ҳам ҳамиша барҳаётдир.

Бу йил мамлакатимиз бўйлаб Соҳибқирон бобомиз таваллудининг 689 йиллиги кенг миқёсда нишонланди, уларнинг юқоридаги каби ҳислатлари ёшлар орасида тарғиб қилинди. Хулоса ўрнида айтидиган бўлсак, бутун дунё эътироф этган бобомизнинг ибратли жиҳатларини ҳар биримиз ўзимизга сингдиришимиз керак. Шунда халқимиз бугунгиданда қудратли, ҳаёти эса янада фаровон бўлади.

Элдор АКБУТАЕВ,

*Сирдарё вилояти жиноят ишлари бўйича
Гулистон шаҳар судининг судьяси.*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ФАОЛИЯТИ

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг парламент назорати фаолиятига оид маълумотлар ва таҳлиллар мавжуд.

Калит сўзлар: парламент назорати, парламент сўрови, сенатор сўрови, назорат-таҳлил тадбирлари.

“Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган улуғвор вазифаларни амалга оширишда юқори палатанинг аввалги таркиби муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, аёллар ҳуқуқларини ишончли таъминлаш, хотин-қизлар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш масалаларида Сенат алоҳида фаоллик кўрсатди.”¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев

Сўнгги йилларда халқ сайлаган ҳокимиятнинг вакиллик органи – парламентнинг давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва аҳамияти ортиб бормоқда. Бунда Сенатнинг парламент назорати фаолияти муҳим ўрин тутди.

“Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра Сенат, унинг қўмиталари, комиссиялари, сенаторлар парламент назорати субъектлари ҳисобланади.

Сенатнинг назорат фаолияти унинг асосий функцияларидан бири бўлиб, қонунлар қабул қилишнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Қонунларни ижро қилиш давомида давлатнинг ижро органи фаолияти самарадорлигига эришиш, мувофиқлаштириш мақсадида парламент назоратини олиб бориш зарур ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида парламентлар назоратининг анъанавий шаклига айланиб бўлган, турли давлатлар парламентлари томонидан кенг қўланиб келинаётган назорат фаолиятининг кўринишларидан бири бу парламент сўрови ҳисобланади. Парламент сўрови қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизмида муҳим аҳамият касб этади. “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига биноан, Сенат давлат органларининг мансабдор шахсларига қонунлар ва турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослан-тирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли.

Парламент сўрови жўнатиш юзасидан таклиф қўмиталар ёки сенаторлар умумий сонининг камида бешдан бир қисми томонидан берилади.

Сенат томонидан 2015 – 2019 йилларда давлат органларининг мансабдор шахсларига 26 та парламент сўрови юборилган бўлса, 2020 – 2024 йилларда бу кўрсаткич 35 тани ташкил қилган.

Шу билан бирга ҳар бир Сенат аъзоси сенатор сўрови юбориш ҳуқуқига эга бўлиб, тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларининг мансабдор шахсларига сўров юбориши мумкин.

Сенаторлар томонидан 2015 – 2019 йилларда давлат органларининг мансабдор шахсларига 700 та, 2020 – 2024 йилларда эса 1300 дан ортиқ сенатор сўрови юборилган.

Айтиш жоизки, парламент назорати фаолиятида Сенатнинг асосий тузилмавий функционал органи бўлган қўмиталарнинг ҳам аҳамияти муҳим ҳисобланади. Бу ҳақда Сенатнинг 2024 йил 19 ноябрдаги биринчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Сенат қўмиталари – юқори палатанинг юраги, ҳаракатлантирувчи кучидир”, деб таъкидлаган эди².

Сенат қўмиталари давлат органи ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосаларини, статистик маълумотларни ва бошқа маълумотларни сўраб олиши мумкин.

Сенатнинг қўмиталари томонидан сўралаётган ахборотни тегишли давлат органи, ташкилот ва мансабдор шахс мурожаат олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тақдим этиши керак.

Қўмиталар ўз иш режаларига, Сенат ҳамда Сенат Кенгашининг қарорларига мувофиқ ўз мажлисларида давлат органи раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Сенат, унинг Кенгаши ва қўмиталари қарорларининг

бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитиши ваколатига эга.

Сенат қўмиталари томонидан қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ҳамда давлат дастурларининг ижроси устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш мақсадида учинчи чақириқда (2015 – 2019 йиллар) 260 та, тўртинчи чақириқда (2020 – 2024 йиллар) эса 360 дан зиёд назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилган.

Кейинги назорат шаклларида бири бу – Сенат мажлисларида давлат органлари раҳбарларининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ахборотини эшитиш бўлиб, мазкур масала зарур бўлган ҳолларда, қўмиталарнинг ташаббусига кўра кўриб чиқилади.

2015 – 2019 йилларда ҳукумат аъзолари ва давлат органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан Сенатда 50 дан ортиқ, 2020 – 2024 йилларда эса 80 дан ортиқ ахбороти эшитилган.

Сенат ҳудудлар манфаатини илгари сурувчи қонунчилик институти эканлигини инобатга олиб, назорат фаолиятининг йўналишларидан яна бири

бу ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурлар ижроси ҳисобланади ва бу борада Сенат фаол иш олиб бормоқда.

2023 – 2024 йилларда Сенатда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва Йўл хариталари, аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари ижроси, тадбиркорликни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати юзасидан 9 та ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Хоразм, Наманган, Фарғона, Андижон, Тошкент, Самарқанд вилоятлари, Тошкент шаҳри) бўйича ахборот эшитилган.

Бундан ташқари, Сенат парламент назорати фаолияти доирасида ҳар йили Марказий банк бошқаруви раиси ҳисоботини эшитиб боради, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) маърузаларини кўриб чиқади.

Таъкидлаш жоизки, парламент назорати фаолияти самарадорлигини таъминлашда Сенат Ҳукумат билан ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Шу ўринда Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамаси ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида жорий этилган Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисидаги Ваколатли вакили лавозими ҳақида айтиб ўтиш керак. Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисидаги Ваколатли вакили қонунларнинг ижро этилиши устидан Олий Мажлис палаталари томонидан парламент назоратини амалга оширишда Вазирлар Маҳкамасининг иштирок этишига кўмаклашади.

Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларига, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган парламент сўровига, шунингдек сенаторнинг Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашади ва бу “�ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги ззбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасида ўз аксини топган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Сенатнинг парламент назорати фаолияти халқ ҳокимиятчилигини, парламентаризмни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги долзарб масалаларни ҳал этишда юксак аҳамиятга эга.

Фаррух МИРЗАБЕКОВ,

ззбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони етакчи маслаҳатчиси.

**Менда бирор бир
кимсанинг ҳақи бўлса,
ҳақини ҳеч вақт унут-
мадим.**

* * *

**Ҳеч кимдан ўч олиш
пайида бўлмадим.
Тузимни тотиб, менга
ёмонлик қилганларни
Парвардигори оламга
топширдим.**

* * *

**Нафси ёмон ҳиммат-
сизларни, кўнгли бузуқ
кўрқоқларни мажли-
симдан қувиб юбордим.**

Амир ТЕМУР

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Янги ззбекистон” ижтимоий-сиёсий газетаси, № 235 (1296), 2024 йил 20 ноябрь, 1-бет.
2. “Янги ззбекистон” ижтимоий-сиёсий газетаси, № 235 (1296), 2024 йил 20 ноябрь, 2-бет.

СУДЬЯ ҚАСАМЁДИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Ўзбекистонда судьянинг қасамёди Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июльдаги ЎРҚ-703-сонли “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 60-моддасида белгилаб қўйилган. Унда белгиланишича, илк бор лавозимга сайланган ёки тайинланган судья ўз ваколатларини амалга оширишга қасамёд қилганидан кейин киришади. Қасамёдни мазмун қуйидагича: “Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, ҳолис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиламан”¹.

Демак, судьялик лавозимига тайинланган (сайланган) кундан бошлаб, судья қонунда белгиланган талабларга ва унга юклатилган чекловларга риоя қилишга тайёрлигини билдиради, яъни одил судловни мустақил, ҳолис ва фақат касбий билимлари ва ички ишончи асосида амалга ошириш мажбуриятини оммавий равишда ўз зиммасига олади. Судьянинг қасамёди судьянинг ҳулқ-атворида қўйилган умумий талаблардандир.

Судьялик қасамёдини қабул қилиш ва хизматга киришишда ўз зиммасига олган мажбуриятларни қабул қилиш ҳамда унинг олдига қўйилган вазифаларни бажариш зарурати билан боғлиқ бўлган талабларга мувофиқлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, судья қасамёдни мазмун-моҳиятини англаши ортида, суд ишларини кўришда инсонларнинг ҳаёти ва тақдири энг аввало судьялар томонидан адолатли суд қарор ва ҳукмлари чиқарилишига боғлиқ. Ҳозирги вақтда амалда бўлган судья қасамёдини расмий, қонун билан мустаҳкамланган матнида, судья ўз бурчи ва виждони амр этганидек, ҳолис ва адолатли бўлиш мажбуриятини олади, деган сўзлар мавжуд.

Судьянинг ҳолислиги, жамиятнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлайди ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатидир. Шу билан бирга, судьянинг ҳолислик даражаси инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлайдиган ҳамда давлатнинг ривожланиш даражасини тавсифлаши орқали баҳолаш мумкин. Шунинг учун, энг аввало, судья мустақил, адолат, ҳалоллик каби шахсий фазилатларга эга бўлиши керак. Чунки, фақат ҳолис ва беғараз судгина иш бўйича ҳақиқатни аниқлай олади. Бинобарин, ҳолислик ва беғаразлик одил судловни амалга ошириш бўйича профессионал фаолиятида, шунингдек, кундалик ҳаётида қабул қилинаётган қарорнинг қонунийлиги ва асослилигига шубҳа туғдирмаслиги керак.

Судья Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи олдида қасамёд қилиши моҳиятан, бу рамзлар, мамлакатимиз давлат суверенитетининг ўзига хос шаклланган ифодаси ва шу билан бирга, унинг маънавий-ахлоқий асоси бўлиб, маълум даражада юртнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Шубҳасиз, давлат рамзисиз Ўзбекистон Республикасининг умумдавлат сифатида тан олиши заифроқ бўларди.

Судьялар қасамёди юқори маъсулият юкланганлигини, яъни унинг мазмун-моҳияти ҳолислик, беғаразлик, адолатлик, судьялик бурчи, судьялик виждони кабилар, шу жумладан, ҳар бир судьянинг субъектив ҳис-туйғулари ва идрокига асосланаши, амалий кафолатидир.

Чиндан ҳам, қасамёд матнидан судья одил судловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олар экан, одоб-ахлоқ принципларига қатъий риоя қилиш, шунингдек ўзини виждонли, юксак лавозимга муносиб инсон сифатида тутиш мажбуриятини олади.

Қасамёд қилиш судьянинг мажбурий элемент сифатида мустаҳкамланган, шунинг учун агар қасамёд қабул қилмаса, судьяликка номзод одил судловни амалга оширишда иштирок эта олмайди.

Қасамёдни мазмун, турли давлатларда турлича, бу давлатларнинг тузилиши, тарихий келиб чиқиши, урф-одати, сиёсий қарашлари билан боғлиқ, масалан, “шахсларнинг кимлигидан қатъи назар одил судловни амалга оширишга, камбағалларга ҳам, бойларга ҳам тенг адолат ўрнатишга, Конституция томонидан зиммамга юклатилган барча мажбуриятларни виждонан ва ҳолисона бажаришга тантанали қасамёд қиламан” (тенглик, компетентлик ва тиришқоқлик. Баҳрайн).

“Конституция ва қонунга мувофиқ судьялик вазифамни бажаришга тантанали қасамёд қиламан” (мустақиллик, ҳолислик, ҳалоллик ва сотилмаслик, ахлоқий меъёрларга риоя қилиш, компетентлик ва тиришқоқлик. Бурунди).

“Ўз бурчларини виждонан, ҳалол ва ҳолисона, беғараз ва мустақил бажаришга ва ҳар доим ўзини муносиб тутишга қасамёд қиламан” (мустақиллик, ҳолислик, тенглик, компетентлик ва тиришқоқлик. Америка Қўшма Штатлари).

“Қудратли Парвардигорга қасам ичаманки, одамлар ўртасида адолат ўрнатаман ва Қиролликнинг қонун-қоидаларига риоя қиламан” (объективлик, ҳалоллик ва фарибгарлик, ахлоқий меъёрларга риоя қилиш, компетентлик ва тиришқоқлик. Россия Федерацияси).

Замонавий миллий илмий адабиётларда судьялар қасамёди институти узоқ тарихга эга бўлиб, шак-шубҳасиз, тасдиқланаётган ёки инкор этилаётган нарсаларнинг самимий гувоҳи бўлган Қодир Тангрига тантанали мурожаат қилиш билан боғлиқ диний илдизларга асосланади, деган фикр мавжуд.

Бу кўпгина халқларда қасамёд дастлаб фақат диний-ахлоқий турмушда қўлланилган ва фақат давлат асослари тасдиқланиши билан фуқаролик ва юридик аҳамият касб этганлиги бежиз эмас.

Кўпгина мамлакатларда (Австрия, Германия, Литва, Польша, Руминия ва бошқалар) қонун ҳужжатлари судья томонидан айтилаётган қасамёд матнини “Худо мададкор бўлсин” сўзлари ёки бошқа диний формула билан тўлдиришга йўл қўйилишини тўғридан-тўғри белгилайди.

Бу ҳолат ҳатто рамзий маънода бўлса-да, судьянинг қасамёди фақатгина расмий-юридик ҳижатлардан иборат эмас, балки судьялик фаолияти учун Яратган олдида маъсулиятни англаш, бинобарин, қасамёддан воз кечган тақдирда, бундай гуноҳ учун Худонинг ҳукмига дучор бўлишга тайёрлигини тасдиқлаш мақсадларига хизмат қилади.

Шавкат ХАҚНАЗАРОВ,

Судьялар олий мактаби Касбий кўникмалар кафедраси мудири, ю.ф.ф.д.

МУРОЖААТЛАРНИНГ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИДА ОМБУДСМАН ИНСТИТУТИНИНГ РОЛИ

АННОТАЦИЯ: мақолада жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органи, ташкилот, муассаса ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаатлари тушунчаси, уларнинг ҳуқуқий табиати, мурожаатларнинг кўриб чиқилишида инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институтининг роли ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: омбудсман, ариза, таклиф, шикоят, оғзаки мурожаат, аноним мурожаат.

Фуқароларнинг мурожаатлари ҳақида кўплаб назарий ҳамда юридик таърифлар мавжуд. Хусусан, юридик жиҳатдан мурожаат – жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларига бериладиган ариза, таклиф, шикоят кўринишидаги баёнидир. Таъкидлаш керакки, фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқи орқали бевосита давлат ҳамда жамият ишларида иштирок этадилар. Умумий қилиб таъриф берадиган бўлсак, мурожаат — фуқаронинг ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда баён этилган таклифи, аризаси, шикояти.

Маълумки, Омбудсман институти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро даражада ижобий натижаларга эришган институт ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга мурожаат қилиш Конституция ва конституциявий қонунларда белгиланган ҳуқуқлар ва тартибда амалга оширилади. Мазкур институт фаолиятининг асосини мурожаатларни ўрганиб чиқиш орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкил этади. Қонунчиликка кўра, Вакил аризалар, таклифлар ва шикоятлар тарзида келиб тушган мурожаатларни қонунчиликда назарда тутилган тартибда, аризалар ва таклифларни алоҳида қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқади.

Вакил Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузаётган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва у ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Бундан кўринадики, Вакилга мурожаат қилиш шахсларнинг ўз ҳуқуқлари бузилганлиги ёхуд учинчи шахслар орқали бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги мурожаатлари орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг 669-II-сонли Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисидаги Қонунининг 14-моддасида Вакилнинг шикоятларни кўриб чиқиш чоғидаги ҳуқуқлари келтирилган бўлиб унга кўра, вакил мурожаатларни кўриб чиқиш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш; ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига монеликсиз кириш; ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш; мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш; аниқланиши лозим бўлган масалалар юзасидан ташкилотлар ва мутахассисларга хулосалар тайёрлашни топшириш; инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш; ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимоснома билан кириш; фуқаролар манфаатла-

рини кўзлаб аризалар ва даъволар билан судларга давлат божига тўламасдан мурожаат этиш ва бошқа ҳуқуқларга эга.

Таъкидлаш лозимки, Омбудсманга мурожаат қилишга ҳуқуқлари бузилаётган шахслар учун нажот сифатида қаралиши лозим. Аммо, мурожаатларнинг кўриб чиқилиши жараёнида Вакилга тегишли мавжуд ҳуқуқлар нисбатан таъсирчан эмаслиги, аниқ қатъи чораларни назарда тутувчи ваколатларни вужудга келтиришнинг заруратини намоён этмоқда. Статистик маълумотларни кўриб чиқадиган бўлсак, Омбудсманга ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойлардаги инсонлар, уларнинг яқин қариндошлари ва ҳимоячи (адвокат)ларидан биргина 2023-йилда 2662 та мурожаат келиб тушган. 2023 йилда такрорий мурожаатлар 721 та (умумий мурожаатларнинг 27.1 фоизи) ни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 797 та (24,6 фоиз) га камайган. Шунингдек, келиб тушган мурожаатларнинг 984 таси ёки 37 фоизи бевосита маҳкумлардан ёки маҳбуслардан юборилган мурожаатлар ҳисобланади.

Ушбу статистик маълумотлардан айтишимиз мумкинки, мавжуд вазият Омбудсманга мурожаат қилишнинг соддалаштирилган тизимини яратиш заруратини вужудга келтирмоқда. Ўрни, ушбу мурожаатлар бевосита инсон ҳуқуқларига дахлдор ҳисоблангани боис омбудсман институти ҳақида хабардорликни нафақат жазони ижро этиш жойларида балки, бутун ижтимоий муносабатларда ошириш лозим. Бунда, мобил алоқа (мобил дастур) орқали мурожаат қилиш имкониятининг яратилиши омбудсман институтини чинакам “инсон ҳимоячиси”га айлантиришда муҳим қадамлардан бири бўлади.

Шунингдек, қонунчиликда аноним мурожаатлар Вакил томонидан кўриб чиқилмаслиги белгиланган. Ушбу тартиб белгиланишининг ўзига хос сабаблари бор. Аммо, Вакил томонидан кўриб чиқиладиган мурожаатлар бевосита инсон ҳуқуқларига оид бўлгани ва ҳар ким ҳимояга муҳтож бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб инсон ҳуқуқларига бевосита дахлдор деб ҳисобланиши мумкин бўлган айрим аноним мурожаатларнинг ҳам кўриб чиқилиши масаласини кун тартибига қўйиш инсон ҳуқуқларининг таъминланишида муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Шахбозбек ШОЯДБЕКОВ,

Судьялар олий мактаби иш юритувчи котиби.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Файзиев О.Р. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига оид қонунчилик ҳужжатларини ривожлантириш: Юридик фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2021. 22-б.
2. Ширококов С.А. Конституционное право человека и гражданина на обращение: дис.... канд. юрид. наук: 12.00.02. Екатеринбург, 1999. С. 14; Он же. Конституционное право человека и гражданина на обращение: учеб. пособие. Пермь, 2002. С. 6.
3. Черкесов К.А. Конституционное право на обращение в органы публичной власти в государствах - членах СНГ и странах Балтии: сравнительно-правовое исследование: дис.... канд. юрид. наук: 12.00.02. М., 2010. С. 9.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 01.05.2023 йил.
5. “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 11.09.2017, ЎРҚ-445-сон.



МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ЮЗАСИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР УСТИДАН БЕРИЛГАН ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июнь кундаги “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-89-сонли Фармони билан жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув даврида процессуал қарорларга санкция бериш масаласи жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида алоҳида судьялар – тергов судьялари томонидан кўриб чиқиш тартиби жорий этилди ҳамда тергов судьяларига маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилди.

Албатта бу мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини “Инсон қадри учун” тамойили асосида янги босқичга кўтариш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатларини кучайтириш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим кадамдир.

Конституциямизнинг 29-моддаси бешинчи қисмида жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқиши ҳуқуқи, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқи эга эканлиги кафолатланган.

Шу нуқтаи назардан тергов судьялари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарорлар устидан берилган шикоятлар асосида мазкур тоифадаги қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги текширилади.

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексда суд органларидан ташқари 45 та органлар ва уларнинг мансабдор шахсларига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ҳамда маъмурий жазолар тайинлаш ваколати берилган.

Мазкур органлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган қарорлар устида ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ва адвокат томонидан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган томонидан улар мазкур қарорнинг нусхаси олинган кундан эътиборан ўн кун ичида шикоят бериши, агар муддат узрли сабаблар билан ўтказилиб юборилган тақдирда, бу муддат шикоятни кўриб чиқишга ваколатли орган (яъни суд) томонидан қайта тикланиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган ёки мансабдор шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарлиқни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт ҳисобланади.

Бироқ, судлар томонидан мазкур тоифадаги ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш давомида органлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик юзасидан тадбиркорлик субъектларининг собиқ раҳбарларига нисбатан, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларда транспорт воситаси эгаларига нисбатан қабул қилинаётганлиги, қарорлар ўз вақтида етказилмаётганлиги, қарор қабул қилишда ҳуқуқбузарнинг оилавий, моддий

шарт-шароитлари ҳисобга олинмаётганлиги, фуқаролар томонидан мазкур қарор юзасидан сўралган тушунтиришлар безътибор қолдирилмаётганлиги аниқланмоқда.

Мисол учун давлат солиқ органларининг қарорларидан норози бўлган фуқароларнинг аризасини ўрганиб чиқиш давомида солиқ органи маълумотлар базаси давлат меҳнат органларидаги маълумотлар билан интеграция қилинмаганлиги аниқланди, яъни фуқаро муайян ташкилотда раҳбар сифатида ишлаган вақтида солиқ ҳисоботларини топширмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлсада, бироқ мазкур ташкилотдан анча вақт муқаддам ишдан бўшатирилганлиги аниқланади.

Шунингдек, МЖТКнинг 321-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс):

- 1) чиқарилган қарорни ўзгартирмас, шикоят ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдириши;
- 2) чиқарилган қарорни бекор қилиши ва ишни қайта кўриб чиқиш учун юбориши;
- 3) чиқарилган қарорни бекор қилиб, ишни юритишни тўхтатиши;
- 4) жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норматив ҳужжатда назарда тутилган доирада ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилиши белгиланган қўйилган.

Амалиётда эса фуқаролар томонидан аксарият қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ва асослиги бўйича эътирозлар билдирилмайди, лекин улар судларга асосан тайинланган жазони камайтириш масаласида мурожаат қилишади.

Бундай ҳолатда судлар ҳуқуқбузарларнинг моддий шароити, оилавий аҳволи, ёши ва бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, МЖТКнинг 321-моддасида назарда тутилмаган қарорлардан бирини, яъни тайинланган жазони камайтириш ҳақида қарорлар қабул қилмоқда.

Бу эса Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг мазкур нормасига ўзгартириш киритишни, яъни чиқарилган қарор доирасида тайинланган жазони МЖТКнинг 33-моддасини қўллаган ҳолда камайтириш ҳақида қарор қабул қилиш ваколатини беришни тақозо этади.

Уктам ҚАХАРОВ,

жиноят ишлари бўйича
Чилонзор туман судининг тергов судьяси.

МАЪМУРИЙ СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА ЯНГИ САҲИФА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 30 январь куни қабул қилинган "Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори маъмурий судлар фаолиятида янги саҳифа очди, дейиш мумкин.

Ушбу қарор билан маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган давлат органи мансабдор шахси ёки унинг вакили суд мажлисида мажбурий иштирок этишини таъминлаш ҳамда маъмурий суд иш юритувидаги ишларнинг тезкор ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлашга ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қўшимча имкониятлар яратишга қаратилган дастлабки эшитув институтини жорий этиш каби вазифалар белгиланган.

Шунингдек, қарор билан маъмурий судларда дастлабки эшитув институтининг жорий қилиниши суд мажлисида йўл қўйилиши эҳтимоли бўлган процессуал қонунбузилишларининг олдини олиш ва маъмурий ишни суд мажлисида мукаммал кўришга тайёрлашда хизмат қилади.

Давлат органининг мансабдор шахси ёки унинг вакилининг маъмурий суд мажлисида мажбурий иштирок этишини таъминлаш бўйича қарорда давлат органи қарори ёки унинг мансабдор шахси ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан берилган аризани маъмурий судларда кўришда мансабдор шахс ёки унинг вакили зарур тушунтиришлар бериш учун суд муҳокамасида иштирок этиши шарт ҳисобланади.

Шунингдек, давлат органи мансабдор шахси ёки унинг вакили иштирок этиши зарур деб топилган ҳолларда маъмурий ишни кўриб чиқиш кейинга қолдирилади, унинг иштироки ишнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва тўғри ҳал қилинишига тўсқинлик қилмаган тақдир-

да, иш давлат органи мансабдор шахси ёки унинг вакили иштирокисиз кўриб чиқилади.

Давлат органи мансабдор шахси ёки унинг вакили суд муҳокамасига келмаган ва уларнинг келмаганлиги суд томонидан узрли деб топилмаган тақдирда, мансабдор шахсга нисбатан суд жаримаси қўлланилади.

Маъмурий суд иш юритувида дастлабки эшитув қонунда назарда тутилган қуйидаги ҳолларда ўтказилади; дастлабки эшитувда аризачининг талаблари ва жавобгарнинг эътирозлари аниқлаштирилади, аризадаги камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилади;

талабларни исботлаш учун аризачига зарур далилларни ҳамда жавобгарга фикрни ёзма равишда тақдим этиш бўйича тушунтиришлар берилади;

аризадаги талаблар ва ишдаги далилларга судья томонидан дастлабки ҳуқуқий баҳо (талабларни аниқлаштириш, ишга дахлдор бўлмаган тарафларни алмаштириш, қўшимча жавобгарни жалб қилиш ва бошқалар) берилади. Бунда кўрилатган ишнинг мазмунан ҳал этилиши бўйича якуний фикр билдиришга йўл қўйилмайди;

дастлабки эшитув ариза судга келиб тушган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилади, ушбу муддат суд муҳокамаси учун белгиланган муддатга киритилмайди;

дастлабки эшитув натижасига кўра аризани қайтариш ёки иш бўйича суд муҳокамасини тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Шу ўринда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ва маъмурий суд ишларини юритишда низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш ҳам айни соҳанинг мустақил йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Президентимизнинг ушбу қарориди Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни такомиллаштириш зарурати ҳам таъкидланган.

Ушбу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш келгусида биринчи навбатда фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари ўз вақтида тикланишини таъминласа, иккинчидан, маъмурий судларнинг суд аралашувисиз ҳал этилиши мумкин бўлган ишларни синчковлик билан кўриши, иш сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Хусусан, маъмурий судлар фаолиятининг асосий мақсади нафақат давлат органлари ва улар мансабдор шахслари фаолиятида содир этилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан қарорлар қабул қилиш, балки келгусида ҳам бундай ноқонуний ҳолатлар рўй беришининг олдини олишдан иборатдир.

**Очиқ юзлилик,
раҳм-шафқат
билан халқни
ўзимга ром қилдим.
Адолат билан иш
юритиб, жабр-
зулмдан узоқроқда
бўлишга интилдим.**

Амир ТЕМУР

Жамила СУЛТАНОВА,

Хоразм вилояти маъмурий суди раиси.



ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ: МЕХР ВА ҚОНУН УЙЎУНЛИГИ

Хар бир бола меҳр ва ғамхўрликка муҳтож. Фарзандликка олиш – бу муҳтожликни қондиришнинг энг олий кўриниши, инсон қалбидаги эзгулик ва раҳмдилликнинг ифодасидир. Шунинг учун ҳам халқимиз азал-азалдан етим болаларга меҳр кўрсатган, асраб олган. Қуйида қонунчилигимизда фарзанд асраб олиш бўйича белгиланган нормаларни кўриб чиқамиз.

Мамлакатимиз қонунларига биноан вафот этган, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган, бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар муассасалари ёки тиббий муассасалардаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган, тарбиялаш, даволаш масканларидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва бошқа муассасалардан боласини олишдан бош тортган, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб эълон қилинган ота-оналарнинг болалари фарзандликка асраб олинади.

Фарзандликка олиши мумкин бўлган шахсларга қуйидагилар киради:

- Фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, бундан ўғай ота ва ўғай она ёхуд фарзандликка олинувчининг яқин қариндошлари томонидан фарзандликка олиш ҳоллари мустасно.
- Фарзандликка олишда қуйидагилар устунлик ҳуқуқига эга бўладилар:
 - фарзандликка олинувчининг қариндошлари;
 - фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс;
 - ака-ука, опа-сингилларни улар орасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар;
 - ўғай ота ва ўғай она;
 - касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар;
 - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Энди эса болаларни фарзандликка олиш истагини билдирган номзодлар ўзининг яшаш жойи бўйича ваколатли органига бевосита келган ҳолда ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этадиган асосий ҳужжатларни келтириб ўтамиз:

- шахснинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги (қилинмаганлиги), муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлиги (топилмаганлиги), фарзандлик бекор қилинганлиги (қилинмаганлиги) ҳақидаги суд қарори (маълумотнома);
- чет эл фуқароси бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган болани фарзандликка ёки васийликка ва ҳомийликка олишни хоҳловчи шахс қуйидаги ҳужжатларни қўшимча равишда тақдим этади:
 - фарзандликка олинаётган бола билан қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки турли сабабларга кўра ўз ватанида фарзандликка олишнинг имкони йўқлигини тасдиқловчи ҳужжат;
 - фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ёки боланинг ота-онаси бедарак йўқолганлиги, вафот этган деб эълон қилинганлиги тўғрисидаги суд қарори;

- фарзандликка олинаётган боланинг соғлиғи ҳолати, жисмоний ва ақлий ривожланиши ҳақидаги тиббий хулоса;
- ички ишлар органининг васийлик, ҳомийликка ёки фарзандликка олинаётган боланинг (бошқа мамлакатда доимо яшаб келаётган бола учун) Ўзбекистон Республикасига кириши ва доимий яшаши учун рухсатнома;
- ўн ёшга тўлган васийлик, ҳомийликка ва фарзандликка олинувчининг оилага олинишига розилиги, жумладан, фарзандликка олинаётган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгаришига ва фарзандликка олувчиларни унинг ота-онаси сифатида ёзилишига розилиги, Оила кодексининг 156-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.
- Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет эл фуқароси бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган (турган) фуқаролиги бўлмаган болани фарзандликка олиш ҳақидаги аризасига мазкур бандда кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари бола қонуний вакилининг ва бола қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлат ваколатли органининг розилиги (фуқаролиги бор бўлса) ҳам илова қилинади.

Ваколатли орган номзодлардан ариза ҳамда тегишли ҳужжатларни қабул қилган кундан бошлаб 10 иш куни ичида уларнинг турмуш ва таъминот шароитларини ўрганиб чиқади ҳамда бу ҳақида далолатнома тузади.

Ваколатли орган ўрганиш якунлари бўйича 3 иш куни ичида номзодларни номзод бўла олиши мумкинлиги (мумкин эмаслиги) тўғрисида Агентлик томонидан тасдиқланган намунадаги хулоса тайёрлайди.

Номзодларни номзод бўла олиши мумкинлиги тўғрисида хулоса тайёрлашга қуйидагилар асос ҳисобланади:

- болаларни тарбиялаш учун оилага олиш истагини билдирган номзодларнинг болаларни тарбиялашда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларини бажара олиш имкониятлари, психологик ҳолати ва бола тарбиялашда етарлича кўникмалари мавжудлиги, болага ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш борасида билим ва кўникмага эгалиги;
- чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болаларни васийликка, ҳомийликка ёки фарзандликка олинишида Халқаро тарбияга бериш комиссиясининг хулосаси (санаси ва рақами).

Ижобий хулоса берилган номзодлар яшаш жойидаги ваколатли органнинг қарори билан қарор қабул қилинган кунда номзод сифатида ҳисобга (навбатга) қўйилади.

Азиза ИСМАТОВА,

фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди раисининг ўринбосари.

ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИГИ

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонунини 3-моддасида тўловга қобилиятсизлик тушунчасига таъриф берилиб, унга кўра суд томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ва йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги — тўловга қобилиятсизлик деб тушунилади.

Қонуннинг 14-боби “Жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги”-га бағишланган бўлиб, 2023 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилди. Жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги қоидалар мазкур қонун қабул қилингунга қадар амалда бўлган илгари 1994 йил 5-майда қабул қилинган “Банкротлик тўғрисида”ги қонунда назарда тутилмаган эди.

Қонуннинг 5-моддасига биноан, тўловга қобилиятсизлик аломатлари куйидагилардан иборат:

вақтинча тўловга қобилиятсизлик — агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шахарда ташкил этилган корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги;

доимий тўловга қобилиятсизлик — агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиладиганда, жисмоний шахслар, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда қўлланилмайди.

Қонуннинг 195-моддасида қарздор жисмоний шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ёки солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ёки тўлов мажбуриятлари юзага келган кундан эътиборан уч ой ичида қарз жисмоний шахс томонидан қопланмаган ҳамда қарздор жисмоний шахсга нисбатан талаблар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида икки юз баробарини ташкил этса, қарздор жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги аломатлари ҳисобланиши назарда тутилган.

Қарздор жисмоний шахс, кредитор, шунингдек, давлат солиқ хизмати ва бошқа ваколатли органлари жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилса бўлади. Жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги иш ушбу Қонуннинг 195-моддасида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлган тақдирда суд томонидан қўзғатилиши мумкин.

Жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза кредитор, давлат солиқ хизмати ёки бошқа ваколатли орган томонидан кредиторларнинг пул мажбуриятлари ва солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича мажбуриятларига доир талабларини тасдиқловчи суднинг қонуний қучга кирган қарори мавжуд бўлган тақдирда берилиши мумкин. Суд қарори мавжуд бўлмаган тақдирда, жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиш ҳақидаги ариза кредитор томонидан нотариал тарзда тасдиқланган битимлар асосидаги талаблар, нотариуснинг ижро ёзуви билан тасдиқланган талаблар, жисмоний шахс томонидан тан олинган, аммо бажарилмаган пул мажбуриятлари бўйича кредитор тақдим этган ҳужжатлар асосидаги талаблар, оталикни белгилаш, оталик (оналик) ни рад этиш ёки бошқа манфаатдор шахсларни жалб этиш зарурати

бўлмаган вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш тўғрисидаги талаблар бўйича берилиши мумкин.

Қарздор жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай судья аризани қабул қилиш ва тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ёхуд аризани қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги ажримни чиқаради.

Жисмоний шахсни тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги ажримда суд қарздор жисмоний шахснинг зиммасига суднинг ажрими олинган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддат ичида судга ушбу Қонуннинг 198-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинган ҳолдаги ёзма фикрини тақдим этиш мажбуриятини юклайди. Агар жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ариза қарздор жисмоний шахс томонидан берилган бўлса, бу қоида қўлланилмайди.

Суд жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижаларига кўра жисмоний шахснинг қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш тартиб-таомилини жорий этиш ҳақидаги ажрим ёки жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва жисмоний шахснинг мол-мулкни сотиш тартиб-таомилини бошлаш тўғрисидаги қарор, ёхуд аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги қарор каби суд ҳужжатларидан бирини қабул қилади.

Агар бошқача ҳолат исботланмаган бўлса, пул мажбуриятлари ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимларни тўлаш бўйича мажбуриятлар умумий суммасининг ўн фоизидан кўпроги бундай мажбуриятлар бажарилиши керак бўлган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ вақт давомида бажарилмаганда, жисмоний шахс қарзининг миқдори унинг мол-мулки қийматидан ортиқ бўлганда, ижрога доир иш юритишни жисмоний шахсда мол-мулк мавжуд эмаслиги муносабати билан тугатиш тўғрисида қарор мавжуд бўлган ҳолатлардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда, жисмоний шахс тўловга қобилиятсиз деб ҳисобланади.

Жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисида бошқа иш мавжуд бўлса, жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги аломатлари йўқ бўлса, ушбу Қонун 200-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилган асослар бўлмаса, кредиторнинг ёки тегишли ваколатли органнинг аризасида кўрсатилган талаблар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ариза берилган санада суднинг қонуний қучга кирган қарори билан тасдиқланмаган бўлса ҳамда кредитор ёки тегишли ваколатли орган ва жисмоний шахс ўртасида даъво иши тартибида ҳал этилиши лозим бўлган ҳуқуққа оид низо мавжуд бўлса, суднинг жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги қарори қабул қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонунда жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсизлик соҳасидаги муносабатларни, жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишни қўзғатишдан бошлаб, қўлланиладиган тартиб таомиллар, уни банкрот деб топиш, мол-мулкларини сотиш, келишув битимни тасдиқлаш тартибларини ҳар томонлама тартибга солиш.

Меҳринисо КОДИРОВА,

Бухоро вилоят суди судьяси,

Азизбек АСАДОВ,

Бухоро вилоят судининг судья катта ёрдамчиси.

ФУҚАРО ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА МУОМАЛАГА ЛАЁҚАТСИЗ ҲИСОБЛАНАДИ?

Биламизки, судда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқати вояга етган фуқаролар ва ташкилотларга тегишлидир.

Вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг *ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар* томонидан ҳимоя қилинади. Аммо, бу ҳол вояга етмаганларни ва муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Ушбу қоида Фуқаролик процессуал кодексининг 42-моддасида белгилаб қўйилган.

Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги иш туркумлари доирасида фуқаролар судларга мурожаат этиш тартибига риоя этиши жоиз, энг аввало мурожаатчининг ўзи муомалага лаёқатлилиги текширилишидан ташқари муомала лаёқати чекланган деб топилиши сўралган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини уларнинг *ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлари* ариза кирита олиши ҳуқуқи тушунтирилиши лозим, чунки бугунги кунда мурожаатчилар орасида юқорида айтиб ўтилган шахслардан ташқари бошқа яқин қариндоши бўлмаган фуқароларнинг ҳам мурожаати кузатилмоқда, бундай ҳолларда судларга мурожаатларнинг ўз-ўзидан сунъий тартибда ошиши ҳолатлари ҳам.

Қандай ҳолларда фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида ариза берилиши мумкин?

Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши натижасида фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги аризалар билан судга мурожаат этиш мумкин.

Мазкур тоифадаги аризалар унинг оила аъзолари, васийлик ва ҳомийлик органлари, прокурор, даволаш муассасалари ва бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари томонидан аризалар келиб тушган тақдирда иш қўзғатилиши мумкин.

Фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ариза мазкур фуқаро яшаб турган жойдаги, агар бу шахс даволаш муассасасига жойлаштирилган бўлса, мазкур муассаса жойлашган ҳудуддаги судга берилади.

Фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги аризада спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилувчи шахс ўз оиласини моддий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўяётганлигидан далолат берувчи ҳолатлар баён этилиши керак.

Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги аризада шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги), шунинг оқибатида у ўз хатти-ҳа-

ракатларини англамаслигидан ёки бошқара олмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар баён қилиниши жоиз.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида, судья аризани олгач, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартибида фуқаронинг руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд бўлса, унинг руҳий аҳволини аниқлаш учун суд-психиатрия экспертизасини тайинлайди.

Фуқаро суд-психиатрия экспертизасини ўтишдан бош тортган ҳолатлар ҳам учраб туради, бундай ҳолатларда суд уни мажбурий тарзда экспертизага юбориш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Ишни кўриб чиқиш давомида, суд фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги ишни албатта мазкур фуқаронинг, прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида кўриши лозим бўлади. Агар фуқаро суд мажлисига келмаса, уларга нисбатан жарима қўлланади. Суд фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишни прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг вакили иштирокида кўриб чиқади. Иши кўриб чиқиладиган фуқаро, агар унинг соғлиги ҳолати имкон берса, суд мажлисига чақирилишига тўсқинлик қилмайди.

Суднинг фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори васийлик ва ҳомийлик органининг муомала лаёқати чекланган шахсга ҳомий тайинлаши, муомалага лаёқатсиз шахсга эса васий тайинлаши учун асос бўлади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 316-моддасига асосан, фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд харажатлари аризачидан ундирилмайди, агар суд ариза фуқаронинг оила аъзолари томонидан инсофсизлик қилиб, асоссиз равишда фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ёки уни муомала лаёқатидан маҳрум этиш мақсадида атайлаб берилган деб топса, суд харажатларини оила аъзоларидан ундириш ҳақида қарор чиқаради.

Демак, мазкур тоифадаги ишлар юзасидан эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлган жиҳатлардан бири, фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги аризалар билан мурожаат этаётган шахслар доирасини аниқ ва белгиланган тартибда аниқлаган ҳолда иш юритувига қабул қилиш ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларнинг иши кўриладиган шахс ҳақида келтириб ўтган асосли фикрига кўра ҳал қилув қарорини чиқариш ҳисобланади.

Раъно ДАВРОНОВА,

*фуқаролик ишлари бўйича
Миробод туманлараро суди судьяси.*

ШАРТНОМАЛАР ТИЗИМИДА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аҳоли саломатлигини таъминлаш ҳар бир давлатнинг асосий вазифаларидан биридир. Халқаро миқёсда ҳам тиббий хизматга оид бир қанча нормалар баён этилади. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактда бу борада шундай қайд этилган: “2. Пактда иштирок этувчи давлатлар кўриши керак бўлган чоралар қуйидаги ишлар учун зарур тадбирларни ўз ичига олади:

- юқумли, эндемик, касбий ва бошқа касалликлар олдини олиш, даволаш ҳамда уларга қарши курашиш;

- касал бўлган ҳолларда ҳаммага тиббий ёрдам кўрсатиш ва тиббий парваришни таъминлайдиган шароит яратиш”¹.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам мазкур пактнинг ижросини таъминлаш асослари шундай тақдим қилинади: “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг соғлиқни сақлашга доир ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш;

фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш”².

Бугун тиббий хизматнинг бир қанча турлари ва шакллари пайдо бўлмоқда. Тиббий хизмат кўрсатиш шартномалари ҳақ эвазига тузиладиган шартномалар тизимида муҳим ўрин тутати. Ушбу шартномалар тиббиёт ходимлари (масалан, шифокорлар, шифоналар ёки клиникалар) ва бемор (буюртмачи)лар, суғурта компаниялари ёки тиббий хизмат кўрсатишни тартибга солувчи бошқа учинчи шахслар ўртасидаги расмий келишувлардир. Бундай тизимда тиббий хизмат кўрсатиш шартномаларининг роли ва аҳамиятини бир неча асосий жиҳатлар орқали тушуниш мумкин.

Тиббий хизмат кўрсатиш шартномаларининг объекти масаласида “Тиббий хизмат фуқаролик ҳуқуқлари ва фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг мураккаб объекти ҳисобланади. У бошқа хизматларга товар сифатида ўхшайди, аммо фарқ қилади, чунки у соғлиққа махсус йўналтирилган таъсир ва тиббий хизматни ўз ичига олади”³.

Тиббий хизмат кўрсатиш шартномаларининг хизмат кўрсатиш доираси ва шартларини аниқлаштириш муҳим ҳисобланади. Ушбу шартномалар кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг аниқ хусусиятини белгилаш керак. Шартнома бандларида даволаниш тури, муддати, ташхис масаласи ва тиббий кузатув ёки рецептларни бошқариш каби ҳар қандай қўшимча хизматларни киритиш мумкин. Мазкур шартномаларда аниқ белги-

ланган қамров доираси тиббий ташкилот ёки соғлиқни сақлаш ходимлари ва буюртмачи – бемор(лар) ўртасида тушунмовчиликларнинг олдини олиш учун хизмат қилиши ҳамда тиббий хизматнинг сифатини таъминлаш лозим. Бундан ташқари тиббий хизмат кўрсатиш шартномасининг тарафлари учун тиббий хизмат бўйича тахминларни мувофиқлаштиришини таъмин этади.

Тиббий хизмат кўрсатиш шартномаларининг молиявий хусусиятлари тарафларнинг барқарор муносабатларга киришишига имконият яратади. Шартнома доирасида молиявий шартларни белгилаш ҳамда келишиб олиш тиббий хизмат кўрсатиш шартномаларида тарафларни ҳимоя қилишга кўмак беради. Бунда тиббий хизматнинг якунида тиббий ташкилот қанча даромад олишини режалаштирса, буюртмачи – бемор ўзи томонидан тўланиши керак пул маблағлари ҳақида тушунчага эга бўлади. Башарти шартномада суғурта идораси ҳам иштирок этса, тарафлар шартнома воситасида қоплаб бериладиган пул суммасини билиб олишади. Энг аҳамиятли томони шундаки, мазкур шартнома воситасида тарафлар бажариши керак бўлган молиявий мажбуриятларни тўлиқ тушунишади. Ушбу молиявий шаффофлик хизматлар бозорида хусусан ҳақ эвазига тақдим этиладиган тиббий хизматлар тизими учун айниқса муҳимдир. Чунки, бу тўловлар кейинчалик тарафлар ўртасида низоли вазиятларда низоларнинг олдини олиш ёхуд уларнинг оқибатларини қоплашга ёрдам беради. “Хизматлари учун ҳақ тўлаш харажатларини қоплаш тўғрисидаги талаблар фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга. Чунки, улар суд қарори қабул қилинган томоннинг мулккий йўқотишларини тўлиқ ёки қисман қоплайдиган пул суммаларини, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати туфайли ундиришда ифодаланади”⁴.

Айрим ҳуқуқшунослар томонидан тиббий хизмат кўрсатиш шартномаларининг имзоланиши тиббий хизмат давомида мавжуд хатарларни бошқариш имкониятини берувчи восита сифатида қараш ҳам мавжуд. Бизнингча, тиббий хизмат кўрсатиш шартномалари тиббиёт ходимлари, тиббий ташкилотлар ва беморларга хавфларни камайитиришга ёрдам беради. Бунинг учун мазкур шартноманинг жавобгарлик бандлари, махфийлик шартлари ва тиббий ҳуқуқбузарлик даъволарини ҳал қилиш шартлари, шунингдек шартноманинг асосий ва қўшимча шартлари тўғри шакллантирилиши шарт. Юқорида қайд қилинган бандлар тиббий хизмат қилиш пайтида нохуш ҳодисалар юз берганда тарафларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга ёрдам беради. Шунингдек, шартноманинг мавжудлиги буюртмачи – беморга ўз ҳуқуқларини масала суд тартибида низолашаётган бир пайтда самарали ҳимоя механизмини вужудга келтиради.

Тиббий хизмат кўрсатиш шартномалари ҳамма вақт мамлакат миллий қонунларига ҳамда мавжуд норматив стандартларга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Тиббий хизмат кўрсатиш шартномалари тиббий



ташкilotнинг соғлиқни сақлаш қоидалари, ихтиёрий ва мажбурий суғурта масаласи ва мамлакатдаги қонуний талабларга мувофиқлигини таъминлаш учун жуда муҳимдир. Масалан, баъзи шартномалар муайян сифат стандартларига, сертификатларга ёки назорат қилувчи органларнинг кўрсатмаларига риоя қилишни ўз ичига олиши мумкин. Бундай жараён тиббий хизматларнинг маълум бир стандартга эга бўлишини ва қонуний талабларга жавоб беришини таъминлашга хизмат қилади.

Тиббий хизмат кўрсатиш шартномаларига оид кундалик тиббий амалиёт соҳани қандай ривожланаётганлигини кўрсатади. Тиббий хизмат кўрсатиш шартномалари тиббий амалиётни стандартлаштиришга, тиббий хизмат сифати, соғлиқни сақлаш сифати ва тиббий хизматнинг изчиллигини таъминлашга ёрдам беради. Масалан, АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларида касалхоналар ёки клиникалар билан тузилган тиббий хизмат кўрсатиш шартномаларида кутиш вақтлари, хизмат кўрсатиш ва алоқа учун аниқ тахминларни ўз ичига олиши назарда тутилади. Бундан ташқари мазкур давлатларда тиббий хизмат кўрсатиш шартномаларини стандартлаштириш, қонуний тартибда расмийлаштириш беморнинг ишончини ва тиббий ташкilot обрўсини сақлаб қолиш учун муҳим деб ҳисобланади.

Тиббий хизмат кўрсатиш шартномалари ахлоқий муносабатларни ҳам сақлаб қолишга кўмак беради, деб таъкидлашимиз мумкин. Чунки, мазкур шартномалар соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатадиган тиббий ташкilotларнинг хулқ-атвори учун жавобгар бўлишини таъминлайди ва буюртмачи – беморларнинг юқори тиббий хизмат стандартларига таяниши мумкин бўлган тузилмасини яратади. Бундан ташқари, шартноманинг таркибига маълумотли розилик олинишини таъминлаш киради ва даволаш услулари беморларга аниқ етказиш назарда тутилади.

Соҳани махсус тадқиқ этган ҳуқуқшунос олимлар тиббий хизмат кўрсатиш муносабатларининг энг заиф томони буюртмачи — беморнинг саломатлиги эканлигини қайд этишади. Бундан ташқари тиббий хизмат давомида барча беморлар ҳам нормал ҳолатда ҳамма воқеликни англамасликлари мумкин. Шунинг учун тиббий хизмат кўрсатиш шартномалари заиф беморларнинг потенциал эксплуатациясининг олдини олишга ёрдам беради, деган хулоса қилишимиз мақсадга мувофиқ.

Шинингдек, ушбу шартномалар одатда тўловларнинг оқилона ва аниқ тушунтирилишини таъминлайдиган адолатли ҳисоб-китоб амалиётини ўз ичига олади. Хусусан, улар қўшимча тиббий хизматлар ёки харажатлар қўшилганда юзага келадиган вазиятларни кўриб чиқиш учун хужжат вазифасини ҳам бажаради.

А.А.Каримов тиббий хизматнинг қуйидаги жиҳатларини қайд этади: “Фуқаролар соғлиғини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асосларини иккига ажратиш мумкин: биринчиси, фуқаролар соғлиғини фактик амалда ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асослари ва иккинчиси, фуқаролар соғлиғини ҳуқуқ сифатида ҳимоя қилишга қаратилган фуқаролик-ҳуқуқий усуллар. Мазкур икки ҳолат ҳам фуқаролар соғлиғини сақлашнинг

фуқаролик-ҳуқуқий воситалар орқали таъминланиши ҳисобланади”⁵. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, тиббий хизмат кўрсатишда тарафлар ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришилади. Бундай муносабатнинг шартномавий ҳамда ҳуқуқий асослари борлигини билиш муҳим.

Тиббий хизмат кўрсатиш шартномаларида низоларни ҳал қилиш механизми хусусида қарашлар, ёндашувлар жуда кўп. Асосан, Марказий Осиё давлатларида мазкур низо бўйича ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишдан кўра барча нарсани умумий боғлиқлик асосида талқин этиш ҳолатлари устувор. Бироқ кейинги йилларда тиббий хизмат бозорининг жадал ривожланиши, тиббий хизмат кўрсатишда хусусий тиббий ташкilotларнинг катта массани ташкил этиши туфайли бу масалада низони ҳал қилиш учун суд-ҳуқуқ соҳасига мурожаат қилиш ҳолатлари кўпаймоқда.

Тиббий хизмат кўрсатиш шартномаларини беморлар (буюртмачи), тиббий ташкilotлар ёки учинчи томон тўловчилари (суғурта компаниялари) ўртасидаги низоларни ҳал қилиш қоидалари деб ҳам тушуниш мумкин. Шунга асосан тиббий хизмат кўрсатиш шартномалари тиббий хизмат нархларига оид низолардан ташқари аҳоли соғлиғини ҳам ишончли ҳимоя қилиши лозим. Тиббий хизмат кўрсатиш шартномалари тиббий хизмат жараёнидаги келишмовчиликларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлаш тизимига ишончни сақлаш учун жуда муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, тиббий хизмат кўрсатиш шартномалари ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларидан бири ҳисобланади. Мазкур шартномаларнинг самарали ишлаш механизмларининг яратилиши қонунларга бўйсуниб ишлайдиган соғлиқни сақлаш тизимининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Жамшид АБДУЛЛАЕВ,

Жамоат ҳафсизлиги университети мустақил изланувчиси, “Адлия аълоҳиси”, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Ҳойдаланилган адабиётлар:

1. <https://lex.uz/docs/-2686000>
2. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1996-y., 9-son, 128-modda; Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 03/22/770/0424-son; 04.11.2022-y., 03/22/800/0990-son; 21.01.2023-y., 03/23/815/0044-son; 31.05.2024-y., 03/24/928/0384-son; 09.09.2024-y., 03/24/957/0689-son; 21.09.2024-y., 03/24/963/0735-son
3. А.В.Тихомиров. Проблемы правовой квалификации вреда здоровью при оказании медицинских услуг. Специальность 12 00 03 — Гражданское право, предпринимательское право, семейное право, международное частное право. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва 2008. <https://www.dissercat.com/content/problemy-pravovoi-kvalifikatsii-vreda-zdorovyu-pri-okazanii-meditsinskikh-uslug/read>
4. А.В.Горбунов. Гражданско-правовая природа возмещения расходов на оплату услуг процессуального представителя. Специальность 12 00 03 — Гражданское право, предпринимательское право, семейное право, международное частное право. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Ростов-на-Дону 2011. <https://www.dissercat.com/content/grazhdansko-pravovaya-priroda-vozmeshcheniya-raskhodov-na-oplatu-uslug-protsessualnogo-predstavitel>
5. А.А.Каримов. Фуқаролар соғлиғини сақлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий нормалар воситасида таъминлаш масалалари. 12.00.03 — Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2020. В 18.

ШАХСНИ ГАРОВГА ОЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: *ушбу мақолада шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш жиноятининг назарий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари ўрганилади. Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш жиноятларининг криминалогик тавсифи, келиб чиқиш сабаблари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти ва жиноятчиликка қарши самарали кураш усуллари тадқиқ қилинади. Мазкур жиноятларнинг жамоат хавфсизлигига таҳдиди, уларнинг олдини олишда ахборот-коммуникация технологияларининг роли ва ҳуқуқий тарғиботнинг аҳамияти алоҳида ёритилади.*

Калит сўзлар: *шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, криминалогик тавсиф, ҳуқуқий механизмлар, жамоат хавфсизлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жиноят қонунчилиги, ахборот-коммуникация технологиялари, ҳуқуқий тарғибот, жиноятчилик детерминантлари.*

Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари сифатида турли назарий омилларни таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу омилларни куйидагича изоҳлаш мумкин:

1. **“Кондиционалистик” ёки кўп омиллик** — бунга кўра, ушбу жиноятчиликнинг сабаблари унга ташқи ва ички таъсир этувчи кўплаб ҳолатларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Бугунги кунда ушбу омиллар жуда кўп учрайди.

2. **“Анъанавийлик”** — мазкур жиноятчиликнинг сабаблари сифатида уни содир этишга туртки бўладиган ташқи омиллар кўриб чиқилиб таҳлил қилинади.

3. **“Анъанавий-диалектик”** — бунда сабаб жиноий оқибатни келтириб чиқарувчи энг муҳим омил ҳисобланади.

4. **“Интераксионистик”** — бунга асосан ушбу жиноятчиликни сабаблари маълум шарт-шароит ва вақтда жамиятдаги муҳит ва аниқ бир субъектнинг ўзаро алоқаси натижасида юзага келади.

Мазкур омиллар шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш жиноятларининг келиб чиқиш сабабларини назарий ва амалий жиҳатдан концептуал ёндашувларни илгари суради. Бизнинг фикримизча ушбу муҳим омиллар қаторига виртуаллики ҳам киритишимиз мумкин.

Виртуаллик – бу шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш жиноятларининг келиб чиқишига асосий сабаб сифатида номоён бўлади ва шахснинг турли сабабларга кўра ушбу оламга тушиб қолиши натижасида психологик ҳамда руҳий ўзгаришлар таъсирида жиноят содир этиши билан ифодаланади.

Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш жиноятларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганишда ва уларни таҳлил қилишда турли фикрларни илгари суриш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишда сабаб ва жиноят содир этилишига таъсир қилувчи омилларни бир-биридан фарқлаш лозим. Сабаб ҳар доим таъсир қилувчи омиллардан олдин пайдо бўлади ва жиноят содир этилишига туртки бўлади. Бунда энг муҳими жиноий оқибатларни сабаб сифатида кўрсатмаслик зарур. Чунки, жиноятларнинг оқибати билан эмас, балки уларнинг келиб чиқиш сабаблари билан курашиш яхши натижа беради.

Иккинчидан, ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишда сабаб ҳар бир даврда турлича бўлиши мумкин. Бу кўпроқ жиноятнинг объектив томони билан боғлиқ. Бундай ҳолларда жиноят содир этилишида усул ва воситаларнинг янгича кўринишга эга бўлиш сабабларини аниқлаш лозим. Натижада ушбу турдаги жиноятларни олдини олишда янгича кўринишга эга бўлган усул ва воситаларни ўз вақтида аниқлаш жиноят содир бўлишига чек қўяди.

Учинчидан, ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишда сабаб давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий тартиботга аҳолининг муносабати қай

даражада эканлигида ифодаланади. Бунга кўплаб омиллар таъсир қилади, яъни аҳолининг иқтисодий аҳоли, ҳуқуқий маданияти ва уларнинг қонунларга бўлган эътибори ҳисобланади. Ушбу омиллар ўртасида мувоzanат сақланмаса, жиноятчиликнинг авж олишига олиб келади.

Тўртинчидан, ушбу турдаги жиноятларда сабаб шахсни жиноят содир этишга ундайдиган мақсад, хоҳиш-истак ва мотивлар каби субъектив томон белгиларининг мавжуд бўлиши билан ифодаланади. Ушбу ҳолатларни юзага келтирувчи омилларга қарши кураш жиноятларнинг олдини олишда самарали восита сифатида қабул қилинади.

Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш жиноятларининг келиб чиқиш сабаблари доирасини аниқ белгилаб олиш ушбу турдаги жиноятларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради.

М.Й.Гушин жиноят содир этилиши шахс ва жамият ўртасидаги зиддиятни ифодалашини, бундай ҳолда, унинг сабаблари охир-оқибат фақат ижтимоий қарама-қаршиликлар туфайли юзага келиши мумкинлигини таъкидлайди.

Сабаблар доирасини аниқ белгилаш масаласини ижобий ҳал этиш жиноятларни башорат қилиш имкониятини юзага чиқаради.

Бу борада М.Усмоналиевни, жиноятчиликнинг динамикасига таъсир қилувчи омиллардаги ўзгаришларнинг қанчалик аниқ эътиборга олиниши жиноятчиликни башорат қилиш учун ҳам жуда муҳим деб ҳисоблаши, фикримизнинг далилидир.

Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш жиноятларининг келиб чиқиш сабаблари ва унга имкон туғдирувчи ҳолатларнинг назарий-амалий жиҳатлар таснифи хусусида юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ушбу турдаги жиноятлар сабабларини ўрганишда ички ва ташқи омилларни шахс ҳаракатларига ўзаро таъсирини баҳолаш. Яъни, жамият ва давлат ҳаётидаги муҳим ўзгаришларнинг инсон ҳаётига таъсири натижасида жиноят содир этилиши билан ифодаланади. (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий, турли даврларда минтақалар аҳолиси хусусиятлари ва демографик ўзгаришлар кабилар);

2. Ушбу турдаги жиноятлар сабабларини ўрганишда шахснинг физиологик ва психологик ҳолати ўзаро таъсирини баҳолаш. Яъни, одамлар турмуш тарзини ўзгарттирувчи, унинг руҳий ҳолатида ёшга доир ўзгаришлар ва унга нисбатан ҳар хил ҳолатларда психологик босимнинг юзага келиши натижасида жиноят содир этилиши билан ифодаланади (тажовузкорлик, қасд олиш, руҳий бўшлиққа тушиб қолиш, маълум вақт оралиғида шахс ҳолатининг руҳий бузилишлари кабилар);

3. Ушбу турдаги жиноятлар сабабларини ўрганишда шахс ижтимоий ҳолатининг жиноят содир этилишига ўзаро таъсирини баҳолаш (камбағаллик, жамиятда ижтимоий тенгсизлик, эҳтиёжлар кўпайиши,



асоссиз бойиб кетиш, манфаатлар масаласи, жамиятда ижтимоий адолатнинг таъминланмаслиги, ижтимоий гуруҳларнинг пайдо бўлиши, ижтимоий муҳитнинг бузилиши кабилар);

4. Ушбу турдаги жиноятлар сабабларини ўрганишда замонавий илғор технологияларнинг жиноят содир этилишидаги улушининг кўпайиши билан баҳоланади. Бунда ушбу турдаги жиноятларни содир этишда янгича усул ва воситаларнинг пайдо бўлиши ҳамда ушбу ҳолатларга нисбатан қарши курашнинг етарли даражада самарали эмаслиги билан изоҳланади (турли мессенжерларнинг пайдо бўлиши, турли технологик дастурларнинг яратилиши кабилар);

5. Ушбу турдаги жиноятлар сабабларини ўрганишда шахснинг виртуал оламга кириб қолишининг жиноят содир этилишига ўзаро таъсирини баҳолаш. Бунда шахснинг фикрлаш доирасида нореаллик ҳолатлар вужудга келади ва ушбу ҳолат жиноят содир этилишига олиб келади (турли компьютер ўйинларинининг шахс руҳиятига таъсири, замонавий гаджетларнинг пайдо бўлиши кабилар);

Жиноятчи шахси билан боғлиқ бўлган илмий қарашлар у билан алоқадор бўлган муаммоларнинг ечимини топишда яқдил фикрга эга эмаслигини кўрсатади. Чунки, жиноятчи шахси билан боғлиқ бўлган ягона концепция мавжуд эмас. “Шахс” тушунчаси ижтимоий ва биологик хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган, ўзининг мавжудлигини турли ҳуқуқий муносабатларнинг ажралмас бирлигида намоён этувчи мавжуддоддир. Шахс ижтимоий ривожланиш, жамиятдаги шаклланиш ва ўз фаолияти жараёнида турли кўринишларга айланиб боради. Жиноятчи шахсини кримнологик жиҳатдан тадқиқ этиш орқали кўпгина саволларга жавоб топиш мумкин.

Рус олими А.А. Герцензон эса, “жиноий сиёсат иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалар билан бир қаторда социалистик давлатнинг умумий сиёсатининг бир қисмидир. У қонунларнинг аниқ ижроси асосида жиноятлар ва бошқа ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларга қарши курашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоатчилик фаолиятини бошқаради” дея таъриф берган.

Бизнинг фикримизча, “жиноий сиёсат” атамасига “жиноятчиликка қарши кураш” фаолиятини аниқ белгилаб берувчи асосий омил сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

С.В.Бородин жиноятчиликка қарши курашни ижтимоий-сиёсий категория сифатида баҳолаб, жиноят ва унинг сабабларини материалистик талқин этиш асосида давлат ва жамият томонидан амалга оширилаётган мақсадли фаолият тури деб ҳисоблаган.

Жиноятчиликка қарши кураш – бу жиноятчиликни ва унинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтиришга, жиноятчиликни кўпайишига таъсир қилувчи омилларни ишлаб чиқишга, жиноятчиликни келтириб чиқарувчи сабабларни йўқ қилишга ёки унинг олдини олишга қаратилган мураккаб тизимли ва ҳамкорликдаги фаолиятни белгилаб берувчи давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Жиноятчиликка қарши курашни унинг олдини олиш фаолияти билан синоним тарзда ифодалаш мумкин. Жиноятчиликнинг олдини олиш тушунчаси ҳам кримнологик термин бўлиб, бу жиноят сабаблари ва унинг келиб чиқишига шароит яратувчи омилларга мақсадли таъсир кўрсатиш сифатида қаралади.

Бизнинг фикримизча, шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш жиноятларнинг олдини олишда, ушбу турдаги жиноятларни назорат остига олувчи “Давлатнинг мақсадли дастурини” ишлаб чиқиш жуда муҳим вазифа ҳисобланади. Жиноятчиликка қарши “Давлатнинг мақсадли дастурини” амалга оширишни бевосита таъминлаш кўпгина жиҳатларга боғлиқ. Бунда ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш, уни назорат қилиш, ушбу дастурни амалга оширувчи кадрларни тўғри танлаш, уларнинг маънасини оширишни ташкил этиш, янги кримнологик вазиятларни ҳисобга олган ҳолда қайта тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш жиноятларининг кримнологик тавсифи – бу ушбу турдаги жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари ва унга шарт-шароит яратувчи омилларни, олдини олишнинг самарали усул ва воситаларини, жиноятчи шахсига доир масалаларни ҳамда ушбу турдаги жиноятларни келиб чиқиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолатларни ўзида мужассамлаштирувчи йирик тармоқ ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш жиноятларнинг олдини олишда илмий асосланган концептуал ёндашувлар муҳим ўринни эгаллайди. Уларни қуйидагича талқин этиш мумкин:

1. Ушбу турдаги жиноятларни содир этишга мойил бўлган шахслар рўйхатини шакллантириш, уларни электрон базага киритиш ва “Face ID” тизими орқали назоратни кучайтириш;

2. Мазкур жиноятларни тезда аниқловчи ахборот-таҳлилий марказлар фаолиятини кучайтириш;

3. Ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишда кримнологик тадқиқотларга кенг йўл очиб бериш ва уни молиялаштириш тизимини ташкил этиш;

4. Мазкур жиноятларнинг олдини олишда ҳудудлардаги кримноген вазият ва жиноятлар динамикасини тўлиқ таҳлил қилувчи замонавий хусусий марказлар фаолиятини йўлга қўйиш;

5. Ҳудудларда “Жамоатчилик назорати” масканлари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни моддий-техник базасини такомиллаштириш;

6. Халқаро стандартларга асосланган профилактик тадбирларни ташкил этишни кучайтириш;

7. Ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишда тезкор-қидирув фаолият турини хорижий давлатлар билан ҳамкорликда хусусий секторда ҳам жорий этиш имкониятларини кўриб чиқиш;

8. Аҳолига яқиндан ёрдам бериш мақсадида жойларда “психологик ва социологик хизмат кўрсатиш” илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини йўлга қўйиш;

9. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган “Мобиль кўчма тарғибот гуруҳлари” фаолиятини йўлга қўйиш;

10. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор бериш.

11. Мазкур жиноятлар бўйича ягона “Республика маълумотлар банки”ни яратиш ва ундан фойдаланиш механизмни ташкил этиш.

12. Ушбу жиноятларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида “Кримнологик прогноз” бўлимлари фаолиятини ташкил этиш.

Азамат АННАКУЛОВ,

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Анциферов К.П. Ответственность за захват заложника (Уголовноправовой и кримнологический аспекты) : Дис.... канд. юрид. наук : 12.00.08 : Москва, 2003. 191 с. РГБ ОД, 61:04-12/403. 6
2. Википедия — свободная энциклопедия (wikipedia.org).
3. Кримнология. Дарслик. З.С.Зарипов, Ю.С.Пулотов-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2016. - 474-бет.
4. Международная конвенция о борьбе с захватом заложников. Принята резолюцией 34/146 Генеральной Ассамблеи ООН от 17 декабря 1979 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/hostages.shtml
5. Павлик М.Ю. Уголовная ответственность за насильственные преступления против общественной безопасности: современное состояние, сущность и противоречия// Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. 2006. №1. С. 102-107.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сон Фармони //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ МОДДАЛАРНИ ТАРҒИБ ҚИЛУВЧИ МАҲСУЛОТНИ ТАЙЁРЛАШ, ТАРҚАТИШ, РЕКЛАМА ҚИЛИШ, НАМОЙИШ ЭТИШ ЖИНОЯТИГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР

АННОТАЦИЯ: мақолада гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмай-диган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш жинояти таркиби билан боғлиқ назарий қарашлар, уни жиноят қонунчилигига киритиш зарурати ва бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: жиноят таркиби, кучли таъсир қилувчи моддалар, кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулот, аҳоли саломатлиги, жиноий жавобгарлик.

Бугунги кунда кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг чекланмаган муомаласи гиёҳвандлик воситалари ҳамда психотроп моддалар сингари инсон ҳаёти, аҳоли саломатлиги ва миллий генофондга ўзининг салбий таъсирини кўрсатувчи ҳолатларга аллақачон айланиб улгурди. Натижада, Ўзбекистонда мазкур моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлди ва Ҳукумат томонидан ушбу турдаги жиноятларга нисбатан кескин ҳуқуқий таъсир чоралари белгилана бошланди.

2024 йил 5 октябрда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига гиёҳвандлик воситаларининг, улар аналогларининг ёки психотроп моддаларнинг, шунингдек кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг қонунга хилоф муомаласига қарши курашишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-971-сон қонун билан кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари белгиланди.

Бундан олдинги тадқиқотларимизда кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят таркибининг махсус объекти жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби, турдош объекти аҳоли саломатлигини асраш, таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, асосий бевосита объекти эса, аҳоли саломатлигини асрашга қаратилган кучли таъсир қилувчи моддалар билан муомала қилишнинг белгиланган тартиби, факультатив бевосита объектга эса, экологик, жамоат хавфсизлиги, аҳоли саломатлиги, одамлар ҳаёти ҳисобланади, деб баён қилган эдик¹. Бизнинг фикримизга кўра, ЖК 251¹-моддасига янги киритилган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш билан боғлиқ қилмишларнинг ҳам объекти юқорида санаб ўтилган ижтимоий муносабатлар, яъни: махсус объект – жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби; турдош объект – аҳоли саломатлигини асраш, таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар; асосий бевосита объект – аҳоли саломатлигини асрашга қаратилган кучли таъсир қилувчи моддалар, уларни тарғиб қилувчи маҳсулотлар билан муомала қилишнинг белгиланган тартиби ҳисобланади. Зотан, аҳоли орасида гиёҳвандлик мақсадларида кучли таъсир қилувчи моддаларнинг истеъмоли ортиб бориши жамиятда руҳан носоғлом, моддаларга тобе бўлган тажовузкор шахсларнинг кўпайишига замин яратиб, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига бевосита таҳдид солади.

Бу каби жиноятнинг предмети кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулот ҳисобланади. Кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулот тушунчаси юзасидан юридик адабиётларда маълумот етарли эмас. Зотан, ушбу қилмишлар мамлакатимизда

криминализация қилинганлигига унча кўп вақт бўлмади ва кўпчилик давлатларда мазкур қилмишлар криминализация қилинмаган.

Бизнинг фикримизга кўра, кучли таъсир қилувчи моддалар гиёҳвандлик воситалари каби аҳоли саломатлигига таҳдид солишини, улар гиёҳвандлик мақсадларида фойдаланилаётганлигини инобатга олиб, кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулот деганда нима тушунилишини гиёҳвандлик воситаларининг тарғиботини тақиқлашга оид қонунчиликда белгиланган қоидалар асосида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонуннинг 34-моддасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар тарғиботи, яъни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш усуллари, услублари тўғрисидаги, уларни олиш жойлари ҳақидаги маълумотларни тарқатишга қаратилган фаолият тақиқланиши белгиланган.

Илмий доира вакиллари томонидан илгари сурилган фикрларда ҳам гиёҳвандлик воситаларини тарғиб қилувчи материаллар деганда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасини ташкил этувчи ҳаракатларни содир этиш услублари, воситаларни сотиб олиш жойлари, уларга қизиқиш уйғотувчи маълумотлар тушунилишини кўриш мумкин². Шундан келиб чиқиб, биз кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулот деганда кучли таъсир қилувчи моддаларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари, услублари тўғрисидаги, уларни олиш жойлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган материаллар ва нарсаларни тушуниш лозим, деган фикрдамиз. Шу билан бирга, кучли таъсир қилувчи моддаларни доираси аниқ бўлмаган шахслар ўртасида истеъмол қилишга қизиқиш уйғотувчи материаллар кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулот тушунилиши, агарда ушбу материаллар аниқ бир шахсни кучли таъсир қилувчи моддалар истеъмолига жалб этиш мақсадида тайёрланиб, фойдаланилса қилмиш ЖКнинг тегишли моддалари (масалан, ЖК 251¹-моддасининг 3-5-қисмлари, 274-моддаси) билан малакаланиши лозим, деб ўйлаймиз. Зотан, ЖК 251¹-моддасининг биринчи қисмидаги жиноят субъектив томондан номуайян доирадаги маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш мақсадида содир этилади.

ЖК 251¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишлар альтернатив, формал таркибли жиноят таркиби тоифасига киради. Зеро, улар бир нечта альтернатив ҳаракатлардан, яъни кучли таъсир қилувчи моддаларни тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш, шу жумладан уларни оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатишдан иборатдир.

Маҳсулотни тайёрлаш деганда кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни, яъни кучли таъсир қилувчи мод-



даларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари, услублари тўғрисидаги, уларни олиш жойлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган материаллар ва нарсаларни ҳар қандай усулда тайёрлаш (фото, видео, тарқатма материалларни тайёрлаш, деворларга расм чизиш – “графити” ва бошқалар) тушунилади. Маҳсулотни тарқатиш деганда, уни ҳеч бўлмаганда битта шахсга берилишини, жўнатилишини, сотилишини, ҳадя қилилишини, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилишини ёки бошқа усулда етказиб берилишини, жўнатилишини тушуниш керак³. Кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш ҳаракати нималардан иборатлиги “Реклама тўғрисида”ги қонунда белгиланган. Ушбу қонунга мувофиқ, ҳар қандай реклама воситаларидан фойдаланган ҳолда тарқатиладиган, мазмуни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган рекламадан фойдаланувчиларга қаратилган ва реклама объектига эътиборни жалб қилиш, унга бўлган қизиқишни шакллантириш ёки қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уни бозорда бевоқиф ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида илгари суриш учун мўлжалланган махсус ахборот реклама ҳисобланади. Мазкур қонуннинг 16 ва 34-моддаларида кучли таъсир қилувчи моддалар, таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини реклама қилиш тақиқланиши белгиланган. Маҳсулотни намойиш этиш деганда уни мазмуни билан ҳеч бўлмаганда битта шахсни ҳар қандай усуллар (масалан, видеофильм, фотосуратлар, слайдларни кўрсатиш ва ҳоказо йўллар) билан таништирилишини тушуниш керак⁴.

Шуни таъкидлаш жоизки, ЖК 251¹-моддасининг биринчи қисмидаги ҳаракатлар кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга ҳилоф муомаласи билан эмас, балки уларни тарғиб қилувчи маҳсулотлар билан боғлиқдир. Шунга асосан, биз мазкур қилмишларни алоҳида моддада баён қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

ЖК 251¹-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларидан назарда тутилган қилмишлар субъекти жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

Дарҳақиқат, кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этишнинг субъектив томони тўғри қасдда ифодаланади. Зотан, ушбу қилмишлар формал таркибли жиноят ҳисобланиб, кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ҳаракатларида маҳсулотлар муайян мақсадларда тайёрланади ва ушбу мақсад шахснинг ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англашдан (тафаккурий элемент), унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етишидан ва уларнинг юз беришини истишидан (иродавий элемент) далолат беради.

Субъектив томоннинг кейинги белгилари мотив ва мақсад ҳисобланади. Жиноятнинг мотиви ва мақсади жиноят субъектив томонининг мустақил факультатив белгилари ҳисобланади. Жиноятнинг мотиви ва мақсади жиноятни тўғри квалификация қилишда, жиноятни бошқа жиноят таркибидан фарқлаш ва адолатли жазо тайинлашда муҳим аҳамиятга эга⁵. Айрим ҳолларда жиноятнинг мотиви ва мақсади факультатив белгидан зарурий белги шаклига ўтиши мумкин. Жиноятнинг субъектив белгиси муайян жиноят таркибининг зарурий белгиси бўлиб келганда мазкур белгининг мавжудлиги қилмишни жиноят сифатида баҳолашга асос бўлади⁶. Бу ҳолат ЖК 251¹-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўзда тутилган жиноятларда қисман рўй беради. Бинобарин, мазкур қисмларда иккита тоифадаги ҳаракатлар белгиланган. Биринчи тоифага кучли таъсир қилувчи

моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ҳаракати, иккинчи тоифага ушбу моддаларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш қиради. Айнан биринчи тоифадаги ҳаракатларда жиноятнинг мақсади жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида намоён бўлади.

Кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш жиноят таркибини кўриб чиқиш натижасида қуйидагиларни ҳулоса қилиш имконини бери:

- ахборот технологияларининг ривожланиши улар орқали жиноят содир этиш ҳолатларининг ортишига замин яратмоқда. Улар ёрдамида содир этиладиган жиноятларни аниқлаш, фош этиш борадидаги қийинчиликлар жиноятчиликни жиловлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга жиддий таҳдид солади. Шунга кўра, мазкур технологиялардан фойдаланиб кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилиш билан боғлиқ ҳаракатларга қарши курашишда жиноий-ҳуқуқий механизмларнинг ўрни катта ҳисобланади;

- жиноятнинг махсус объекти жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби, турдош объект – аҳоли саломатлигини асраш, таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, асосий бевоқиф объект – аҳоли саломатлигини асрашга қаратилган кучли таъсир қилувчи моддалар, уларни тарғиб қилувчи маҳсулотлар билан муомала қилишнинг белгиланган тартиби ҳисобланади;

- кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулот деганда кучли таъсир қилувчи моддаларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари, услублари тўғрисидаги, уларни олиш жойлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган материаллар ва нарсаларни тушуниш лозим;

- ушбу ҳаракатлар кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга ҳилоф муомаласи билан эмас, балки уларни тарғиб қилувчи маҳсулотлар билан боғлиқ бўлиб, уларни ЖК 251¹-моддасидан алоҳида моддага чиқариш керак;

- ушбу ҳаракатлар формал таркибли жиноят бўлганлиги ҳамда айрим ҳолларда қилмиш айна бир мақсад билан (*кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш*) амалга оширилиши боис фақатгина тўғри қасд билан содир этилади ҳамда жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жиноят субъекти ҳисобланади.

Сардор ТОШНИЁЗОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С.Тошнӣёзов. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш жиноятининг объекти билан боғлиқ айрим масалалар // “Актуальные проблемы и современные тенденции юридических наук”, посвященной памяти доктора юридических наук, профессора, академика, заслуженного деятеля науки Узбекистана Хадичи Сулеймановой”: сборник докладов международной научно-практической конференции. Изд-во ТГЮУ, 2023. – с. 129-137.
2. Е.В.Косырев. Вопросы правовой квалификации рекламы и пропаганды наркотических средств / Вестник Университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА). № 11, 2022. DOI: 10.17803/2311-5998.2022.99.11. – с. 137-145.; А.Ю.Иванов. Понятие, основания административной ответственности за пропаганду и рекламу наркотических средств / А.Ю.Иванов // Право. – 2015. – №2. – С. 24-28 ва 6.
3. М.Х.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм / М.Х.Рустамбаев. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2024. – 194 в.
4. М.Х.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм / М.Х.Рустамбаев. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. – 137 в.
5. Х.Каримов. Жиноятларни таснифлашда жиноят таркибининг субъектив белгиларининг таъсири / “Ўзбекистон терговчиси” илмий-амалий юридик журна. № 3 (03). 2023. – 39 в.

ЖАЗО ТУШУНЧАСИНИНГ МОҲИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ЖАЗО тушунчасига моҳиятан ёндашадиган бўлсак, у давлат, ҳуқуқ ёки бошқарув каби тушунчалардан ҳам олдинроқ вужудга келганлигининг гувоҳи бўламиз. “Дин” сўзи араб тилида “ҳисоб”, “жазо”, “мукофот” деган маъноларни билдиради. Яъни қиёмат куни барча бандалар қайта тирилтирилиб, ҳисоб-китоб қилинади. Яхшига мукофот, ёмонга жазо берилади¹. Бундан англашиладики, диний нуқтаи назаридан ҳам ёмонга жазо берилиши муқаррар.

Ёмон ким?! Ёмон – жамият ва давлатни бошқариш учун ўрнатилган қонун-қоидаларга бўйсунмаган, уни бузган инсон...

Ислоҳ оламнинг энг мўтабар манбаларидан бири – “Мухтасар”да баён этилишича, “Шариат истилоҳида, Қуръонда, ҳадисда ё ижмоъда муайян – азоб ва жазога лойиқ жиноят қилувчига Оллоҳ таоланинг ҳақи бўлиб собит ва вожиб ҳисобланур”².

Бу ўринда аҳамият қаратилиши лозим бўлган низоҳатда муҳим бир жиҳат бор-ки, жазога лойиқ жиноят қилувчи инсонга жазо берилиши Оллоҳ таоланинг ҳақи эканлигига ишора қилинмоқда. Демак, Яратганининг амрини тўлиқ бажармаган, ёки унинг таскарисини қилган инсонга, албатта, жазо берилиши лозимлиги ўқтириб ўтилмоқда.

Мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони-каримнинг “Бақара” сурасида ҳам жазога қўйиладиган ишора қилиб ўтилади: “Бу Аллоҳнинг қонун чегараларидир. Бас, улардан тажовуз қилиб ўтмангиз. Ким Аллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, ана ўшалар золимлардир”³. Золимлар эса, жазога мустаҳқик этилади.

Ҳуқуқий тушунча сифатида эса, жазо – давлат ва ҳуқуқ, шулар билан биргаликда, бундай ҳуқуқни қўллаш ваколати бўлган махсус органлар вужудга келган пайтдан бошлаб пайдо бўлган.

“Жазо (ҳуқуқда) — ҳуқуқбузарлик содир этишда айбланган шахсларга нисбатан қўлланадиган маънавий, моддий ёки жисмоний чеклашлар билан боғлиқ бўлган мажбурият чораси”⁴ деб тушунилади.

Юридик энциклопедияда келтириб ўтилишича, “Жазо – жиноят қонунчилигига асосан, жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурият чорасидир. Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади”⁵.

Ушбу таърифдан ҳам кўриниб турибдики, жазо – биринчи навбатда жамият ва давлат ҳаётидаги ижтимоий адолатни ўрнатиш мақсадида, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган фуқарони ахлоқан тузатиб, тўғри йўлга бошлаш, ноқонуний фаолиятини давом этишига тўсқинлик қилиш, шунингдек бошқа бир янги қонунга хилоф ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланади.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб айтиш керакки, жазо тушунчаси бевожута жиноят тушунчаси билан ҳамбарчас боғлиқ ҳолда тушунилиши зарур. Ҳуқуқ тизимидаги бу икки тушунча бир-бирини тақозо этади. Агар жиноят бўлмаса, ўз-ўзидан жазо ҳам бўлмайди.

Ҳуқуқшунос олим М.Ҳ.Рустамбоевга кўра, “Жиноят ва жазо тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги содир этилган жиноятга нисбатан қўлланиладиган қонунийлик ва айб учун жавобгарлик принципларида ифодаланади”⁶.

“Жиноят” сўзи луғатда жиноят ва гуноҳ маъносига, шариат истилоҳида эса одамнинг жонига зарар келтириш маъносини билдиради”⁷.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 14-моддасига асосан, “айбли ижтимоий ҳавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилди. Жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасига кўра: ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади”⁸.

Жазони содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки жиноятнинг ўзига хос хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасини инобатга олган ҳолда, шартли равишда учта турга ажратиш мумкин:

- интизомий;
- маъмурий;
- жиноий.

Қонунчиликка биноан интизомий жазо тури – мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар қандай юридик шахс мақомига эга бўлган корхона, муассаса, ташкилотда белгиланган ички меҳнат интизомини бузган шахсга нисбатан иш берувчилар томонидан қўлланадиган мажбурият чораси бўлиб, хайфсан бериш, жарима солиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш (ишдан бўшатиш) тарзида қўлланилиши мумкин.

Маъмурий жазонинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу жазо – маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судьяси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари, ички ишлар (милиция) органларининг, давлат инспекцияси органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, фақат маъмурий жазо қўллаш ваколати берилган бошқа органларнинг мансабдор шахслари томонидан берилади.

Жиноий жазо эса – фақат давлат номидан чиқариладиган суд ҳукми билан берилади.

Жиноий жазо хусусида батафсил тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Чунки, жиноят тушунчаси жиноят ҳуқуқининг энг муҳим ва ажралмас категорияларидан бири ҳисобланади. Қолаверса, жазонинг бу тури низоҳатда мураккаб ва ўзига хос хусусиятларга эга. Мураккаблиги шундаки, биринчидан, жиноий жазони тайинлаш учун айбдорга нима учун жазо берилмаётгани исботланиши керак; иккинчидан, қандай жазо тайинлаш керак?! Унинг тури, муддати, миқдори қайси мезонлар билан ўлчаниши лозим, деган саволларга аниқ ва асосли жавоб топилиши керак!

“Жиноий жазо давлатнинг мажбурият чораси бўлиб, у бошқа мажбурият чораларидан қўйидаги ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади:

- 1) жиноий жазо жиноят қонунда қатъий белгиланган бўлади;
- 2) жиноий жазо фақат суд томонидан тайинланади;
- 3) жиноий жазо фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатангина қўлланилади;
- 4) жиноий жазонинг мазмуни шахсни озодликдан маҳрум қилишда ёки ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашда ифодаланади;
- 5) жиноий жазонинг давлат хусусиятига эга эканлиги;
- 6) судланганлик шахснинг фақат жиноий жазога тортилганлиги туфайли келиб чиқади;

7) жазо – бу жиноят содир этган шахсни содир этган қилмиши учун жазолашдир;

8) жиноий жазонинг вазифаси фақатгина содир этилган қилмиш учун жазолаш бўлмай, шунингдек, маҳкумларни тузатиш ва қайта тарбиялаш ҳамдир”⁹.

Ч.Бекарианинг хулосасида қайд этилишича, “жазо тайинлашдан асосий мақсад жиноят содир этишда айбдор деб топилган инсонни азоблаш ва содир этилган жиноятни бартараф этиш эмас... Жазонинг мақсади шахсни жамиятга қайта зарар етказмаслик руҳида тарбиялаш ва бошқалар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олишдан иборат”¹⁰.

Дарҳақиқат, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга жазо тайинлаш фақат суд орқали белгиланади. Қонун талабига кўра, суд ҳукм чиқариш вақтида “судланувчи айбли деб топилмаётган қилмиш ҳақиқатан содир этилганми, бу қилмиш жиноят деб ҳисобланадими ва у Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилган, бу қилмишни судланувчи содир этганими, судланувчи жиноят содир этилишида айблими, башарти айбли бўлса, унинг айби қандай шаклда, судланувчининг жавобгарлигини енгилаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар борми, судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши керакми, судланувчига қандай жазо тайинланиши лозим ва у шу жазони ўташи керакми”¹¹ каби бир қатор саволларга асосли жавобларни топиши шарт.

Суд ёки судья жазо тайинлаш жараёнида қонунчиликда кўрсатиб ўтилган ва юқорида санаб ўтганимиз жазо тайинлашнинг энг муҳим барча талабларига бирма-бир риоя қилиши шарт. Бу ўринда аҳамият қаратилиши керак бўлган яна бир масала борки, суд ҳар қандай шароитда ҳам жиноят ҳуқуқининг муҳим тамойилларидан бири бўлган инсонпарварлик принципини ҳам ёддан чиқармаслиги лозим. Айнан ушбу тамойил жазо тайинлашнинг адолатлилигига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси XI-боби “Жазо тайинлаш” дек ўта муҳим масалага бағишланган бўлиб, унинг 54-моддасида жазо тайинлашнинг умумий асослари батафсил кўрсатиб ўтилган. Мазкур модда матнида “Жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазого тортилади. Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиги даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши¹² билан боғлиқ зарур ҳуқуқий нормалар акс эттирилган.

Лекин, фикримизча бу моддада жазо тайинлаш жараёнида суд адолатлилиги принципини бирламчи деб қараши лозимлиги билан боғлиқ норма мавжуд эмас.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасини қуйидаги учинчи хатбоши билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“айбдор деб топилган шахсга тайинланадиган жазо чораси инсонпарварлик принциpidан келиб чиққан ҳолда ҳар томонлама адолатли бўлиши ва айбдорнинг ахлоқан тузалиш йўлига киришига, бошқа бир янги жиноят содир этишининг олдини олишга хизмат қилиши керак”.

Жиноят кодексининг 54-моддасига ушбу норманинг киритилиши:

биринчидан, фуқароларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилиш баробарида, уларнинг Конституция ва қонунларда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлари, қонунӣ манфаатларини ижтимоий-ҳуқуқӣ воситалар орқали қўриқла-нишини таъминлаш имконини оширади;

иккинчидан, билиб-билмасдан, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган фуқарога нисбатан қўлланиладиган жазо чорасининг оғир оқибатлари жисмоний ва руҳий қийналиш, жамиятда инсон шайи, ор-номуси ва қадр-қимматини камситувчи таъйиқлардан биров холи бўлишига олиб келади;

учинчидан, жиноят содир этишда айбдор деб топилган фуқаролар билан ижтимоий муносабатда бўлишнинг инсонпарварлик қоидалари, шу билан биргаликда илғор халқаро принцип ва нормаларга мос равишда жиноят-ҳуқуқӣ воситаларнинг қўлланилиш тизимини кенгайтиради.

Миллий қонунчилигимизда жазо тайинлашдан кўзланадиган энг асосий мақсад – “шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир”¹³ деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси тўртинчи бўлими “Жазо ва уни тайинлаш”га бағишланган бўлиб, унинг X-бобида “Жазо тушунчаси, мақсадлари ва турлари” ўзининг ҳуқуқӣ ифодасини топган. Хусусан 43-моддага мувофиқ:

жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- б⁴) мажбурий жамоат ишлари;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д) озодлиқни чеклаш;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодлиқдан маҳрум қилиш;
- з) умрбод озодлиқдан маҳрум қилиш¹⁴.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо, Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Булардан ташқари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Жазо тайинлаш ва унинг турларининг қўлланилиши ҳуқуқшунослик илмида олимлар томонидан доимий ўрганилиб келинаётган муҳим масалалар қаторида туради. Ва ҳатто, ҳуқуқшунос олимлар ўртасида баъзан бу мавзу жиддий баҳс-мунозараларга ҳам сабаб бўлади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, жиноий қилмишга нисбатан жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг ҳам асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

2018 йил 14 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан имзоланган “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори¹⁵ билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”нинг 2-бўлими ҳам бевосита мамлакатимизда жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни қамраб олади.

Ушбу Концепцияда жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги даражаси ва характери-ни белгилловчи муқобил кўрсаткичларни жорий этиш орқали жиноятларни таснифлаш тизими ва мезонларини қайтадан қўриб чиқиш, Жиноят содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигининг ишончли кафолатини таъминлаш, Жазолар тизими ва уларни тайинлаш механизмларини қайтадан қўриб чиқиш, эскирган ҳамда замонавий талабларга жавоб бермайдиган жазолар шакли ва турларини чиқариб ташлаш, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларни тарбиялаш, шунингдек, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган жазо турлари ва бошқа ҳуқуқӣ таъсир чораларини жорий этиш сингари муҳим масалалар белгиланган.

Ҳулоса қилиб айтганда, жиноий жавобгарлик ва жазо тайинлаш тизимини такомиллаштириш Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқӣ демократик давлат қуриш жараёнида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизлиқни ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Изатулло ТОЛИБОВ,

юридик фанлар доктори, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси “Жиноят ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 1 - 3. Жазо-мукофот кунининг эгасидир. <https://islom.uz/view/3-zhazo-mukofot-kunining-egasidir>.
2. Мухтасар: (Шариат қоидаларига қисқача шарҳ). Нашрга тайёрловчилар: Р. Зоҳид, А. Дехқон; - Т: Чўлпон, 1994 - 336 б., 283-бет.
3. Қуръони-Каримнинг “Бақара” сураси. <https://www.islamonline.uz/quran/content?id=285>.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти ТОШКЕНТ. Ж. ҳарфи жилди., 20-бет.
5. Юридик энциклопедия. Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. - Т: “Шарк”, 2001. - 656 б. 146-бет.
6. М.Х.Рустамбоев, Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм), Олий ўқув юртлари учун дарслик., Тошкент - “ILM ZIYO” - 2006. 354-бет.
7. Мухтасар: (Шариат қоидаларига қисқача шарҳ). Нашрга тайёрловчилар: Р. Зоҳид, А. Дехқон; - Т: Чўлпон, 1994 - 336 б., 283-бет.
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси., <https://www.lex.uz/acts/111453>.
9. М.Х.Рустамбоев, Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм), Олий ўқув юртлари учун дарслик., Тошкент - “ILM ZIYO” - 2006. 355-357 бетлар.
10. Бекариа ЧО. О преступлениях и наказаниях. М, 1995г., Стр-373.
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси., <https://www.lex.uz/acts/111453>.
12. Уша манба.
13. Уша манба.
14. Уша манба.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори., <https://lex.uz/docs/3735818#3736638>.

ОИЛАВИЙ ШАРТНОМАЛАР ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада оилавий шартномаларнинг турлари ва уларнинг қонуний асослари апрофлича кўриб чиқилган. Оилавий муносабатларни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари ва ушбу механизмнинг аҳамияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: оила, шартнома, ҳуқуқ, муносабатлар, механизм, қонунчилик, муаммо, тажриба, низо, эркинлик, тартиб, амалиёт, ҳимоя, келишув, эр ва хотин.

Мазкур шартнома турлари ҳар бир ҳуқуқ тизимида ўзига хос тарзда ўрин эгаллайди, юридик нуқтаи назардан расмийлаштириш ва фуқаролар томонидан оилавий муносабатларни тартибга солишга бўлган рағбат турлича ҳисобланади. Оила Кодекси бундай имкониятдан фойдаланишни кўплаб моддаларида (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида келишув (27-модда), никоҳ шартномаси (29-модда), ота-она ва вояга етмаган болалар умумий мол-мулкни вужудга келтириш тўғрисида келишув (92-модда), алимент тўлаш тўғрисидаги келишув (100, 118-моддалар, 17-боб) ота-онанинг келишувига биноан болага исм, ота исми бериш (69, 208-моддалар), ота-онанинг келишувига биноан ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаш жойини белгилаш (75-модда), ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота(она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида келишув (76-модда), болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув (195-модда) белгиланган бўлсада, оилавий ҳуқуқий шартнома тузиш амалиёти миллий ҳуқуқ амалиётида оилалар томонидан ўзаро

муносабатларни тартибга солиш воситаси сифатида қабул қилинмаяпти.

Бу борада ўтказган тадқиқотимиз натижаларига кўра, респондентларнинг никоҳ шартномасининг мазмун-моҳияти тўғрисида берилган жавоблари таҳлил қилинганда аёллар эркакларга нисбатан никоҳ шартномасининг мазмунини тўлароқ тушунишлари аниқланди. Сўровда қатнашган респондентларнинг 27,4 фоизи никоҳ шартномаси иқтисодий ва мулк муносабатларни, 38,7 фоизи ажрим бўлган ҳолатда мулк тақсимотини тартибга солишни қайд этишлари билан берилган саволга тўғри жавоб беришган ва бу жавобларнинг умумий миқдори 66,1 фоизни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич эркаклар ва аёлларда мос равишда 59,5 фоиз ва 70,3 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, респондентлар орасида никоҳ шартномасини оиладаги вазифаларни тақсимлаш ва уларни бажариш билан боғлиқ механизм сифатида тушунадиган 22,6 фоиз кишилар борлиги ҳам қайд этилди. Мазкур тоифадаги кишилар эркакларда 26,2 фоиз ва аёлларда эса, 20,3 фоизни ташкил этди (1-жадвал).

Респондентларнинг никоҳ шартномасининг мазмуни тўғрисидаги фикрлари (умумий ва жинс кесимида)

Никоҳ шартномаси тўғрисида маълумотга эга бўлсангиз, у қандай муносабатларни тартибга солади?			
	Эркак	Аёл	умумийси
Иқтисодий ва мулк муносабатлар	26,2	28,1	27,4
Фарзандлар билан боғлиқ	0	4,7	2,8
Оиладаги номулкий муносабатлар	4,8	3,1	3,8
Оиладаги вазифаларни тақсимлаш ва уларни бажариш билан боғлиқ	26,2	20,3	22,6
Ажрим бўлган ҳолатда мулк тақсимоти	33,3	42,2	38,7
Бошқа жавоб	9,5	1,6	4,7

Таҳлилга кўра, 35,2 фоиз респондентлар никоҳ шартномаси асосан турли давлат фуқаро вакиллари, 24,8 фоизи бошқа миллат, аксар ҳолатда европа халқлари вакиллари, 16,3 фоизи юқори табақа, бой оила вакиллари ўртасида тузилади деган фикрда. Тадқиқотда бу жавобларнинг жамланмаси 76,3 фоизни ташкил этди. Бу каби шартномани ўрта ва қуйи табақа оила вакиллари ўртасида тузилади деб ҳисоблайдиган респондентларнинг улуши эса, 6,7 фоиз ташкил этиши никоҳ шартномаси нафақат юқори табақа, шу билан бирга аҳолининг ўрта ва қуйи қатламларида учраши мумкинлигидан далолат беради.

Оилавий муносабатларда шартномалардан фойдаланиш истиқболли ҳисоблансада, бу масаланинг ўзига хос муаммоли жиҳатлари ҳам мавжуд. Шу билан бирга, шахсий келишувлар ва қатъий ҳуқуқий талаблар ўртасидаги мувозанатни топиш ҳуқуқ соҳасини

янада мураккаблаштиради. Бу эса қонун чиқарувчи ва судьялардан алоҳида эътибор ҳамда синчковлик билан назорат қилишни талаб этадиган мураккабликларни туғдиради.

Замонавий оила ҳуқуқида шартномалар тақдим этадиган мослашувчанлик ва мустақиллик ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу шахсий муносабатларни акс эттирадиган, адолат ва ўзаро ҳурматни рағбатлантирадиган келишувлар тузиш имкониятини беради. Шартнома ҳуқуқи тамойилларини жорий этиш орқали биз низо-ларни ҳал қилиш, масъулиятларни белгилаш ва оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун янада мослашувчан ва адолатли тизим яратишимиз мумкин.

Оилавий муносабатларда шартномаларни қўллаш тарихи қадимги даврларга бориб тақалади, у даврда шартномалар муносабатларни шакллантиришда, мулкни тақсимлашда ва меросни

ўтказишда асосий роль ўйнаган. Ушбу дастлабки шартномалар оилавий масъулият ижтимоий ва иқтисодий устуворликлар билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатди. Вақт ўтиши билан оила ҳуқуқи ривожланиб борди ва мослашди, бу маданият, ҳуқуқий тизимлар ҳамда иқтисодий ўзгаришларни ўзида акс эттирди.

Ислон ҳуқуқи оилавий муносабатларнинг шартномавий жиҳатларини ўзига хос ёндашувлар асосида талқин этади. Никоҳ шартномаси одатда моддий таъминот, маҳр (қалин пули) ва томонлар белгиланган шартларни ўз ичига олади. Масалан, Саудия Арабистонида судлар мунтазам равишда маҳр келишувларини амалга оширади, бу эса ислон ҳуқуқшунослигида никоҳнинг шартномавий асосга эга эканлигини кўрсатади. А. Қурайший¹ исломий никоҳ шартномаларининг мослашувчанлиги уларга замонавий ҳуқуқий ва ижтимоий муаммоларга мослашиш имконини берганлигини таъкидлайди.

Оилавий муносабатларда шартнома ҳуқуқининг тарихий ривожланишини ўрганиш асосида айтишимиз мумкинки, келишувлар шахсий эркинликни ҳурмат қилиш ва жамият қадриятларини сақлаш ўртасидаги доимий мувозанатни акс эттиради. Никоҳдан аввал тузиладиган битимларнинг тан олиниши ва фарзандлар васийлигига оид келишувларнинг ишлаб чиқиши каби муҳим босқичлар шартнома ҳуқуқининг ўзгарувчан оилавий муносабатларга қандай мослашганлигини кўрсатади. Жаҳон ҳуқуқий тизимларидаги қиёсий ёндашувлар шартнома тузиш эркинлигини адолат ва тенглик тамойиллари билан мувозанатлаш зарурлигини таъкидлайди, бу эса оилавий келишувларнинг ҳам амалий, ҳам адолатли бўлишини таъминлайди.

Мулкни тақсимлашни тартибга солувчи шартномалар ажралиш ёки алоҳида яшаш жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, вазиятни ойдинлаштиради ва келишмовчиликларни камайтиради. Никоҳдан аввал ва никоҳдан кейин тузиладиган келишувлар эр-хотинга мол-мулк ва мажбуриятларнинг қандай тақсимланишини олдиндан белгилаш имконини беради. Бу айниқса катта бойлик ёки мураккаб молиявий келишувлар мавжуд бўлган ҳолларда жуда муҳимдир. Америка Қўшма Штатларида судлар бундай келишувларни, агар улар адолатли, ихтиёрий ва мол-мулкни тўлиқ ошкор қилиш талабларига жавоб берса, доимий равишда қўллаб-қувватлайдилар. Худди шундай, Буюк Британиядаги Radmacher Granatino (2010) иши² никоҳдан олдинги шартномаларнинг ҳуқуқий кучини тасдиқлади, бунда улар ихтиёрий равишда тузилган ва томонларнинг бирортасига ноҳақ зарар етказмаслиги шарт эди.

Васийлик келишувлари кўпинча ота-оналик мажбуриятларини белгилаш ва вақтни тақсимлаш жадвалларини белгилаш учун ота-оналик келишувларига таянади. Ушбу келишувлар боланинг манфатларини биринчи ўринга қўяди ва ота-оналарга оиланинг ўзига хос эҳтиёжларига мос келадиган ечимларни биргаликда ишлаб чиқишга имкон беради. Қўшма Штатларда ота-оналар томонидан ўзаро келишилган ота-оналик режалари одатда қонуний кўрсатмаларга риоя қилганда тасдиқлаш учун судларга тақдим этилади. Худди шундай, Австралиянинг 1975 йилдаги Оила ҳуқуқи тўғрисидаги қонуни васийлик низоларини боланинг фаровонлигини биринчи ўринга қўядиган ота-оналик шартномалари орқали ҳал қилишга ёрдам беради.

Медиация ва музокаралар оилавий шартномаларни тузишда, низоларни бартараф этишда ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Медиация очиқ мулоқотни рағбатлантиради, низоларни ҳал қилишга ёрдам беради ва томонларга барча иштирокчилар учун ишлайдиган келишувларга эришиш имконини беради. Бунга мисол Қўшма Штатлардаги ҳамкорликдаги ажралиш жараёни бўлиб, унда томонлар ва уларнинг адвокатлари

муаммоларни суд орқали эмас, балки музокаралар орқали ҳал қилиш мажбуриятини оладилар. Бундай ёндашув кўпинча узоқ муддатли келишувларга олиб келади, чунки у томонларга натижаларни шакллантиришда фаол иштирок этиш имконини беради.

Амалиётда оилавий шартномалар судлар иш юкчасини енгиллаштириш, муносабатларни сақлаб қолиш ва янада қутилган натижаларни тақдим этиш каби муҳим афзалликларни таъминлайди. Бироқ, оилавий шартномалар ҳақидаги ҳуқуқий тушунчанинг етишмаслиги ҳануз ушбу институтларнинг мамлакатимизда ишламаслигининг сабаби бўлиб қолмоқда. Хусусан, бу борадаги муаммолардан бири, оилавий муносабатларда шартномавий ҳуқуқ эгилувчанлик ва мустақилликни таъминласа-да, у ўз самарадорлигига таъсир кўрсатадиган бир қатор ҳуқуқий ва ахлоқий қийинчиликларга дуч келади. Асосий муаммолар қаторига шартномаларнинг ижро этилишини таъминлаш, адолатли муносабатларни сақлаш, шахсий мустақилликни оила қонунчилигининг мажбурий талаблари билан мувозанатлаш ҳамда ахлоқий ва процессуал мураккабликларни ҳал этиш киради.

Шунингдек, долзарб муаммолар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш муҳим:

- оилавий шартномаларни тартибга солувчи нормаларда аниқликнинг етишмаслиги;
- турли оилавий келишувларни расмийлаштиришнинг ягона тартиби мавжуд эмаслиги;
- фуқароларнинг оилавий шартномаларнинг аҳамияти ва имкониятлари ҳақидаги хабардорлиги;
- оилавий шартномаларни тузиш ва амалга оширишда қонуний талабларни бажаришга доир техник ва ташкилий қийинчиликлар.

Оилавий муносабатларга шартномавий ҳуқуқнинг татбиқ этилиши шахсий эркинликни қўллаб-қувватлаш билан бирга, ҳимояга муҳтож томонларни ҳимоя қилиш ва давлат сиёсатида риоя этишни талаб қиладиган мувозанатли ёндашувнинг зарурлигини кўрсатувчи ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқаради. Судлар оилавий келишувларнинг адолатли, ижро этиладиган ва жамият қадриятларини акс эттирувчи бўлишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Медиация, мустақил ҳуқуқий маслаҳат ва суд назорати каби кафолатларни ўз ичига олган ҳолда, шартномавий ҳуқуқ оилавий низоларни адолатли ва ҳаққоний тарзда ҳал этишнинг муҳим ва самарали воситаси бўлиб қолиши мумкин.

Хулоса ўрнида, оила ҳуқуқидаги шартномавий тартибга солишнинг келажаги глобаллашув, рақамлаштириш ва жамиятнинг ўзгарувчан қадриятлари ўртасидаги ўзаро таъсир билан белгиланади. Ушбу ўзгаришларни инновацион ҳуқуқий асослар ва мақсадли ислохотлар орқали қабул қилиш билан, шартномавий тартибга солиш оилавий низоларни бошқаришда мослашувчан, самарали ва адолатли ечимларни таклиф этишда давом этиши мумкин. Оилавий шартномалар оилавий муносабатларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш орқали оилавий шартномаларни янада самарали воситага айлантириш мумкин.

Хурида САЙДИВАЛИЕВА,

“Оила ва гендер” илмий тадқиқот институти бўлим бошлиги, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Asifa Quraishi, Frank E. Vogel // The Islamic Marriage Contract Case Studies in Islamic Family Law Edited by Asifa Quraishi and Frank E. Vogel Harvard University Press, 2022 M10 7 - 389 pages
2. https://supremecourt.uk/uploads/uksc_2009_0031_judgment_db72197d25.pdf?utm_source=chatgpt.com.

ШАХСНИ УШЛАШ ВАҚТИДА ЗАРАР ЕТКАЗИШГА ОИД МЕЪЁРЛАР ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Жиноят содир қилган шахсни ушлаш вақтида унинг ўлимига сабаб бўлинса, бу ҳолат қонуний эканлиги ҳақида жиноят ҳуқуқида ҳалигача ягона фикр мавжуд эмас. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, жиноят содир этган шахсни ушлаш вақтида унинг ўлимига сабаб бўлиш ушлашнинг ўзига хос мақсадига, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга етказишга зид ҳисобланади.

Жиноятчини ушлаш жиноятчиликка қарши курашишнинг фойдали воситалардан биридир. Ҳар қандай жисмоний шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига эгадир. Айни пайтда, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш алоҳида бир гуруҳ шахслар, яъни қонун томонидан махсус вақил этиб тайинланган шахсларнинг касб ёки хизмат бурчлари ҳисобланиб, улар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашдан чекинишлари мумкин эмас. Бу гуруҳдаги шахсларга милиция, МХХ, прокуратура ва бошқа орган хизматчилари, яъни хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлашга масъул шахслар киради.

Профессор С.В.Бородиннинг фикрича, жиноятчини ўлимига олиб келиши мумкин бўлган ушлашнинг бундай воситаларидан фойдаланишдан аввал ушлаш ваколатига эга шахс унинг бундан бошқа йўли йўқлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилганидан кейин амалга оширилиши керак¹.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 38-моддаси жиноят содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлиги шартларини ўз ичига олади. Шунга кўра;

- зарар фақат жиноят содир этган шахсга етказилиши мумкин;
- жиноятчига зарар етказишнинг қонунийлиги уни ушлаш мақсади (ҳокимиятга етказиш ва янги жиноятлар содир этиш имкониятини бостириш) билан олдиндан белгиланади;
- зарар етказиш — бундай шахсни бошқа воситалар билан ушлаб туришнинг иложи бўлмаганда мажбурий чора ҳисобланади;
- зарар етказилган тақдирда, бунинг учун зарур бўлган чора-тадбирлардан ошиб кетмаслик керак².

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида мазкур ҳуқуқий чоранинг белгилаб берилишига турлича ёндашувлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Германия Жиноят қонунчилигида “қонунга хилоф зўрлик ишлатилганида қамоқдан ёки бошқа ҳолатларда қочаётган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиб ушлаш ҳуқуқий деб топилади”³, дея белгиланган.

Голландия жиноят қонунида “Шахс ҳуқуқбузарлик содир этганида, уни ушлаш учун қонуний талабларни бажариш жиноий жавобгарлиқни келтириб чиқармайди”, деб белгиланган⁴.

Франция жиноят қонунчилигида эса ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишга бағишланган норма “қонуний ҳимоя”, деб номланган⁵.

Корея Республикаси жиноят кодексида “Зарурат” деб номланган модда бўлиб, унда “хавфларни бартараф қилиш ва бошқа зарурат бўлган ҳолатларда зарар етказиб ушлаш ҳуқуқий”⁶ эканлиги белгилаб берилган.

Испания Жиноят кодексида, “касб ёки мансаб мажбуриятлари” мавжуд бўлиб, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш хатти-ҳаракатини ҳам умумий тартибга солиши назарда тутилган⁷.

Швеция Жиноят кодексида “жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг умумий асослари” нормаси бор. Унда ушлаш вақтида зарар етказиш жиноий жавобгарликдан озод қилувчи ҳолат сифатида назарда тутилган⁸.

Америка Қўшма Штатларида ушлаш чоғида жиноят содир этган шахсга зарар етказиш ҳолатларининг ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари бор. Бу хусусиятлар АҚШ давлатининг ҳуқуқий меъёрлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалиёти ва суд қарорларига боғлиқ.

Полиция ходимлари ушлаш вақтида фақат зарур бўлган даражада куч ишлатишлари керак. Ҳаддан ташқари ёки ноўрин куч ишлатиш АҚШ Конституциясига зид ҳисобланади ва бу ҳолатлар учун қонуний жавобгарликлар мавжуд.

Агар шахс ушлаш вақтида жароҳатланиб қолса, полиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари дарҳол тиббий ёрдам кўрсатиши керак.

Мабодо шахс ушлаш вақтида зарар кўрган бўлса, у полиция ёки тегишли ҳукумат органлари устидан даъво қилиш ҳуқуқига эга. Бу даъволар фуқаролик ҳуқуқи асосида, масалан, конституциявий ҳуқуқлар бузилганлиги учун кўтарилиши мумкин.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш учун зарур бўлган чораларни ошириб юбориш деб қўлланган чораларни ушлаш ҳолатига, ҳамда шахс ва у содир этган жиноятнинг хавфлилигига очик номуаносиблиги айтилади. Бунда, очик номуаносиблик тушунчаси тавсифий маънога эга бўлиб, ҳар қайси ҳолатда у алоҳида аниқланади. Айни ушлаш чоралари баъзи ҳолларда қонуний бўлса, бошқа ҳолларда чораларни ошириб юбориш сифатида баҳоланади. Суд ва тергов органлари ушлаш чораларидан четта чиқиш билан боғлиқ бўлган қилмишнинг квалификация қилишда унинг субъектив томонига эътибор қаратишлари шарт. Ушлаш чораларидан четта чиқишда эҳтиётсизлик билан ҳар қандай даражадаги шикаст етказиш ҳамда тажовуз қилаётган шахсни эҳтиётсизлик оқсидида ўлдирганлиги учун мудофааланувчи жавобгарликка тортилмайди.

АҚШда ушлаш вақтида зарар етказиш ҳуқуқий асослар, оқилона куч ишлатиш стандартлари, Миранда ҳуқуқлари, суд амалиёти ва полиция ходимларининг амалиёти каби кўплаб омилларга боғлиқ. Ушбу омиллар фуқароларни ноқонуний ушлаш ва зарар етказишдан ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, ҳуқуқ ва адолат тамойилларини сақлашга қаратилган⁹.

Умумий қилиб қарайдиган бўлсак, турли давлатларнинг қонунчилиги ҳар хил бўлса ҳам жиноят содир қилган шахсни ушлаш вақтида унга зарар етказиш жиноий жавобгарликдан озод қилиши белгиланган. Айтишимиз мумкинки, Европа мамлакатларининг жиноят қонунчилигида номлари турлича бўлиши мумкин, аммо мазмун бир хил. Ахир, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси жиноят содир қилган шахсни ушлаш, уни одил судловга топшириш, жамиятда инсонларнинг ўзаро тинч-тотувликда, аҳилликда бирга ҳаёт кечирishларини таъминлаш, жиноятчиликни кенг тарқалишига қаршилик кўрсатиш.

Шунинг учун ҳам жиноят содир қилган шахс ушланиши, зарурат туғилган пайтдагина, бошқа йўли қолмаган ҳолатлардагина унга ушлаш вақтида зарар етказилади. Шунда ҳам жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилиги ва бошқа бир қанча объектив ҳолатларини инобатга олган ҳолда ҳаракат қилиш керак.

Сардор БОЗОРОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бородин С.В. Преступления против жизни по новому законодательству: ответственность, квалификация и наказание. М.: Юрист, 2009. С. - 130.
2. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации: Издание 2-е измененное и дополненное. /Под общей ред. проф. Ю.И. Скуратова и В. М. Лебедева. – М., 1999. – С. – 543.
3. Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии // <https://www.unipotsdam.de/>
4. Голландия Жиноят кодекси. <https://antislaverylaw.ac.uk/wp-content/uploads/2019/08/Netherlands-Criminal-Code.pdf>
5. Code penal (France) (Франция Жиноят кодекси, француз тилида) <http://www.legifrance.gouv.fr/affichCode.do?cidTexte=Legitext0000060707>.
6. Уголовный кодекс Республики Корея /Науч. Редактирование и предисловие д-ри. юрид. наук, проф.
7. А.И. Коробеева. – СПб., 2013. – С. — 25 – 26. Уголовный кодекс Испании. <http://www.pravo.by/>
8. Criminal Code of the Swiss Confederation (Швейцария Жиноят кодекси, инглиз тилида) <http://www.legislationline.org/>
9. Legal Aid Queensland – Criminal Law Duty Lawyer Handbook. 6th edition 2014. Updated in August & December 2014 (Chapter 11—Youth Justice). <https://www.legalaid.qld.gov.au/For-lawyers/Criminal-Law-Duty-Lawyer-Handbook>.

ЖИНОЯТ УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ ИНСТИТУТИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада жиноий жазо тушунчаси, мақсадлари, суд амалиётида жиноят учун жазо тайинлаш муаммолари ва ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: суд ҳокимияти, жазо ва унинг мақсади, инсонпарварлик принципи, жиноятчиликнинг олдини олиш.

Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти жамиятнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳодисаси сифатида бир неча минг йиллар олдин давлат пайдо бўлмаган даврда ҳам одамлар орасида мавжуд бўлиб, инсоният ривожланиб бораётган сари у ҳам турли босқичларда шаклланиб, ривожланиб келмоқда.

Биргина охириги 2 йил давомида Республикаимизнинг жиноят қонунчилиги 23 маротаба (2023 йилда 8 та, 2024 йилда 15 та) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, жиноятнинг моҳияти ва унга муносиб тарзда жазонинг ҳам аҳамияти ўзгартириб борилмоқда.

Бунга асосий сабаб ижтимоий муносабатлар инсоният цивилизацияси билан бевосита боғлиқ. Чунки, инсоннинг табиий ҳуқуқлари ўзгармаслиги мумкин, сиёсий ҳуқуқлари доираси кенгаймаслиги мумкин, лекин унинг ҳар кунги ҳаракатлари жамиятда ўрнатилган ахлоқ нормалари билан ўлчаб бориладики, у мазкур нормаларга зарар етказмаган ҳолда ҳаракат қилиши ва жамиятнинг соғлом муҳитини сақлаб туриши лозим.

Агар суд жиноятлар учун муносиб жазо тизимини қўллаган экан жазонинг мақсадига эришиб бўлмайди. Жамиятни адолатли тарзда ирода қилишнинг имконияти қўлдан бой берилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида тенглик, эркинлик, инсон ҳуқуқларини таъминлаш каби олий мақсадларга эришишни бир рўёга айлантириб қўяди.

Инсоният тамаддуни ривожланишининг турли босқичларида давлат суд ҳокимияти орқали жиноятга жазо тайинлаш ёрдамида асосан бир хил вазифани - жамиятдаги қонунчилик билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш ва уларни жиноий таъовузлардан қўриқлашга ҳаракат қилади. Суд томонидан тайинланган ҳар бир жазо жиноятчига ҳам, бошқа шахсларга ҳам кучли таъсир қиладиган маълум даражада жиноятларнинг умумий ва махсус профилактикаси вазифаларини бажара оладиган даражада мукамал бўлиши керак.

Ушбу вазифаларга жиноят содир этган шахсга нисбатан адолатли жазо тайинлаш орқали эришилади, десак асло муболаға қилмаган бўлаемиз. Шахсга нисбатан жазонинг қўлланилиши кўпинча уни нафақат янги жиноят содир этиш имкониятидан маҳрум қилади, балки ўзига ва жиноят содир этишга мойил бўлган бошқа шахсларга ҳам ҳадик ва қўрқинч ҳиссини уйғотиб ижобий таъсир кўрсатади.

Роман-герман ҳуқуқ оиласига мансуб давлатлар қонунчилигида жазо тайинлаш тизими ва суд амалиётига тез-тез ўзгартириш киртилсада, жазо тайинлашдан асосий мақсадга эришиш қийинлигича қолмоқда.

Масалан, Марказий Осиё давлатларида жиноятлар ўсишда давом этиб бир кўтарилиб бир тушиш даражасида бўлсада, олдинги йилларга қараганда жиноятлар сони кўпайиб бorgan¹.

Жиноятларнинг ўсишига асосан аҳоли сонининг ортиб бориши, миграция масалалари, иқтисодий ночорлик каби бир қанча давлатнинг ички сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Жаҳон амалиётида ҳатто ҳукуматлар ўзгариши ҳам жиноятларнинг ортишига сабаб бўлиши ўз исботини бир неча бор топган.

Бироқ, мақсад суднинг жиноят учун жазо тайинлаш амалиётини такомиллаштириш орқали жиноятнинг олдини олиш бўлганлиги учун ҳам юқоридagi сабаблар ўзини тўлиқ оқламайди.

Шу ўринда суд жазонинг қонунчилиги, адолатчилиги ва унинг самардорлиги учун зарурий шарт бўлган мотивация алоҳида аҳамиятга эгаллигини билгани ҳолда ўз ҳукмини ўқиши лозим.

Бу билан эса, амалиётда суд томонидан жазо қўлланилишининг етарлича самарадор эканлигини кўрсатиши лозим. Оддийгина инсондаги судланмаслик истаги уни жиноят йўлидан қайтариши, ахлоқан тузатиш мақсадига эришишни таъминлайди. Ҳатто суд шу усулдан фойдаланиб бўлса ҳам жазонинг асл мақсадига етиши лозим.

Бундан ташқари, суд жиноят ишларини кўришда жиноятчиликка қарши муваффақиятли курашиш учун “жиноятчиликнинг олдини олишда энг самарали воситаларидан бири бу жазоларнинг оғирлиги эмас, балки уларнинг муқаррарлиги” эканлигини ёдда тутиш керак².

Агар, судланувчиларнинг учдан бир қисми шартли равишда судланиб, уларнинг катта қисми жиноий жавобгарликдан озод қилинадиган бўлса, шубҳасиз, жазонинг муқаррарлиги принципи етарли даражада амал қилмаганлигидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида, фуқаролар орасида ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган шахслар жазоланмаслиги мумкин деган кайфиятни шакллантиришга олиб келади.

Бундан кўринадики, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш жазо тайинлашнинг мақсадига эришишнинг энг биринчи йўлидир.

Ижтимоий ҳавфли қилмиш ўз ўрнида инсонни табиий ҳуқуқларини чеклашга сабаб бўлиши билан ҳам жиноят деб баҳоланади. Шундай экан, инсоннинг тақдирига боғлиқ бўлган табиий ҳуқуқларни чеклашни адолат билан амалга оширмаслик бу турдаги жиноятларнинг янада ортишига сабаб бўлиши ёки суднинг одиллигига раҳна солиши мумкин.

Шу учун ҳам давлат биринчи галда хушёрликни қўлдан бой бермаган ҳолда барчанинг ҳуқуқларини тенг таъминлаш учун жиноят ва жазога оид ҳуқуқ нормаларини ўзгартириб туриши, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ўзгариб боришига қараб сайқаллаб туриши лозим.

Хусусан, миллий қонунчилигимизда ҳам жазо тайинлаш умумий тамойилларини таҳлил қилиш, суд амалиётида жазони либераллаштириш тенденцияларини ўрганиш, бунда жиноят қонунчилигида белгиланганидан енгилроқ жазо чоралари қўлланилишига ва шартли ҳукм қилишга алоҳида эътибор қаратиш, қўшимча жазо турларини қўллаш амалиётини таҳлил қилиш ва улар билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, айрим тоифадаги жиноят ишлари бўйича ҳукмнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш ва бу борада мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўришмоқда.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг олтин қоидаларидан бири бўлган “Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт” – деган нормасининг ўзи ҳам ҳар бир шахснинг алоҳида индивид эканлигини, уларга нисбатан қилинган ижтимоий ҳавфли қилмишлар ёки улар томонидан содир этилган ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар ҳам ўз жазосини олиши лозимлигини яна бир бор ўқитиб туради.

Зоҳиджон ЖУМАЕВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;
3. Чезаре Беккария, <https://www.kritika24.ru/page.php?id=103977>
4. <http://cis.minsk.by>

АЁЛЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

АННОТАЦИЯ: аёллар ўртасида жиноятчиликнинг ривожланишида сўнгги йилларда кўзга ташланган ташвишли тенденциялар жамиятга, жамиятдаги маънавий-психологик муҳитга, жамиятнинг алоҳида институтларига, айниқса, оилавий муносабатларга аёллар жиноий хулқ-атворининг салбий таъсири ортиб бораётгани, аёллар ўртасида жиноятчиликнинг тузилишида таъмагирлик, ўғирлик ва фирибгарлик жиноятлари етакчилик қилиши, замонавий аёллар жиноятчилигининг тенденциялари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: тенденция, жиноят, профилактика, олдини олиш, муҳит, криминоген ҳусусият, хотин-қизлар.

Хотин-қизлар жиноятчилиги феноменига мустақил тадқиқот объекти сифатида қизиқиш чуқур тарихий илдизларга эга бўлса-да, аммо узоқ вақт давомида аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи ва ижтимоий муносабатлар тизимидаги роли билан боғлиқ бўлган фалсафий, публицистик, ахлоқий қарашларда ўз аксини топган. Криминология бу ёндашувни кенгайтириб, амалий асосларга таянган ҳолда, хотин-қизлар жиноятчилигининг шартлари ва сабабларини, табиати ва динамикасини, бошқа ижтимоий ҳодисаларга боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда унинг илмий моҳиятини очиб берди.

Хотин-қизлар жиноятчилигини криминологик билимлар доирасида ўрганиш тарихан икки йўналишда – криминологиянинг антропологик ва социологик мактаблари доирасида ривожланган. Биринчи йўналиш тарафдорлари жиноятчини биологик ўзига хос хусусиятларга эга бўлган алоҳида турдаги шахс деб ҳисобласалар иккинчи йўналиш асосчилари жиноятчиларга хос физиологик хусусиятлар фақат ноқулай ташқи муҳитда жиноят содир этишини келтириб чиқаради, деган фикрни илгари сурадилар¹.

Ўзбекистонда хотин-қизлар жиноятчилиги ижтимоий-ҳуқуқий табиатининг илк концепцияси асослари Қ.Абдурасуловнинг тадқиқотлари натижасида йўлга қўйилган бўлиб, унда Ўзбекистонда хотин-қизлар жиноятчилигининг тузилиши, уни аниқлаш йўллари ва хорижий давлатлар билан қиёсий таҳлили амалга оширилган², бўлса С.Ниязова, Ш.Алиев, Ш.Жалолов, С.Нурулбекова, Г.Шарипова томонидан аёлларнинг виктим хулқ-атвори, аёллар жиноятининг ўзига хослиги ҳамда криминологик жиҳатлари, зўравонлик жиноятларининг замонавий профилактикаси, жиноятчи аёл шахси ва типологияси таҳлил қилинган.

Аёллар жиноятчилигининг олдини олиш борасидаги тадқиқотларда унинг ўсиш тенденциялари сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилади:

1) эмансипацияга мойиллик – аёл-қизларга ота-оналари таъсирининг камайиши, уларнинг ҳаракатчанлиги ошиши, аёлларнинг кўпинча бошқа ҳудудга кўчиб ўтиши ва қариндошлари билан алоқани йўқотиши; никоҳнинг ўртача статистик ёши ортиб бориши, никоҳ ва оила институтида инқироз кузатилиши, айни пайтда аёлнинг фарзанд кўриш ўртача ёши ҳам ошиб бориши.

Мухтасар айтадиган бўлсак, сўнгги ўн йил ичида аёлларнинг гайриқонуний хулқ-атворини чеклаш функциясини бажарадиган муҳим ижтимоий тартибга солувчи омил – оиланинг таъсири ўта заифлашди;

2) аёлларнинг эмансипацияси “аёл-уй бекаси” ролининг “аёл-ишчи” ролига ўтиши натижасида келиб чиқиб, бу гендер хулқ-атвор моделларида ҳам ўз аксини топди. Хотин-қизлар касбий фаолиятда фаоллашмоқда, юқори ҳақ тўланадиган ўқиш соҳаларини афзал кўрмоқда, ўз хизмат пиллапояларини кўрмоқда, меҳнат соҳасида аёлларнинг жинсий камситилиши давом этаётганига қарамай, юқори лавозимларни эгаллашга интилмоқда;

3) аёлнинг ўзи ва вояга етмаган болалари фақатгина унинг пул топиш қобилиятига боғланиб қолганликлари натижасида аёллар тобора кўпроқ “оилада ягона боқувчи” ролини эгаллашмоқда³.

4) аёллар кўпинча кам ҳақ тўланадиган иш жойларини эгаллайдилар - соғлиқни сақлаш, педагогика, давлат ва коммунал хизматнинг қуйи бўғини, савдо ва бошқалар. Кам ҳақ тўланадиган иш, оилани боқиш зарурияти аёлларнинг жиноий фаолиятга қўл уришга сабаб бўлади ва қоида тарикасида, аёллар ўзлари амалга ошираётган фаолиятдан қўшимча “даромад” қидиришни бошлайдилар.

Хотин-қизлар жиноятчилигининг криминологик кўрсаткичларига узоқ давом этган иқтисодий инқироз, паст иш ҳақи, инфляция, миграция оқими ва жамиятдаги кескинликнинг кучайиши, оилавий қадриятлар аҳамиятининг пасайиши каби омиллар ҳам таъсир кўрсатади. А. Е. Шалагин тўғри таъкидлаганидек, “аёллар эркакларга қараганда импульсив ва ҳиссиётга берилувчан бўлишади. Улардаги психологик жароҳат кўпинча узоқ давом этиб, оғриқли характерга эга бўлади”⁴.

Замонамиздаги хотин-қизлар жиноятчилигининг криминологик хусусиятлари таҳлиliga асосланиб, аёлларнинг иқтисодий соҳадаги криминоген фаоллиги, аёллар томонидан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этишда профессионализм ва ташкилотчилик даражаси ошганлигини қайд этиш мумкин.

Умумий жиноятларда аёллар улуши ўртача 15,6 фоизни ташкил этади. Бу анча кам туолиши мумкин. Аммо ҳар бир аёлнинг ортида фарзандлари ё оила-си шаъни турганини, қариндош-уруғлар номуси масаласи кўтарилишини ҳисобга олсак, ҳеч иккиланмай бу рақамларни жуда кўп дея оламиз. Чунки аёл энг аввало она, фарзандлар тарбиячиси ҳисобланади.

Афсуски, айрим хотин-қизлар ҳам гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда олиш, сақлаш ва ўтказиш билан боғлиқ жиноятларга қўл урмоқдалар.

Яна бир ачинарли ҳолат, аёлларнинг талончилик ва босқинчилик кўришидаги гаразли – зўравонлик жиноятларини содир этишдаги иштирокининг ўсиши кузатилаётганлигидир. Бир томондан, аёл агрессорлигининг намоён бўлиши кўпроқ зўравонликнинг руҳий шаклларида кўзга ташланса, эркаклар учун агрессиянинг жисмоний намоён бўлиши кўпроқ одатий ҳол ҳисобланади. Бошқа томондан, агрессия намоён бўлган аёлларда шафқатсизлик даражаси устунлик қилади, бу аёлларга хос бўлган ҳиссиётларнинг кучайиши билан боғлиқ ҳолат саналади.

Демак, хотин-қизлар жиноятчилиги умумий жиноятчиликнинг ажралмас қисми ва криминология доирасида нисбатан мустақил тадқиқот соҳаси сифатида, умуман жиноятчиликни тавсифловчи хусусиятлардан ташқари, аёлнинг психофизиологик хусусиятлари, жамиятдаги ижтимоий мавқеи ва аёл хулқ-атворидаги жиноий моделларнинг ўта ноҳуш оқибатлари туфайли ўзига хос хусусиятларга эга деган хулосани илгари суриш мумкин.

Навбахор ЮЛДАШЕВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Pashin V. P., Bogdanov S. V. Female crime in Russia and the USA in the early 21st century: the experience of comparative analysis. Bulletin of Kursk State Technical University. 2009. No 2(27). Pp. 124–131.
2. Абдурасулова К. Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Юрид. фан. докт.... дис. автореф. – 2006.; Абдурасулова Қ. Қ. О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола) //Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. – 2009. – С. 13.; Исмаилов И., Абдурасулова Қ. Р., Фазиллов И. Ю. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик/Масъул муҳаррир ШТ Икрамов //Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. – 2015. – Т. 252. – С. 174-175.
4. Костина Е. Ю., Орлова Н. А. Социально-экономические детерминанты преступности в современном российском обществе // Всероссийский криминологический журнал. 2018. Т. 12, № 6. С. 795–805.
5. Щербакова Л. М. Женская насильственная преступность в современной России: криминологические проблемы: дис.д.ю.н. М., 2008. С. 205.



ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 384-моддасида апелляция шикоятларини (протестларни) кўриб чиқадиган судлар рўйхати кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 385-моддасида апелляция шикоятини (протестини) бериш тартиби кўрсатилган бўлиб, унда апелляция шикояти (протести) апелляция инстанцияси судининг номига йўлланади, лекин ҳал қилув қарори (ажрими), қарорни қабул қилган судга берилади. Суд ҳужжатини қабул қилган суд апелляция шикояти (протести) келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда уни апелляция инстанцияси судига иш билан бирга юбориши шартлиги кўрсатилган.

ФПКнинг 385¹-моддасига кўра, апелляция шикояти (протести) суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин. Ўтказиб юборилган муддат, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай берилган ва муддатни ўтказиб юбориш сабаблари узрли деб топилган бўлса, апелляция шикояти (протести) бераётган шахснинг илтимосномасига кўра апелляция инстанцияси судининг судьяси томонидан тикланиши мумкин.

Россия Федерацияси қонунида апелляция шикояти апелляция инстанцияси судининг номига йўлланади. Биринчи инстанция суди шикоятни олгандан сўнг, уларнинг Кодексда кўрсатилган талабларга мослигини текширади ва ишда иштирок этувчи шахсларга шикоятга нисбатан эътироз билдириш ҳуқуқини тушунтиради. Шунингдек, улар иш материаллари, шикоят ва уларга нисбатан билдирилган эътирозлар билан танишишлари мумкин.

Мазкур метёр ҳам Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси қонунларида апелляция шикояти ёки протести бериш тартиби ва муддатлари бир-бирига ўхшашлигини билдиради. Фарқи Россия Федерацияси қонунида апелляция шикоятининг қонун талабларига мослигини ўрганиб чиқиш ваколати биринчи инстанция судига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 386-моддасида апелляция шикоятининг мазмунига қўйилган талаблар баён қилинган бўлиб, унда апелляция шикоятида (протестида) қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: 1) шикоят (протест) йўлланаётган суднинг номи; 2) шикоят (протест) бераётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), унинг яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили); 3) ишнинг рақами, шикоят қилинаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор қабул қилинган сана ва ушбу суд ҳужжатларини қабул қилган суд; 4) ҳал қилув қарори (ажрим)нинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги; 5) шикоят (протест) бераётган шахснинг илтимоси; 6) шикоятга (протестга) илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати.

Россия Федерацияси қонунида апелляция шикояти қуйидагиларни ўз ичига олиши кўрсатилган, 1) апелляция шикояти топшириладиган суднинг номи; 2) шикоят топшираётган шахснинг номи, яшаш жойи ёки манзили; 3) биринчи инстанция суди томонидан берилган иш рақами, шикоят қилинаётган суд қарори; 4) шикоят топшираётган шахснинг талаблари ёки протест топшираётган прокурорнинг талаблари, шунингдек, улар суд қарорини нотўғри деб ҳисоблашларининг асослари; 5) шикоятга илова қилинган ҳужжатлар рўйхати. Шунингдек, апелляция шикоятида шахснинг илтимоси, телефон рақамлари, факс рақамлари, электрон почта манзиллари ва ишни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Бу ҳолатда, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси қонунлари турлича бўлиб, Ўзбекистон қонунида апелляция шикояти

мазмунига қўйилган талаб ва илова ҳужжатлар икки моддада акс эттирилган бўлса, Россия Федерацияси қонунида битта моддага жойлаштирилган. Шунингдек, Россия Федерацияси қонунида апелляция шикояти ёки илтимосномада биринчи инстанция судига тақдим этилмаган ёки биринчи инстанция судига тақдим этиш имконияти бўлмагандагина янги далиллар кўрсатилишига рухсат этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 388-моддасида апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш тартиби ва муддати кўрсатилган бўлиб, апелляция шикоятини (протестини) қайтариш (ФПК 389-модда), қабул қилишни рад этиш (ФПК 389¹-модда) ёки иш юритишга қабул қилиш (ФПК 389²-модда) масаласи апелляция инстанцияси судининг судьяси томонидан якка тартибда шикоят (протест) судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал қилинади деб кўрсатилган.

Ушбу норма Россия Федерацияси қонунида, агар шикоят Кодекс талабларига жавоб бермаса ёки давлат божи тўланмаган тақдирда, биринчи инстанция судининг судьяси шикоят судга келиб тушганидан беш кун ичида қарор чиқариб, шикоятни ҳаракатсиз қолдириши ва шикоятни топширган шахсга унинг камчиликларини бартараф қилиши учун муносиб муддат берилиши, бу муддат камчиликларнинг ҳолати ва шикоятни топширган шахснинг яшаш жойи ёки манзилини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши айтилган.

Судлар учун муддат масаласи долзарб бўлиб, айрим тоифадаги ишларни кўришда бир ойлик муддат етишмаслиги мумкин, бундай ҳолатда судлов ҳайъати томонидан бир ойлик муддатни яна бир ойга узайтириш тўғрисида ажрим қабул қилишга тўғри келади. Аммо, Россия Федерацияси қонунида апелляция инстанцияси томонидан апелляция шикоятини кўриб чиқиш муддати икки ой қилиб белгиланган, ҳаттоки Россия Федерациясининг Олий суди томонидан апелляция шикоятини кўриб чиқиш уч ой қилиб белгиланган. Ушбу норма ҳам қонунчилигимизга киритилса, судьялар томонидан муддатни узайтириш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳолат қолмас эди.

Хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси қонун нормаларининг аксарият қисмлари бир-бирига ўхшаш бўлиб, қуйидаги нормаларни ўзимизнинг қонунларимизга имплементация қилсак мақсадга мувофиқ бўлади, яъни апелляция инстанция судлари томонидан апелляция шикоятларини кўриб чиқиш муддатини икки ой деб ўзгартиришни ҳамда апелляция шикоятида камчиликлар аниқланган ҳолатда уларни қайтариш ёки қабул қилишни рад қилиш ўрнига ҳаракатсиз қолдириб, шикоят берувчига камчиликларни бартараф этиш бўйича муддат тайинлаш лозим, бу билан жисмоний ва юридик шахслар ортиқча овозгарчиликларининг олди олинарди.

Мийрбек НАЖИМОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ИШТИРОКЧИЛИКДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИ МАЛАКАЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларни квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган.

Калит сўзлари: жазо, жавобгарлик, жиноят, икки ёки ундан ортиқ шахс, қонунчилик, хориж, квалификация, ўзига хос.

Бизга маълумки, иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. У ёки бу жиноятни квалификация қилишда нафақат қилмишнинг иштирокчиликда содир этилиши, балки, қонунийлик ва адолатлилик принциплари асосланган ҳолда иштирокчиликнинг аниқ белгилари ва шакллари айтиб бериш лозим.

Иштирокчиликнинг белгилари ҳақида тўхталадиган бўлсак, иштирокчиликда содир этилган жиноятларда бажарувчининг тутган ўрни катта, чунки ташкилотчи, ёрдамчи ва далолатчининг ҳаракатлари бажарувчининг ўзини тутишидан келиб чиқиб белгиланади.

Жиноят содир қилишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг қатнашиши иштирокчиликнинг сон белгисидир. Бу белгининг асосий шарти шундан иборатки, жиноят иштирокчиликда содир этилганда иштирокчиларнинг барчаси ақли расо ва шу жиноят учун қонунда белгиланган ёшга етган бўлиши талаб қилинади.

Иштирокчилик белгиларини объектив ва субъективга ажратиш мумкин. Иштирокчиликнинг объектив белгиларига:

1. Жиноят содир қилишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг иштироки.

2. Гуруҳ аъзоларининг жиноятни содир қилиш учун биргаликда ҳаракат қилиши киради.

МДХ давлатлари Жиноят кодексига белгиланган ёшга етмаган ва ақли норасо деб топилган шахс жиноятнинг субъекти деб топилиши мумкин эмас ва ўз-ўзидан иштирокчи ҳам бўла олмайди (Россия Федерацияси, Украина).

Агар жиноят содир этган шахс субъектнинг барча белгиларига эга бўлса ва жиноятнинг бажарувчиси сифатида ақли норасо шахсдан ёки қонунда белгиланган ёшга етмаган шахсдан фойдаланган бўлса, бу ҳолда айбдор фақат содир этган жиноят учун эмас, балки вояга етмаган шахсни жиноятга ёки ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатига жалб қилганлик учун ҳам жавобгарликка тортилади.

Иштирокчилик тушунчаси МДХ ва айрим ривожланган давлатларда турлича берилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 27-моддасига кўра икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади.

Франция Жиноят кодексига иштирокчилик учун алоҳида модда ажратилмаган, иштирокчилик тушунчаси ва турлари қисқача бошқа моддалар таркибида бериб ўтилган.

Жиноятда иштирокчилик институти ўз хизмати нуқтаи назаридан жиноят иштирокчиларини ва ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олади. Жиноятда иштирокчиликнинг ушбу вазифаси жиноятларнинг бир қанча шахслар томонидан содир этилиши билан боғлиқ.

Иштирокчилик жинояти мураккаб жараён бўлиб, бунда ҳар бир иштирокчи ўзининг тегишли ҳиссасини кўшмоғи лозим: бири уюштиради, бири гуруҳ тузади, бошқаси маълумот йиғида, тўртинчиси жиноят қуролини тайёрлайди, бешинчиси уни амалга оширади. Ушбу мураккаб жараёнда ҳар бир иштирокчининг ҳаракати бир-бирига мос келиши ва сабабий боғланган бўлиши керак.

МДХ давлатлари, масалан Россия Федерацияси, Беларусь, Тожикистон ва Украина Жиноят кодексларида иштирокчиларнинг қуйидаги турлари мавжуд: 1) бажарувчи; 2) ташкилотчи; 3) далолатчи; 4) ёрдамчи.

Жиноятни бевосита, тўла ёки қисман содир этган ёхуд ушбу кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади.

Бажарувчи қуйидаги турларга бўлинади:

— жиноятни бевосита содир этган, яъни объектив томонини бажарган шахс;

— бошқа шахслар билан биргаликда жиноятни содир этган (биргаликда бажарувчи);

— жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс.

Ташкилотчи жиноятга тайёргарлик қўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс деб топилади. У жиноят режасини ишлаб чиқади, бошқа иштирокчиларни танлайди, вазифаларни тақсимлайди, тайёрлайди ва йўриқлар беради.

Далолатчи жиноятни содир этишга бошқаларни кўндирган, илтимос қилган, қўрқитган ёки бошқа тарзда таъсир ўтказган шахс бўлиши мумкин. У жиноят содир этилиши учун ички мойиллиқни шакллантиради.

Иштирокчиларнинг ҳар бири жиноий оқибат учун жавобгар бўлади. Улар ўртасидаги олдиндан келишувнинг мавжудлиги жиноятни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Иштирокчиликда жиноят содир этишда объектив ва субъектив белгиларнинг мавжудлиги, жавобгарликнинг асослари, ҳар бир иштирокчининг қилмишга қўшган ҳиссаси ҳамда улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, жиноятга берилган квалификациянинг тўғрилиги ҳам таъсир кўрсатади.

Иномжон УСМАНОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахроров Б. Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари. – Т.: 2008. – 40 б.
2. Баранов В.М., Кузнецов А. П., Изосимов С.В., Бокова И.Н., Кондаков Д.С. Примечания в российском праве // Монография. – Н. Новгород, 2005. – 195 с.
3. Блум М. Ответственность за укрывательство и недонесение по уголовным кодексам союзных Республики. – Рига, 1962. – 85 с.
4. Бугаев В. А. Проблемы соучастия в современном уголовном праве. Учебное пособие. – Симферополь, 2004. – 35 с.
5. Бушув И. А. Ответственность за укрывательство преступлений и недонесительство. – М.: 1965. – 140 с.
6. Виттенберг Г. Б., Панченко П. Н. Прикосновенности к преступлению по советскому уголовному праву. Иркутск, 1976. – 50 с.
7. Гаухман Л. Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. – М.: АО "Центр ЮриИнформ", 2005. – 233 с.
8. Горелик А. С. Конкуренция уголовно-правовых норм. Учеб. пособие. – Красноярск, 1998. – 112 с.
9. Горлик А. С., Лобанова Л. В. Преступления против правосудия // Монография. – СПб.: 2005. – 318 с.
10. Гулямов З. Х. Уголовная ответственность за несообщение о преступлении или его укрывательство. – Т.: "Академия МВД республики Узбекистан", 1997. – 54 с.



ТОРТИШУВ ТАМОЙИЛИНИ РЎЎБГА ЧИҚАРИШДА ХИМОЯ ДАЛОЛАТНОМАСИНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси 55-моддаси биринчи қисмида ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли эканлиги ушбу модданинг учинчи қисмида эса ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқи кафолатланиши кўрсатиб ўтилган. Бу суднинг ҳолислиги барча инстанцияларда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилиши учун зарур шароитлар яратилишини англатади.

Давлатимиз раҳбари томонидан жиноят ишлари бўйича судларда тортишув тамойилини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 30 бандида жиноят ишини судларга айблов ҳулосаси (айблов далолатномаси) ва ҳимоя фикри билан бирга тақдим этиш тартибини жорий этиш тўғрисида вазифа юклатилган.

Маълумки, судлар томонидан кўриб тамомланган жиноят ишлари бўйича чиқариладиган ҳукм, қарор ва ажримларда фақатгина Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш белгиланган. Бу эса иш ҳолатларини тўлиқ ифода этиш, далилларга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ва аниқланган ҳолатларни синчковлик билан ўрганиш, қилмиш юзасидан суднинг ҳулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос бўлиши, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг тўғри қўлланиши ҳамда уларга риоя этилиши суднинг энг асосий вазифалардан биридир.

Бугунги кунда амалдаги Жиноят-процессуал кодексига жиноят иши фақатгина прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланган айблов далолатномаси ёки айблов ҳулосаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан судга юборилганда кўриб чиқилади.

Бироқ, мазкур ҳолатда иш бўйича ҳимоячининг суриштирув ёки тергов натижаларига кўра ўз фикрини ёзма тақдим қила олмаслиги судда ишнинг айблов мазмунига оид фикр-мулоҳазаларга бироз кўпроқ ёндашишга олиб келмода.

Шунга кўра, жиноят ишлари бўйича судларда ишларни кўришда ҳимоя институтини жорий қилишни ва уни янада такомиллаштиришни, судлар томонидан одил судловни сифатли амалга оширишни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасини чуқур таҳлил қилган ҳолда асослангандириш таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясига XXIV-боб киритилиши адвокатура институтининг мақоми конституция даражасида мустақамланганидан далолат беради. Шубҳасиз, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, халқаро

шартномаларида, шунингдек бошқа ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашишда адвокатларнинг ўрни катта, бу эса жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашда ҳимоячининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини давлат айбловига мутаносиб равишда такомиллаштиришни талаб этади.

Дастлабки тергов босқичида ҳимоя далолатномасини расмийлаштириш ҳамда суд тергови давомида ҳимоя далолатномасини тақдим этиш бўйича процессуал ҳаракатлар билан боғлиқ муаммоларнинг у ёки бу процессуал жиҳатларини ҳуқуқшунос олимлар Д.Тальберг, Н.Полянский, М.Строгович, Н.Алексеев, П.Лупинский, Н.Панько ва бошқалар чуқур ўрганганлар. Шунга қарамасдан, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг айблов институти билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексидан келиб чиқадиган қатор жиҳатлари ўзининг самарали илмий-амалий ечимини кутмоқда. Уларга ҳимоя далолатномасининг табиати ва тизими, унинг таркибий қисмлари, характерли белгилари ва бошқа шу сингари жиҳатлар киради.

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимларнинг илмий тадқиқот ишларида дастлабки тергов босқичида ҳимоя далолатномасини расмийлаштириш ҳамда суд тергови давомида ҳимоя далолатномасини тақдим этиш билан алоқадор процессуал ҳаракатлар билан боғлиқ муаммолар ўрганилган.

Шу билан бирга Эстония, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозғистон, Молдова, Озарбайжон ва Қирғизистон Республикалари ҳамда бошқа илғор хорижий давлатларнинг жиноят ишини судларга айблов ҳулосаси (айблов далолатномаси) ва ҳимоя далолатномаси билан бирга тақдим этишга доир халқаро тажрибаси ўрганилганда, Эстония Республикасида мазкур тартиб ўзининг ижобий самарасини бераётганлиги аниқланди.

Юқоридагиларга асосан, ҳимоя далолатномасини тадқиқ этиб ўрганиш ва мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш жиноят-процессуал ҳуқуқининг долзарб муаммоларидан бўлиб ҳисобланади.

Шундай экан, ҳозирда дастлабки тергов босқичида ҳимоя далолатномасини расмийлаштириш ҳамда суд тергови давомида уни тақдим этиш билан боғлиқ процессуал механизмларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигидаги бўшлиқларни тўлдириш ва суд амалиётини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Техрон УСМОНОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ЎЗГАЛАР МОЛ-МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мулк ҳуқуқи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тизимида алоҳида ўрин тутади, чунки у шахс фаровонлигининг кўрсаткичидир. Бу ҳуқуқ иқтисодий муносабатларни тартибга солиш вазифасини бажаради ва шу маънода у кўп функцияли ҳисобланади. Ижтимоий қадриятлар тизимида мулк ҳуқуқига шахс ижтимоий неъматларининг энг муҳим жиҳати сифатида қаралади. Мулкни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг вазифаларидан биридир. Мулкка қарши жиноятлар баъзан мулккий жиноятлар деб ҳам аталган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ, мулк ҳуқуқи субъектнинг қонун ҳужжатлари билан тан олинган ва ҳимоя қилинадиган, эгалик қилиш, фойдаланиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқидир. Мулкдор ўз мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Айнан шу ҳуқуқлар ўзгалар мулкни талон-торож қилиш бобида келтирилган ҳуқуқ нормалари билан жиноий-ҳуқуқий ҳимоянинг бевосита объекти сифатида мулккий муносабатларнинг моҳиятини ташкил этади. Мулк ҳуқуқи – бу мулкка ҳақиқий эгалик қилишнинг қонуний таъминланган имконияти. Фойдаланиш ҳуқуқи – бу мулкдан фойдали табиий хусусиятларни олиш, шунингдек ундан фойда олишнинг қонун билан таъминланган имконияти. Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи – бу мулкнинг ҳуқуқий тақдирини аниқлашнинг қонуний таъминланган имкониятидир. Мулкдор ўз хоҳишига кўра ўзига тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга, шу жумладан бу мулкни бошқа шахсларга ўтказишга шу билан бирга унга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳар қандай ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар жамоат учун хавфлидир, чунки у юқорида кўрсатилган муносабатларни бузади.

Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларни тўғри квалификация қилиш учун унда шу аломатлар борлигини аниқлаш лозим. Ушбу белгилардан бирортасининг аниқланмаслиги қилмишни талон-торож сифатида квалификация қилишни истисно этади. Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятларининг қуйидаги белгилари мавжуд:

1. Мулкни эгаллашда ғаразли ниятнинг (ғаразгўйлик) мавжудлиги. Ғараз ният фойда олиш, наф, манфаат кўришни назарда тутати. Қонунга кўра, ғаразгўйлик деганда, содир қилинган жиноятдан моддий ёки бошқача мулккий йўсиндаги фойда олиш ёхуд моддий харажатлардан қутилишга интилишда ифодаланган ният тушунилади.

2. Ўзганинг мулкни ҳуқуққа хилоф равишда эгаллаш. Ҳуқуққа хилофлик – айбдорнинг мулк эгаси эмаслиги, қилмишни содир этишга ҳуқуқий асос ва ҳуқуқи йўқлиги, бундай мулкни ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига айлантиришга ҳуқуқи йўқлигини англатади.

3. Ўзгалар мулкни талон-торож қилишнинг навбатдаги белгиси бу – ўрнини қопламаслиқдир. Ўрнини қопламаслик деганда, айбдорнинг талон-торож қилинган мулк учун ижтимоий фойдали меҳнат ёки унинг ўрнини босувчи қийматга эга ҳаракатни амалга оширмаслиги, мулк қийматидан кам ҳақ тўлаши тушунилади.

4. Қилмишни ўзгалар мулкни талон-торож қилиш деб баҳолаш учун мулк ўзганинг тасарруфида бўлиши ва мулк ўзганинг тасарруфидан олинганлигини баҳолаш керак. Чунки,

ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятида айбдор тажовуз қилган мулк мулкдорнинг бевосита эгалигида бўлиши лозим.

Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятининг яна бир муҳим белгиси бу мулкдорга моддий зарар етказишдир. Бундай жиноятларнинг барча шакллари содир этилишида мулкдорга моддий зарар етказилади.

Моддий зарар деганда, тўғридан-тўғри зарар етказишни (ижобий) ва бой берилган зарарлар (эгри зарар) тушунилади. Ижобий зарар (тўғридан-тўғри етказилган зарар) талон-торож қилинган мулкнинг баҳоси билан аниқланади. Талон-торож қилинган мулкнинг миқдори унинг қийматидан келиб чиқиб, жиноятни содир этиш вақтида базавий ҳисоблаш миқдори билан таққослаш асосида аниқланади. Жиноят предмети бўлган мулкнинг қийматини аниқлашда, унинг мулкдор томонидан қай йўсинда сотиб олинганлигига қараб, жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган ва тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган чакана, бозор ёки комиссия нархлардан келиб чиқиш лозим. Нарх мавжуд бўлмаганда ва талон-торож миқдори тўғрисида низо келиб чиққан ҳолларда, мулк қиймати эксперт ҳулосасига асосан аниқланади.

“Талон-торож – ўзганинг қонуний эгалигида (тасарруфида) бўлган мулкни ёки мулккий ҳуқуқни қонунга хилоф равишда айбдорнинг ўзи ёки учинчи шахс фойдасига қасддан, таъмагирлик ёхуд бошқа паст ниятда бепул ва қайтариб бермаслик шарти билан олиб қўйишдир”.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгалар мулкни талон-торож қилишнинг қуйидаги шакллари мустаҳкамланган:

- 1) босқинчилик;
- 2) товламачилик;
- 3) талончилик;
- 4) ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш;
- 5) фирибгарлик;
- 6) ўғрилик.

Талон-торожнинг мазкур шакллари бирини бошқасидан фарқловчи ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун талон-торож қилишнинг ҳар қайси шакллари юридик белгиларини аниқ белгилаш – жиноятларни тўғри квалификация қилишни таъминлайди.

Илёсжон ЎТАЛОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА МУСОДАРА ИНСТИТУТИ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

АННОТАЦИЯ: мақолада жиноят-процессуал қонунчилигида мусодара институтининг умумий хусусиятлари, мол-мулкни мусодара қилишни таъминлашнинг процессуал ва ташкилий масалалари, халқаро стандартлар ва хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида мол-мулкни мусодара қилишнинг ҳуқуқий тартиботи таҳлил қилинган. Бундан ташқари, бу борадаги процессуал қоидаларнинг тарихий ҳуқуқий асослари ва Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида мол-мулкни мусодара қилишга бўлган муносабати ёритилган.

Калит сўзлар: мусодара, махсус мусодара, жазо, жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, моддий ҳуқуқ, процессуал ҳуқуқ, жиноятларнинг олдини олиш.

Бугунги кунда жиноят ва жиноят процессуал ҳуқуқида ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликда мол-мулкни мусодара қилиш, унинг миқдорини аниқлаш, мол-мулкни мусодара қилинган шахслар доирасини аниқ белгилаш ҳамда хусусий мулк дахлсизлиги каби конституциявий принципдан келиб чиққан ҳолда мол-мулкни мусодара қилишда учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказмаслик жиноят-ҳуқуқий сиёсатида устувор вазифалардан биридир.

Мол-мулкни мусодара қилинадиган шахслар доираси ҳамда уларнинг мол-мулкни аниқлаш ва ўрганиш замонавий юридик амалиёт талаблари билан чамбарчас боғлиқ. Мусодара қилиш ҳуқуқининг бир қанча соҳаларида мавжудлиги билан изоҳланади. Чунки мол-мулкни мусодара қилиш жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонунчиликда ҳам мавжуд бўлиб, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан бир хил таъсир чорасининг турли хил ҳолатлар ва асосларда қўлланишини назарда тутди. Мол-мулкни мусодара қилишнинг процессуал жиҳатларини ўрганишда мусодара қилинадиган мол-мулк объектлари ҳамда мол-мулкни мусодара қилинадиган шахслар доирасини аниқлаш талаб этилади. Мусодара деганда шахсга тегишли мулкни пул тўламасдан, мажбурий равишда давлат ихтиёрига ўтказиш тушунилади. Мулк унинг эгасидан фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда жиноят ёки ўзга ҳуқуқбузарлик учун суд ҳукми, ажрими ёки қарорига мувофиқ олинади ва баҳоси белгиланиб, мусодара қилинади. Ўзбекистон Республикасида маҳкумнинг мулкни мусодара қилиш жазоси 1995 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 53-моддасида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига кўра гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши керак ва улар тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумга тегишли бўлмаган мол-мулк қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, шунингдек меросхўрларига қайтариб берилади. Бордию мол-мулкнинг қонуний эгалари, мулкдорлари ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари, худди шунингдек меросхўрлари аниқланмаган тақдирда, ушбу мол-мулк давлат даромадига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 27-моддасига кўра маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашё ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёси туман (шаҳар) суди томонидан мусодара қилинади.

Мусодара институти узоқ йиллик ривожланиш даврини бошдан кечирган. Мисол учун Шарқ мамлакатларида халифаликлар даврида мол-мулк мусодараси сиёсий ва жиноий хатти-ҳаракатларга қарши фаол қўлланилган.

Тарихдан кўринадиги, мусодара институти нафақат жиноятчиликка қарши кураш воситаси, балки давлат ресурсларини бойитиш механиз-

ми сифатида ҳам аҳамият касб этган. У жиноятчиликка қарши кураш ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутган. Унга оид амалиётлар инсон ғамияти тарихининг турли давларида давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш, ижтимоий тартибни сақлаш ва адолатни таъминлаш воситаси сифатида қўлланилган.

Ислом ҳуқуқида мусодара адолат ва қонунийликни таъминлаш воситаси сифатида ўрин тутган. Мусодара жиноятдан олинган мол-мулкни жамоат манфаатларига йўналтириш орқали ғамиятда адолатни тиклаш вазифасини бажарган.

Мазкур институт Европа ва Шарқ мамлакатларида ўзгача хусусиятларга эга бўлган. Европа давлатларида мусодара айниқса, Инквизиция даврида жуда кенг тарқалган. Гуноҳкор деб топилган шахсларнинг мол-мулкни мусодара қилиниб, жамоат манфаати ёки черков эҳтиёжлари учун ишлатилган. Франция ва Англияда қиролликларга қарши исён кўтарган шахсларнинг мол-мулкни тортиб олиниб, давлат мулкига айлантирилган. Бу жараёнга фуқароларни давлатга содиқ бўлишга мажбур қилувчи восита сифатида қаралган.

Жиноят-процессуал қонунчилигида мол-мулкни мусодара қилиш ҳамда мол-мулкни мусодара қилинадиган шахслар доирасини тўғри аниқлаш хусусидаги масалалари бир неча ўн йиллардан буён мунозарали масалалардан бири ҳисобланади. В.Т.Томинанинг фикрига кўра мулк гумон қилинувчи ва айбланувчи томонидан жиноий йўл билан орттирилган ва мусодара қилишдан яшириш мақсадида бошқа шахсларга берилган ҳолларда ушбу шахсларга берилган мол-мулк мусодара қилиниши лозим. Аксарият олимлар жумладан, А.П.Коратков ва И.Л.Петрухинларнинг фикрича, гумон қилинувчи, айбланувчининг мулкни мусодара қилиш мулк қаерда бўлишидан қатъи назар амалга оширилади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ушбу олимлар қонунга гумон қилинувчи, айбланувчининг мусодара қилиниши мумкин бўлган мол-мулк қаерда ва кимнинг қўлида сақланишига қарамасдан, уларни мусодара қилиниши лозимлиги хусусида таклиф беришга ҳаракат қилишган.

Руслан ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
5. Президент қарорлари ва фармонлари.
6. "Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими: ҳозирги ҳолат ва келажакдаги ривожланиш йўналишлари", Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2023.
7. "Халқаро ҳуқуқ: назарий асослар ва амалиёт", Тошкент, 2021.
8. "Мусодара ва мол-мулкни қайтариш бўйича халқаро тажриба", БМТ Коррупцияга қарши Конвенция, 2003.

УЮШГАН ГУРУХҲ ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада уюшган гуруҳ томонидан содир этиладиган товламачилик ва тан жароҳати етказиш жиноятларининг келиб чиқиши, содир этилиш усули ва унга қарши курашиш чоралари ёритилган.

Калит сўзлар: Уюшган гуруҳ, товламачилик, тан жароҳати етказиш, уюшган гуруҳ томонидан товламачилик содир этилишининг олдини олиш, ҳуқуқий бўшлиқ.

Таъкидлаш жоизки, жиноий гуруҳлар жиноятчиларнинг муқим тарзда бириктириб бўлиб, бунда гуруҳ аъзолари ўртасидаги вазифалар аниқ тақсимланади ва ўзаро бўйсунуш тизими (иерархия) мавжуд. Ташкил этилган гуруҳни тан олинган бошлиқ (лидер) бошқаради. Бу каби гуруҳлардаги қатъий бошчиликнинг қуйидагича жорий этилишини кўриш мумкин: бошлиқ гуруҳнинг асосий фаолиятини белгилайди, жиноятларни содир этиш режасини ишлаб чиқади ва ҳар бир иштирокчининг бажарадиган вазифасини тақсимлайди. Кўп ҳолларда жиноий гуруҳларнинг таъжовуз йўналишлари мулкка қарши қаратилганлиги билан эътиборлидир. Шу боис, вазифалар тақсимланишида жиноий разведка, қўлга киритилган мулкни сотиш, гуруҳнинг техник таъминотлари қабиларга алоҳида эътибор қаратилади. Айнан шунга кўра, жиноий гуруҳлар иштирокчиларининг сони белгиланиши ва уларнинг яқин алоқалари мувофиқлаштирилиши ҳамда яширин фаолият (конспирация)нинг таъминланишига қатъий амал қилиниши бу каби гуруҳларга хослигини билиш, улар содир этиши мумкин бўлган жиноятларнинг ўз вақтида олдини олишга имкон беришини унутмаслик зарур. Жиноий гуруҳлар ўзларининг таъсир ҳудудларига эга ва шу каби ҳудудга эга бошқа жиноий гуруҳлар тўғрисида маълумотлар тўплайди. Кўп ҳолларда бундай гуруҳлар турли кураш-яроғларга эга бўладилар ва табиийки, яна бир жиноят таркибига (гайриқонуний равишда ўқотар курашларни сақлаш, кураш гуруҳи тузиш қабилар) кирувчи жиноятларни ҳам содир этадилар.

Уюшган жиноятчилик таркибига кирувчи тушунча турли жиноий ташкилотларни тузиш бўлиб ҳисобланади. Жиноий ташкилот ёки замонавий тилда айтганда “мафия” жаҳон миқёсида қўлланилаётган тушунча сифатида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари ёки ҳудудларини ўз таъсир доирасида тутиб турувчи ўзаро уюшган жиноятчилар ташкилотидир. Бу каби ташкилотлар асосан террор асосида жиноий фаолият олиб боради. Бундай жиноий ташкилотлар баъзан коррупцияга хос фаолиятлардан фойдаланса-да, аслида “жиноий бизнес”ни амалга оширишда кўпроқ ўз кучи ва воситаларига таянади. Жиноий ташкилотлар ўз фаолиятларини амалга оширишда давлат органлари фаолиятларидан холи тарзда иш кўрадилар.

Қонун мазмунига кўра уюшган гуруҳ сифатида унинг барқарорлиги, унда ташкилотчининг бўлиши, одатда бир неча жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлиги, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлиги, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлиги, техника билан таъминланганлиги, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлиги, умумий интизомга ва жиноий гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилиниши тушунилоғи лозим. Бундан ташқари, жиноий фаолият билан шугулланиш учун олдиндан бирлашган шахсларнинг юқори уюшганлик даражаси, фаолият олиб бориш вақтининг давомийлиги, иштирокчиларнинг ҳар бири унга юкланган вазифага мувофиқ ҳаракатларининг юқори даражада ташкиллаштирилганлиги, жиноятга тайёргарлик ва уни содир этиш жараёнида улар ўртасидаги алоқанинг барқарорлиги, жиноят изларини яшириш, гуруҳдаги интизом ва ташкилотчининг бир неча бор жиноят содир этишига йўналтирилган кўрсатмаларига бўйсунуши ва шу қабилар билан тавсифланади.

Бундан ташқари, уюшган гуруҳнинг ўзига хос хусусиятларида улар томонидан жиноятларни содир этиш мақсадида икки ёки ундан кўп шахсларнинг барқарор бирлашмаси, жиноий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жиноий қасдини амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини таъминлаш, гуруҳда ўрнатилган интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсунушлик жиноий гуруҳнинг уюшганлигидан далolat беради.

Шунингдек, уюшган гуруҳни хусусиятловчи белгиларидан бири - бу унинг барқарор эканлигидадир. Бунда ташкилотчи жиноий режани тузади, иштирокчилар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, улар фаолиятини йўналтиради ва гуруҳдаги тартибни муштахкамлайди, шунингдек, гуруҳ интизомини назорат қилади.

Мазкур ўзига хосликлардан келиб чиқиб, жиноий гуруҳни уюшган деб квалификация қилишда гуруҳнинг барқарорлигини, унда ташкилотчининг мавжудлигини, одатда, бир неча жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлигини, жиноятни амалга ошириш

режаси ва йўл йўриғи билан ишланганлигини, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлигини, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлигини, умумий интизомга ва жиноий гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилинишини тўлиқ ўрганиб, ҳуқуқий баҳо бериш лозим.

Мазкур элементлар жиноят қонунчилиги ва унга оид адабиётларда қатъий белгиланмаган бўлиб, уюшган гуруҳда юқоридаги элементларнинг барчаси ёки бир нечаси намоён бўлиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари, амалиётда шундай муаммолар учрайди-ки, унинг ечими жиноят қонунчилиги билан тартибга солинишини кутмоқда. Хусусан, Жиноят кодексининг 210-моддасида ҳеч қандай товламачилик ҳақида сўз юритилмаган ва бундай ҳолат назарда тутилмаган. Бироқ, мазкур модданинг иккинчи тарафи бўлган ЖКнинг 211-моддасида “Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади”, деб белгиланган. Мазкур ҳолатда ЖКнинг 165-моддасида назарда тутилган “товламачилик” ва 211-моддада назарда тутилган “товламачилик” ўртасида номуаносиблик мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, уюшган гуруҳ томонидан товламачилик ва тан жароҳати етказиш жиноятларининг олдини олишни назарда тутувчи қуйидаги таклифларни амалиётга жорий этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 141¹-моддаси (Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш) диспозициясида “Шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги” сўзларидан кейин “ёки обрўсизлантирувчи ҳар қандай маълумотларни” жумласини киритиш, шунингдек, мазкур модда диспозициясида “унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш” сўзларидан сўнг “ёхуд ўзгага бериш, шунингдек шахс ёки унинг оиласи тўғрисида уйдирмаларни тарқатиш ёхуд ўзгага бериш” жумласи билан тўлдириш;

- Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 141³-моддаси (Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш) 2-қисмини “Оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса” мазмунини “г” банди билан тўлдириш;

- Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг барча ходимларига хизмат фаолияти билан боғлиқ маълумотларни алмашишда ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни ҳамда ўзига маълум бўлган ҳар қандай маълумотларни журналист ва бошқа шахсларга беришни тақиқлаш (ОАВ йўналишида ишловчи ходимлар бундан мустасно, уларнинг ҳаракатлари йўриқнома орқали тартибга солинади);

- Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддасида назарда тутилган “товламачилик” ва 211-моддада назарда тутилган “товламачилик” сўзларига шарҳ бериш ҳамда ЖКнинг 210-моддаси 2-қисмига “товламачилик йўли билан талаб қилинган бўлса” мазмунини “в” банди киритиш лозим.

Жаҳонгир БОЗОРБОЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси магистратура тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445147>
2. Жиноят кодекси. <https://lex.uz/docs/111453>
3. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Р.Қабулов, А.Отажонов ва бошқ. – Т.: ИИВ Академияси, 2014.
4. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистонни биргаликда қураимиз. Ш.М.Мирзиёев.
5. Тезкор-қидирув фаолияти принципларининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдаги аҳамияти. Ф.Бобоқулов. Тергов амалиёти журнали. 1/2024(21)-сон <https://tergov.uz/uz/wanted/?&page>.

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН ҚУРИЛМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЮРИДИК МОҲИЯТИ

Ўзбошимчалик билан қурилиш муаммоси замонавий жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларига таъсир қилади. Шаҳарсозлик қоидаларининг бузилиши давлатнинг иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қилади, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя қилмаслик инсоний фожиаларга олиб келиши мумкин. Бўш ҳудуднинг нуқтали қурилиши ва параллел равишда бузилиши, ҳар доим ҳам эскирган ва авария ҳолатида бўлмаган, баъзан эса яшаш учун мутлақо яроқли бўлган уй-жойлар у ёки бу тарзда бузилиши жиддий ижтимоий низоларга олиб келади. Зеро, ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни барпо этиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг икки томонлама ҳуқуқий табиати ягона муаммо эмас.

Ушбу соҳанинг ҳуқуқий илдиизига таянадиган бўлсак, қадимги Римда "суперфиций" атамаси қўлланилган. Ушбу институтнинг хизмати шундаки, у бир вақтнинг ўзида учта вазифани бажарган: ер участкасининг мансублиги сифатида тузилиш ҳақидаги тамойилни амалга оширади; суперфициарийга ўзи қурган бино ёки иншоотга нисбатан чекланган ашёвий ҳуқуқни берди, шунингдек, ўзга ер участкасининг эгаси ўзганинг иморатини кўпайтириш орқали мулк ҳуқуқини қўлга киритганлиги сабабли, ўзга ер участкасида янги қурилган иморатларга эгаллик ҳуқуқини қўлга киритишнинг ўзига хос усулларида бири бўлди. Superficius институтининг мавжудлиги ва ашёвий ҳуқуқ тизимининг батафсил ишлаб чиқишига қарамай, қадимги Римда "ўзбошимчалик билан қуриш" тушунчасининг ўзи мавжуд эмас эди¹.

Шунингдек, кўпгина Европа мамлакатлари қонунчилигида ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг ер участкаси мулкдорига ўтишини ҳуқуқий тартибга солиш тизимини топиш мумкин, бу эса ўз навбатида иморат қурувчига тегишли бўлмаган ер участкасида иморат қуриш, яъни римча "тупроқ ҳуқуқи" деб аталадиган асосга ҳам эга. Қадимги Рим хусусий ҳуқуқи нормалари тарихан герман қонунчилиги тизимида, айниқса, ер участкалари ва улардаги иморатлар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларга катта таъсир кўрсатган. Жумладан, Испания Фуқаролик кодексига кўра, қурилмалар тўғридан-тўғри кўчмас мулк объектларига биноларга жойлаштирилган ёки кўчмас мулк эгаси томонидан мерос қилиб олинган, уларни кўчмас мулк билан мустаҳкам боғлаш ниятини кўрсатадиган шаклдаги қурилиш объектлари сифатида киритилган. Ўз вазифасига кўра дарё, қўл ёки қирғоқнинг бир жойида доимо туришга мўлжалланган сузувчи иншоотлар ҳам кўчмас деб эътироф этилади².

Мамлакатимизда ўзбошимчалик билан қурилган қурилмалар ва уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий табиати билан боғлиқ нормаларни Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 августда қабул қилинган "Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида"ги ЎРҚ-937-сонли қонуни ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, мазкур қонунда ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларнинг ҳуқуқий мазмунини очиб беришга асос бўлиб хизмат қиладиган "ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаси" тушунчаси келтирилган бўлиб, унга кўра "ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаси - фуқаролар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва резидент бўлган юридик шахслар томонидан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни белгиловчи ҳужжатларсиз, шу жумладан бундай ҳужжатлар йўқолган ёки тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳолда эгаллаб келинаётган ёки ортиқча эгалланган ер участкаси" ҳисобланади⁴.

Кўриниб турибдики, миллий қонунчилигимизда "ўзбошимчалик билан қурилган қурилма" атамасининг легал таърифи келтирилмаган бўлиб, ушбу таърифнинг йўқлиги ўзбошимчалик билан қурилиш амалиётига давлат томонидан салбий муносабат билдирилишида тегишли қонунчилик нормаларини қўллашда бирмунча мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин.

Лекин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормаларида мазкур тушунчага яқин, яъни ўзбошимчалик билан иморат қуриш билан боғлиқ қоидаларни учратиш мумкин. Хусусан, ФКнинг 212-моддасига биноан қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмастан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга — сотишга, ҳадя этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим.

Лекин, ФК 212-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно бўлиб, жумладан, иморат қурилган ер участкасининг мулкдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгаллик қилаётган, доимий эгаллик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин. Бу ҳолда иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилган шахс иморат қурган шахснинг харажатларини суд белгиланган миқдорда қоплайди.

Башарти, ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатлари бузилишига сабаб бўлса, ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳавф тугдирса, ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилиши мумкин эмас.

Юқоридагилардан маълумки, ўзбошимчалик билан қурилган қурилма сифатида биз тегишли қонунчилик нормалари мазмунига таянган ҳолда "зарур рухсатнома олмастан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк"ни тушунишимиз мумкин.

Бундан хулоса сифатида айтиш мумкинки, амалдаги фуқаролик қонунчилиги билан белгиланган таърифларда ўзбошимчалик билан қурилган қурилмалар доираси аниқ тарзда белгилаб берилган ва буни биз куйидагича ифодалашимиз мумкин, яъни "ўзбошимчалик билан қурилган қурилма дейилганда маълум бир ҳуқуқий асосга эга бўлмаган ҳолда тегишли ҳужжатларсиз муайян ер участкасининг ноқонуний эгаллаб олиниши ҳамда ушбу ер участкасига нисбатан турли хил кўчмас мулк объектларининг қурилишидир".

Бийбиназ ОПАЕВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Скловский К.И. Собственность в гражданском праве. М., 2002. С. 398-399.
2. Основные институты гражданского права зарубежных стран: Сравнительно-правовое исследование / Рук. авт. колл. В.В. Залесский. М., 1999. С. 221-222.
3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.08.2024 й., 03/24/937/0585-сон.

ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, судлар фаолиятида, айниқса, иқтисодий суд ишлари юритувида муайян процессуал қонунчилик билан назарда тутилган ҳамда қатъий риоя этилиши лозим бўлган асосий қоидаларнинг аниқ юридик тавсифини бериш муҳим ҳисобланади. Бу борада, тамойил, яъни бошқача айтганда “принцип” атамасига нисбатан умумҳуқуқий тавсифининг берилиши зарур аҳамият касб этади. Жумладан, “тамойил” сўзининг этимологик маъносидан келиб чиқадиган бўлсак, “тамойил” тушунчаси бир маъноли эмас, балки кенг мазмунга эга, қолаверса, фалсафий тушунча ҳам ҳисобланади. Чунончи, кенг маънода принцип — ҳар қандай билим соҳасининг асосини ташкил этувчи қонуниятни ифодаловчи назарий умумлаштирилган гоялардир.

Шундай экан, ижтимоий муносабатларни ўрганишда принцип бир хил ижтимоий ҳодисаларни маълум бир гуруҳнинг етакчи гоясидир. Принциплар бу ерда муайян тизимнинг асоси, марказий тушунчаси, тегишли соҳанинг асосий қоидалари сифатида ишлайди. Амалий фаолият соҳасида эса ушбу фаолият жавоб бериши керак бўлган асосий, умумий талаблар сифатида ифодаланади.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 2-боби, 6-15-моддаларида иқтисодий суд ишлари юритувига оид муҳим қоидалар батафсил ёритиб берилган бўлиб¹, ҳар бир принцип ўзига хос иқтисодий процессуал ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш механизмларини ўзига мужасам этган мазмун ва шаклга эга.

Дарҳақиқат, Кодекснинг ушбу боби мазмунига кўра, иқтисодий процессуал қонунчилиكنинг асосий принциплари сифатида қуйидагилар эътироф этилади ва бошқа иқтисодий процессуал қонунчилик нормаларида белгиланган соҳавий принциплар ҳам шулар асосида ишлаб чиқилади, шакллантирилади ҳамда процессуал муносабатларга татбиқ қилинади, хусусан:

- оиди судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши (6-модда);
- қонун ва суд олдида тенглик (7-модда);
- судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши (8-модда);
- тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги (9-модда);
- суд ишлари юритиладиган тил (10-модда);
- суд муҳокамасининг ошкоралиги (11-модда);
- суд муҳокамасининг бевоситалиги (12-модда);
- ишларни қонунчилик асосида ҳал қилиш (13-модда);
- чет давлат ҳуқуқи нормаларини қўллаш (14-модда);
- суд ҳужжатларининг мажбурийлиги (15-модда).

Ушбу тамойилларнинг умумий мазмунига эътибор қаратган ҳолда таъкидлаш ўринлики, принцип дейилганда ҳуқуқнинг умумий назариясида, ҳуқуқий принциплар деганда қонун ижодкорлиги фаолиятининг бошланғич нуқтаси бўлган, ҳуқуқий нормалар мазмунинида ифодаланган ва кўрсатилган, нормаларни амалга оширишда етакчи тамойиллар бўлиб хизмат қиладиган ва уларда ўз ифодасини топган асосий гоялар тушунилади. Соҳавий фанларда ҳам шундай умумий қараш ва ҳам-фикрлик мавжудки унга кўра, ҳуқуқий принциплар қонунларда ифодаланган, тегишли ҳуқуқ соҳасининг асосий белгиларини, унинг энг муҳим институтларининг моҳияти ва мақсадини акс эттирувчи етакчи гоялар сифатида ифодаланиши лозим.

Иқтисодий процессуал қонунчилиги принциплари тўғрисида процессуал ҳуқуқ соҳасидаги олимларнинг қарашлари ҳамда фикрлари яқдил эмаслиги, ҳар бир принципларнинг у ёки бу туркумдаги принциплар гуруҳига тааллуқли эканлигини аниқлаш, судлар фаолиятида улар-

ни қўллаш ҳамда уларга қатъий бўйсунушга доир ягона ёндашувнинг амалий жиҳатдан тўлиқ шакллантирилмаганлиги юқоридаги фикрларнинг тасдиғи сифатида келтирилади.

Одатда, процессуал қонунчиликдаги ифодаланган принципларнинг ҳуқуқий тавсифига нисбатан иқтисодий процессуал ҳуқуқи принциплари янада аниқроқ мазмунга эга. Чунончи, иқтисодий процессуал ҳуқуқи принциплари дейилганда иқтисодий судлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган ушбу иш юритишнинг умумий бошқарув қоидалари тушунилиб, унинг асосий хусусиятларини, барча муҳим институтларининг мазмуни ва аҳамиятини ҳамда низоларни иқтисодий судларда муҳокама қилиш қоидаларини белгилайди.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, бевосита иқтисодий процессуал қонунчилик принципларини гуруҳлаш борасида ҳам айрим мунозарали масалалар вужудга келади. Хусусан, баъзи юридик манбаларда мазкур тамойиллар умумҳуқуқий, соҳалараро ва соҳавий тамойиллар сифатида гуруҳланса, айримларида конституциявий, умумий ёки асосий принциплар сифатида талқин қилинади².

Бинобарин, уларни гуруҳлаш бу қонунчилик нормалари билан ифодаланган талаб бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керак-ки, ҳар бир принцип жараённинг ўзига хос сифат хусусиятини акс эттириши шарт эмас. Жараённинг бир ёки бир нечта сифат белгиларини бир вақтнинг ўзига очиб берадиган тамойиллар мавжуд, аммо принциплар гуруҳи билан таъминланадиган шундай сифат белгилари ҳам мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди.

Хусусан, иқтисодий процессуал қонунчилиги принципларининг татбиқ қилиниши билан боғлиқ айрим суд амалиётидан мисолларга эътибор қаратдиган бўлсак, ҳар бир судда бўлгани каби иқтисодий судларда ҳам айрим соҳавий принципларни қўллашга оид мулоҳазали масалалар ҳам мавжудлигини таъкидлаш мумкин. Масалан, биринчи инстанцияда иқтисодий суд ишлари юритувида процессуал тамойиллардан бири сифатида қонун ва суд олдида тенглик ҳамда тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги тамойилларининг биргаликда қўлланилиши натижасида ишларни қонунчилик асосида ҳал қилиш тамойилининг ҳам процессуал тамойил сифатида амалда татбиқ қилиниши таъминланиши мумкин ёки аксинча.

Шу нуқтаи назардан таъкидлаш муҳимки, айрим суд ишлари юритувига оид амалиёт мисолларида бевосита мазкур туркумдаги процессуал тамойилларга маълум даражада амал қилмаслик кўпгина муаммолар масалаларнинг вужудга келишига олиб келиши мумкин.

Сарбиназ ОПАЕВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., 02/18/ИПК/0623-сон;
2. Ibratova F.B. Ayrim toifadagi qarzdorlar bankrotligining huquqiy muammolari. Monografiya. -T.: TDYul, 2012.- 28-b.



СУД ТЕРГОВИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

Жиноят иши юзасидан, жиноятни содир этганликда айбдор бўлган шахсни аниқлаш ва иш бўйича далилларни йиғишга қаратилган амалий ишларнинг тўплами суд терговини дейилади. Унинг мақсади жиноятни аниқлаш, айбдор шахсларни топиш, далилларни текшириш ва ишни судга тақдим қилишдир.

Суд муҳокамасининг тайёргарлик босқичида мавжуд иш ҳолатлари алоҳида текширилмайди, балки, жиноят процессининг ушбу босқичида суд томонидан иш ҳолатларининг мустақил, тўла ва ҳар тарафлама текширилишига шароит яратилади, процесс иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тўғри ҳал этишга ҳозирлик кўрилади.

Шунинг учун ушбу босқичда ўтказиладиган суд терговининг барча ҳаракат ва қарорларининг тўлалигини таъминлашга ҳозирлик кўрилади.

Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 429-моддасига кўра, процесс иштирокчиларининг судга келган-келмаганлиги текширилади, 433-моддасига кўра, процесс иштирокчиларидан бирортаси келмаганда жиноят ишини кўриш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақидаги масала ҳал қилинади.

Бундан сўнг, суд ЖПКнинг 434-моддасига асосан судланувчининг шахсини ва унга процессуал ҳужжатларнинг нусхалари топширилган вақтини аниқлайди, суд таркибини, тарафларни эълон қилиш ва рад қилиш ҳуқуқини тушунтириш судга нафақат суд муҳокамаси давомида бу масалага қайтилишини олдини олади, балки процесс иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича жиноят процессуал қонуни талабларини бузилишини ва бевосита у билан боғлиқ суд терговини тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама ўтказилишини олдини олади.

Суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида раислик этувчи судланувчининг шахсини ҳамда ушбу шахсга нисбатан иш юритишга монеълик қилувчи ҳолатлар мавжудлигини аниқламасдан иш бошлаш олмаслигини кўрсатиб ўтиш лозим. Шунинг ҳам назарда тутиш керак-ки, Жиноят процессуал кодексининг 438-моддаси мазмунидан келиб чиқувчи суд муҳокамаси иштирокчиларининг янги гувоҳлар, экспертлар, мутахассисларни чақириш, далилий ашё ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш бўйича қиритган илтимосномалари бу ҳақда ариза берилиши билан бир вақтда муҳокама қилиниши ва ҳал этилиши лозим. Ушбу қоидалар асосида суд муҳокамаси иштирокчиларининг доираси ва иш ҳолатлари (жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячисига ишда қатнашишга рухсат бериш, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш, ишни тўхтатиш ёки кўришни қолдириш, ишни қўшимча терговга қайтариш, тугатиш ва ҳ.к.) да берилган ва қиритилган илтимосномалар суд муҳокамасининг бошланғич қисмида ҳам, суд тергови давомида ҳам ҳал этилади.

Суд муҳокамасининг тайёрлов қисмини иккинчи даражали босқич ҳисоблаб, бу босқичда суд фақат тайёрлаш-ташкилий вазифаларини бажаради, шунинг учун баъзи процессуал қоидалардан четга чиқиш мумкин, деган қараш хато бўлади.

Суд тергови билан суд муҳокамасининг бир қисми ҳисобланган тарафлар музокараси ҳам ўзаро боғлиқ бўлиб, тарафлар ўз чиқишларида суд тергови давомида бевосита текширилган далилларга таяниш, таҳлил этиш ва баҳо бериш ҳуқуқларига эга. Башарти тарафлар музокарадаги нутқларида ёки судланувчининг охириги сўзида иш учун муҳим аҳамиятга молик янги ҳолатлар тўғрисида гапирсалар ёки муқаддам текширилмаган, лекин ишга алоқадор бўлган далилларни келтирсалар, суд тарафларнинг илтимосларига кўра ёки ўз ташаббуси билан суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради (ЖПК 452-модда).

Суд тергови давомида текширилган ҳужжатларга асосланган ҳолда тарафлар музокарада судланувчига қўйилаётган айбга ижтимоий ҳуқуқий баҳо бериш, у ёки бу айбни асосланганлиги, судланувчи қилмишига ҳуқуқий тасниф бериш, унга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари ва бошқа ҳукм чиқаришда суд ҳал этиши лозим бўлган масалалар бўйича фикр билдиришлари мумкин.

Судланувчининг охириги сўзи суд терговининг ўтказилишида ҳал қилувчи ўрин тутати. Бинобарин, судланувчи охириги сўзида иш учун муҳим бўлган янги ҳолатларни маълум қилиш судга суд терговини янгидан бошлаш учун ажрим чиқаришига асос бўлади (ЖПКнинг 452-моддаси). Ниҳоят, суд терговининг натижалари ҳукм чиқариш каби суд муҳокамасининг асосини белгилайди. Зеро, суд суд тергови давомида текшириб чиқилган далиллар билан бир томондан ўз ҳукмини асосласа (ЖПКнинг 455-моддаси), бошқа томондан суднинг ички ишончи, суд тергови ва унинг натижаларини асослайди.

Шундай қилиб, нафақат суд иш юритишининг дастлабки босқичлари, балки суд муҳокамасининг тартиби ҳам — суд терговини суд муҳокамасининг муҳим, марказий ва асосий қисми сифатида тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона олиб борилишига хизмат қилади. Шу муносабатда суд терговининг моҳият ва мазмуни тушунчаларига методологик аниқлик киритиб олиш лозим.

Суд тергови процессининг асосий жараёни жиноят иши бўйича далилларни аниқлаш ва уларни тўплашдан иборат. Суд терговининг асосий босқичлар эса қуйидагилардан иборат:

далиллар йиғиш: суд тергови жараёнида, терговчилар ишга оид барча далилларни тўплашга масъулдирлар. Бу далиллар ёзма ёки овозаки бўлиши мумкин. Тўпланган далиллар қонунга мувофиқ баҳолалини шарт;

далилларни текшириш: тўпланган далиллар текширилиши керак. Бу текшириш, терговчи ва судга ишни кўриб чиқиш учун тўғри ва ҳолис далилларни тақдим қилиш учун амалга оширилади; *иштирокчиларни аниқлаш:* суд тергови давомида ишда иштирок этувчи шахслар, уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари тушунилади;

ишни судга тақдим қилиш: суд тергови якунлангач иш судга тақдим қилинади. Суд тергови натижаларини кўриб чиқиб, судья қонунчиликка асосан адолатли қарор қабул қилади.

Суд тергови жараёнининг тўғри ва самарали ўтказилиши учун аниқ механизмлар талаб қилинади. Бу механизмлар суд томонидан ишни тўғри кўриб чиқиш учун қонунчиликка асосланган тартибларга мувофиқ бўлиши керак. Яъни, судья ишни кўриб чиқиш ва судда аниқ, объектив, одилона қарор қабул қилиши зарур.

Суд тергови, жиноят ишини фақат қонунга мувофиқ ва ҳолислик билан ўтказишни талаб этади. Суд терговининг натижалари жиноят иши бўйича қабул қилинадиган қарорларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Агар суд тергови жараёни адолатли ва ҳолис ўтказилган бўлса, иш бўйича чиқарилган қарорлар ҳам адолатли бўлади.

Бауржан САБУРОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИНИ МАЖБУРИЙ ИЖРО ЭТИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Жаҳон суд амалиётида иқтисодий низоларни ҳал қилиш воситаси сифатида ҳакамлик суди анча вақтдан бери маълум. Ҳакамлик судларининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадимги Римда махсус тижорат судлари пайдо бўлган. Ислом ҳуқуқшунослигида "таҳким" деб номланган ҳакамлик институти жуда қадимийдир.

Европада биринчи доимий тижорат суди 1563 йил ноябрда Парижда ташкил этилган. Россияда савдогарлар синфи учун махсус судлар биринчи марта Новгород шахзодаси Всеволод Мстиславович томонидан 1135 йилда жорий қилинган.

XX асрнинг охириги ўн йиллигидан бошлаб, МДҲ давлатларининг ҳуқуқшунослари ва ишбилармон жамоатчилиги иқтисодий низоларни ҳал қилишда суд тизимига муқобил усулларнинг қўлланиши масалаларини батафсил муҳокама қила бошладилар. Музокаралар мавзулари қаторига ярашув жараёнлари, медиация ва ҳакамлик масалалари киритилди.

Бундай масалаларга қизиқиш тасодифий эмас. Бозор иқтисодиётининг мураккаб ривожланиш шароитлари (махаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг тўхтаб қолиши ва узилишлар, товар ва хизматлар нархининг ўсиши, инфляция, жиноятчилик ва ҳ.к.) шартномавий мажбуриятларнинг бузилиши ва низолар юзага келишига олиб келади. Иқтисодий низоларни нафақат тез ва аниқ ҳал қилиш, балки шу тарзда ижро этиш ҳам талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли эканлигини белгилайди. Ушбу конституциявий норма низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари-дан кенг фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 10-моддаси биринчи қисмида Фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунчилик ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, иқтисодий суд ёки ҳакамлик суди (бундан кейин — суд) томонидан ҳимоя қилиниши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида ҳакамлик судидан мустақилликка эришилгач қўлланила бошланди. Ушбу соҳада ҳуқуқий нормалар анча вақтдан бери амалда бўлишига қарамай, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳакамлик суди орқали ўз ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилишига тўқсинлик қилаётган муаммолар ҳалигача сақланиб қолмоқда.

Ишбилармонлар ўз низоларини ҳаммага ошкор этмайдиган, ишни мустақил ва холис олиб борадиган учинчи шахсга мурожаат қилиш орқали ҳал қилишга эҳтиёж сезадилар. Бундай вазифани кўпинча ҳакамлик суди амалга оширади. Ҳакамлик суди — бу томонлар розилиги асосида танланган ва мулкӣ низоларни ҳал қилиш учун ташкил этилган суд ҳисобланади. Жаҳондаги иқтисодий низоларнинг аксарияти айнан шундай судларда ҳал қилинади.

Ҳакамлик судларининг ривожланиши ва уларга бўлган қизиқиш-ни ошириш, асосан ҳуқуқшуносларнинг фаолиятига боғлиқ. Ҳакамлик суди фаолиятини ривожлантиришда ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи юристлар томонидан ташаббуслар, илмий изланишларни кўпроқ олиб бориш ҳамда уларни ривожлантириш орқали давлат судларининг иш юкламасини камайтириш бугунги кунда жуда муҳимдир. Ҳакамлик судлари тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларни ҳал этувчи нодавлат орган бўлиб, тарафларнинг низони ҳакамлик судига ҳал қилиш учун топшириш ҳақидаги келишув-и - ҳакамлик битимига кўра тегишли тарафнинг ўз ҳуқуқ ва манфа-атларини ҳимоя қилиш учун тақдим қилинган даъволарни ҳакамлик муҳокамасида кўриб чиқади.

Ҳакамлик судлари билан боғлиқ муаммолар эса талайгина. Жумладан, ҳакамлик муҳокамаси ва ҳакамлик суди қарори ижро-сини таъминлаш борасида суд ҳимояси механизмлари тўлиқ шакл-ланиши керак.

Шу билан бирга, ҳакамлик судлари ҳал қилув қарорларининг ижро этилиши билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд. Ушбу муам-моларнинг ечими бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳи-собланади.

Ҳакамлик судлари ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд. Улардан энг асосийлари қуйидагилар:

1. Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорига асосан ижро варақа-сини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процес-суал кодексига нисбатан узоқ муддат белгиланган;
2. Ҳал қилув қарорлари ўз вақтида ижро этилмайди;
3. Ижро жараёни мураккаб;
4. Суд ижрочиларининг иш юкламаси юқори;У
5. Ўзбекистон Республикаси "Ҳакамлик судлари тўғрисида"- ги қонуннинг 5-моддаси, иккинчи қисмида Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳакамлик судларини ташкил этиши ҳамда ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмаслиги белги-ланган бўлиб, ушбу органларнинг аниқ чегараси кўрсатилмаган.

Мисол учун: Давлат бошқарув органининг таркибий тузилма-сига кирувчи хўжалик фаолиятини юритувчи корхона, муассасалар махсулот ишлаб чиқариш учун хусусий тадбиркорлик субъектлари-дан товар ва хом ашё харид қилганда ёки сотганда уларга қандай субъект сифатида қараш лозим? Бундай корхона ва муассасалар Давлат бошқарув органи сифатида таснифланиши керакми?

Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги чо-раларни кўриш мумкин:

1. Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорига асосан ижро ва-рақасини олиш учун ариза Иқтисодий судга тақдим этилгач ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни судья томонидан якка тартибда суд мажлиси чақирмасдан кўриб чиқиб ҳал қи-лиш ва қонунчиликни такомиллаштириш;
2. Ижро жараёнини соддалаштириш;
3. Суд ижрочиларининг малакасини ошириш;
4. Ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш;
5. Доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судлари судьяла-рини ўқитиш, малакасини оширишни ривожлантириш.

Ҳакамлик судлари тадбиркорлик низоларини самарали ва тез ҳал қилиш воситаси бўлиб, уларнинг янада ривожланиши ва оммалашиши учун ҳуқуқий асослари ва ижро механизмини янада мустаҳкамлаш керак.

Дониёр РИЗАЕВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



ЛАТЕНТ ЖИНОЯТЛАР: мазмун, сабаблар ва оқибатлар

Латент жиноятлар – бу жамиятда содир бўладиган, бироқ турли сабабларга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аниқланмайдиган ёки қайд этилмайдиган жиноятлардир. Бундай жиноятлар нафақат ҳуқуқий тизимнинг заифлигини кўрсатади, балки жамиятдаги ижтимоий адолатнинг бузилишига ҳам сабаб бўлади.

Латент жиноятлар жамиятнинг турли соҳаларида кузатилади ва кўпинча қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

биринчидан, ошпадаги зўравонлик – жабрланувчилар кўркүз ёки ижтимоий босим сабабли бу каби ҳолатларни билдирмайдилар;

иккинчи, коррупция ва иқтисодий жиноятлар – молиявий манфаатлар ва яширин ҳаракатлар натижасида кўлаб жиноятлар сирли қолади;

учинчи, кибержиноятлар – интернет орқали содир этиладиган жиноятлар кўпинча техник жиҳатдан излаш қийин бўлгани учун латент ҳисобланади.

Латент жиноятларнинг асосий сабаблари тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

■ жабрланувчининг кўркүзи ёки ишончсизлиги. Жабрланувчилар кўп ҳолларда жиноят ҳақида хабар беришдан қочадилар, чунки улар қасос олинишидан кўрқадилар ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишонмайдилар;

■ қонунчилик тизимидаги камчиликлар. Баъзи давлатларда ҳуқуқий тизимнинг самарасизлиги расмийлар ўртасидаги коррупция жиноятларининг қайд этилишига тўсқинлик қилади;

■ жамоатчилик ҳабардорлигининг пастлиги. Аҳоли ҳуқуқий билимларининг етарли даражада эмаслиги ёки жиноят ҳақида хабар бериш механизмларининг мавжуд эмаслиги латент жиноятлар даражасини оширади;

■ илмий-техник имкониятларнинг чекланганлиги. Кибержиноятлар ёки халқаро чегараларни кесиб ўтувчи жиноятларни аниқлаш юқори технологик имкониятларни талаб қилади. Бу имкониятлар етишмовчилиги жиноятларнинг латент бўлиб қолишига олиб келади.

Латент жиноятчиликни юзага келиш сабабларига кўра қуйидаги турларга бўлиб таҳлил қилиш мумкин:

1. Жиноятлар ҳисобини юртувчи органларнинг идоравий номувофиқлиги сабабли қилмишларнинг жиноятларни рўйхатга олиш тизимида киритилмаслиги. Бу асосан жиноятларни марказлашган рўйхатга олиш ваколатининг Ички ишлар вазирлиги органларидан прокуратура органларига ўтказилиши ва ушбу тизимнинг янги жорий этилганлиги, рўйхатдан ўтказилишнинг компьютерлаштирилгани билан боғлиқ;

2. Ҳеч кимга аён бўлмаган жиноятлар. Одатда бунга “эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган, ишлаб чиқариш технологияларини бузиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар” ва бошқалар киради. Баъзан бу гуруҳга эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлардан ташқари, кам аҳамиятли, оз миқдорда зарар етказилган жиноятлар ҳам киритилади;

3. Фақат жиноятчиға маълум бўлган жиноятлар. Ушбу тоифадаги жиноятларга маст ҳолатдаги шахсга, вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятлар, шунингдек, “жабрланувчисиз бўлган жиноятлар” деб номланган жиноий ишлар киритилади. Бу, масалан, манфаатдор шахснинг давлат хизматчисига ўз мансаб ваколатини бажарганлиги ёки бажармаганлиги учун пора бериши бўлиши мумкин.

Латент жиноятларнинг содир этилиши жамиятда адолатсизлик ҳиссининг ортисига олиб келади. Жабрланувчиларнинг қонун устуворлигига ишончи сусаяди, бу эса фуқаролик жамиятининг ривожланишига салбий таъсир қилади.

Шунингдек, жиноятчиликнинг кучайишига туртки бўлади. Латент жиноятлар жиноятчиларни жазосиз қолишга ишонтириб, янги жиноятлар содир этилишига имконият яратади.

Бундан ташқари, иқтисодий зарарлар етказилишига олиб келади. Коррупция ёки молиявий фирибгарлик каби латент жиноятлар давлат иқтисодиётига жиддий зарар етказиши мумкин.

Баъзи халқаро тадқиқотларнинг натижаларига кўра ҳақиқатда содир этилган жиноятларнинг 50 фоизга яқини латент бўлиб қолмоқда.

Айрим давлатларда баъзи турдаги қилмишлар (масалан номусга тегиш, харидорларни алдаш, кам миқдорда талон-торож қилиш ва ҳоказолар) бўйича латентлик даражаси анча юқори бўлиши мумкин. Хабар берилмаган жиноятлар асосан қуйидагилар билан боғлиқ:

- фуқаролар ва жиноят жабрланувчиларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишончсизлиги;

- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятни очиш ва аризагини ҳимоя қила олишига ишончсизлик;

- жиноятчиларнинг ўч олишидан кўрқиш;

- тажовуз (масалан номусга тегиш)ни бошқаларга билдирмаслик;

- жиноятчи билан келишув битимининг тузилганлиги;

- жиноятдан жабрланганликни билмаслик ва ҳоказолар.

Рўйхатга олинмаган жиноятлар бутун дунёга ўзига хос, бироқ тарихий ва бошқа сабабларга улар МДХга кирган ва Ўзбекистонда анча кенг тарқалган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан яширилган жиноятлар рўйхатга олинмаган жиноятларнинг тахминан 30 фоизини ташкил этади. Айрим турдаги жиноятларда бу кўрсаткич янада юқори.

Яширишга уринишнинг сабаблари турлича:

- Ички ишлар органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари жиноятчиликни назорат қилишга қобилиятли эканлигини кўрсатиш;

- ушбу органларнинг жиноятчиликнинг ўсишини камайтира олмаётганлиги;

- очилиши қийин бўлган жиноятлардан қочиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида малакали кадрлар ва техник воситаларнинг етишмаслиги;

- ходимлар касбий тайёргарлигининг пастлиги;

- жиноят юстицияси тизимида суиистеъмолчиликлар ва коррупциянинг кенг тарқалганлиги ва ҳоказолар.

Санаб ўтилган ҳолатларнинг ҳар бирида ўзига хос умумийлик мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса жиноятчилик ёки унга тааллуқли хабарнинг йўқлиги, шунингдек, объектив воқелиқдан келиб чиққан ҳолда сунъий ҳамда қасддан яшириш ҳолатларнинг мавжудлигидир. Айнан шу каби хабар келмайдиган ёки яширин жиноятлар, юқорида таъкидланганидек, жиноятчиликнинг яширинлик ҳолатини ифодалайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтишимиз лозимки, латент жиноятларнинг олдини олиш учун жамиятда очиқлик ва ҳуқуқий онгни ошириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарадорлигини ошириш, жабрланувчиларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва жамоатчиликни жиноятларга қарши курашда фаол иштирок этишга жалб қилиш орқали латент жиноятларни камайтириш мумкин. Жамиятнинг барқарор ривожланиши учун қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Азамат ШЫНЫБЕКОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

“Жамоат тартиби – бу фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, корхона, муассаса, ташилотлар, жамоат ташилотларининг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун тўлиқ шароит яратишга, уларнинг шаъни, кадр-қиммати ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган, ҳуқуқий ва ижтимоий меъёрлар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланидиган ижтимоий муносабатлар тизимидир”.

Ҳуқуқшуносликда “жамоат тартиби”га яқин “жамоат жойи” ва “ҳуқуқ-тартибот” тушунчалари ҳам мавжуд.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексининг кўпгина моддаларида “жамоат жойи” тушунчасига дуч келамиз. Жумладан, жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш МЖТК (56¹-моддаси), майда безорилик (183-моддаси), диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш (184²-моддаси), совуқ қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни олиб юриш (185²-моддаси), жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш (187-моддаси), тиланчилик қилиш (188³-моддаси), байроқлар ва вимпеллардан ғайриқонуний фойдаланиш, плакатлар, эмблемалар ва рамзларни тайёрлаш, тарқатиш ёки тақиб юриш (203-моддаси), фавқулодда ҳолат тартиби шароитида жамоат тартибига тажовуз қилиш (205-моддаси), ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузиш (211-моддаси)¹ каби ҳуқуқбузарликлар ва безорилик оқибатида қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-модда, 2 қисм “е” банди), терроризм (ЖК 155-модда), оммавий тартибсизликлар (ЖК 244-модда), жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш (ЖК 244¹-модда), қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш (ЖК 278-модда) шулар жумласидандир.

Бироқ айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга жамоат жойлари рўйхатлари киритилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Алкогол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги қонуни 19-моддасида иш жойлари, кўчалар, стадионлар, хиёбонлар, истироҳат боғлари, жамоат транспортининг барча турлари, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт соғломлаштириш муассасалари, ёнгин чиқиш хавфи бўлган жойлар, шу жумладан автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари жамоат жойлари сирасига киритилган².

Аммо ушбу рўйхатларнинг доираси янада кенгайиши мумкинлиги борасида бир қанча олимлар ўзларининг фикрларини бериб ўтганлар. Жумладан, А.Худайбердиев ва Ю.Искандаровлар жамоат жойини хусусиятига кўра 4 гуруҳга бўлиш керак, деган фикрни билдиришган:

доимий жамоат жойлари – кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, соҳиллар, тегишли идоралар томонидан кеча-ю кундуз фаолият олиб боришга рухсат берилган дам олиш масканлари, жамоат транспортлари;

даврий жамоат жойлари – тегишли идоралар томонидан кунлик ва мавсумий иш вақти белгилаб берилган жойлар, яъни пляжлар, усти очик ва ёпиқ кинотеатрлар, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини териб олиш учун фуқароларнинг уюшган ҳолда тўпланидиган дала майдонлари, музейлар, кутубхоналар, клублар, барча турдаги даволаниш муассасалари (ички тартиб-қоидаларга кўра таширф вақти белгиланган, яъни беморларни кўришга келганларнинг киришига рухсат берилган вақтлар), умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари, чойхона, ресторан, бар, кафелар (кириш-чиқиш жойлари алоҳида назоратга олинганлари бундан мустасно);

бир марталик жамоат жойлари – фуқароларнинг уюшган ҳолда шаҳар ташқарисидаги очик майдонларга, тоғларга ва адирликларга сайилга чиқиш жойлари;

кўча – сутканинг ҳар қандай вақтида барча учун очик бўлган жойлар, яъни транспорт ёки пиёдалар ҳаракатланидиган йўлаклар, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, соҳиллар, кўприклар, эстакадалар, жамоат транспортлари бекатлари, пляжлар, бозорлар, истироҳат боғлари (фаолият олиб бориш вақти чегараланмаган бўлса), тор кўчалар, боши берк кўчалар, умумий ҳовлилар (хусусий ҳовлилар ҳамда эшиклари ёпиладиганлари бундан мустасно), кўп қаватли уйларнинг подъездлари (ёпиладиганлардан ташқари), ўрмон парк зоналари, ялангликлар, очик сув ҳавзаларининг қирғоқлари ва бевосита сув ҳавзалари³.

Муайян ҳуқуқбузарлик ёки жиноятларни жамоат жойида содир этилган, деб ҳисоблашимиз учун ушбу ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилган жойда жамоанинг, яъни одамларнинг мавжудлигини инобатга олишимиз лозим бўлади⁴.

Юқорида келтирилган иш жойлари, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида шахс тамаки истеъмол қилаётган вақтда одамларнинг мавжуд бўлмаслиги бевосита ўзгалар соғлиғига тажовузни ҳам келтириб чиқармайди. Бу эса ушбу қилмишни ҳуқуқбузарлик, деб топмаслигимиз учун асос бўлади.

Ш.М.Тўраев ҳам З.М.Охуновлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 56¹-моддасига қўйидаги мазмундаги: “Ҳуқуқбузарлик содир этилаётган вақтда ҳуқуқбузар ёхуд ҳуқуқбузар ҳамда жабрланувчидан ташқари икки ёки ундан ортиқ шахслар мавжуд бўлган жой жамоат жойи ҳисобланади⁵”, деб ўзгартириш киритиш таклифини беришган.

Ушбу тадқиқотчиларнинг фикрларига қўшилган ҳолда Жиноят кодексининг 8-бўлимида “Жамоат жойи” тушунчасига: “Жамоат тартибига қарши жиноят содир этилаётган вақтда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс ва жабрланувчидан ташқари икки ёки ундан ортиқ шахслар йиғилган жой жамоат жойи ҳисобланади”, деган таърифни бериш лозим.

Мазкур тушунчанинг қонунчиликда мустаҳкамланиши ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда айбсиз шахсларни жавобгарликка тортиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Жамоат тартиби – бу юридик ва бошқа ижтимоий қоидалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар бўлиб, ҳуқуқ-тартиботни ҳам “қамраб олади”. Ҳуқуқ-тартибот эса фақат амалдаги ҳуқуқий нормаларга асосланган ижтимоий муносабатлар тизимидир.

Шуни таъкидлаш керакки, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятлари ҳам узвий боғлиқ. Негаки, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олди олинса, жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шароитларини бартараф қилиш орқали жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга эришилади.

Жамоат тартибини сақлаш, одамларнинг жамоат жойларида қонунга мос ҳуқ-атворда бўлишларини таъминлаш, жамоат жойларида, аҳоли пунктларида фуқароларнинг меҳнат қилишлари ва дам олишларида тинчликни сақлашда профилактика инспекторларининг муҳим вазифаларни амалга оширади.

Хулоса сифатида айтидиган бўлсак, жамоат тартиби тушунчасида қўйидаги қисмларини ажратиб кўрсатиш зарур:

1. Жамоат тартиби мазмун-одамларнинг жамоат жойлардаги ҳуқ-атвори, ҳатти-ҳаракати ва ноҳуқуқий характердаги ҳуқуқ ва қоидалар меъёрларини бажариш ва уларга риоя қилиш натижасида йиғилиб бориладиган юриш-туришларида намоён бўладиган ижтимоий муносабатлар тизимидир;

2. Жамоат тартибини бошқариш воситалари – ноҳуқуқий характердаги (ахлоқ, урф-одатлар нормалари, ҳуқ-атвор маданият қоидалари) ҳуқуқий меъёрий қоидалардир.

Жамоат тартибини ўрнатиш ва қўллаб қувватлашдан мақсад – фуқароларнинг ҳаётини, соғлиги, виждони, қадр-қиммати, бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат осойишталигини, давлат жамоат ташкилотларининг нормал фаолият кўрсатишлари учун шарт-шароитларни таъминлашдир.

Бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг янги шакллари кўпайиши оқибатида дунё бўйича озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётганлар сони кўпаяётганлигини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида жамоат тартибига қарши жиноятларнинг криминологик жиҳатлари ва уларнинг олдини олиш тизимини ислоҳ қилиш, бундай жиноятларнинг олдини олишнинг замонавий ва янада самарали механизмни ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигидан далолат беради. Шу боис жазо чораларини кучайтириш орқали ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш эмас, балки ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Гулистан БИСЕНОВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Oxunov Z. Jamoat joylarida sodir etiladigan huquqbuzarliklar uchun javobgarlikka oid ayrim mulohazalar //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – T. 2. – №. 10 Special Issue. – S. 185-188.
2. O'zbekiston Respublikasining "Alkohol va tamaki mahsulotlarining tarqatilishi hamda iste'mol qilinishini cheklash to'g'risida"gi qonuni. Elektron manbaga murojaat: <https://lex.uz/acts/1880029> (5.01.2024).
3. Xudayberdiyev A., Iskandarov Yu. Jamoat joylarida sodir etiladigan huquqbuzarliklarining ma'muriy-huquqiy tavsifi //Innovatsionnye issledovaniya v nauke. – 2022. – T. 1. – №. 16. – S. 16-21.
4. Sh.M.To'rayev. O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi mag Jamoat joylarida sodir etiladigan huquqbuzarlik uchun ma'muriy javobgarlikning mazmun-mohiyat. central asian journal of education and innovation. Volume 2, Issue 2, Part 2 February 2023. Page 65.

АХБОРОТ ЖАМИЯТИДА КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК МУАММОСИ ВА УНИНГ ГЛОБАЛ ТАҲДИДИ

Ахборот технологиялари инсониятга улкан имкониятлар яратиш билан бирга, уларни суиистеъмол қилиш орқали содир этиладиган жиноятлар — кибержиноятчилик хавфини ҳам олиб келди. Инсоният телекоммуникация ва глобал компьютер тармоқларини ўз хизматини енгиллаштириш мақсадида ишга солар экан, бу нарсадан жиноий мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкинлигини олдиндан тўлиқ англай олмади.

Кибержиноятлар деб компьютер, интернет, маълумотлар базалари ва бошқа рақамли воситалар ёрдамида содир этиладиган жиноятларга айтилади. Бу жиноятлар нафақат алоҳида шахслар, балки бутун давлатлар ва ҳатто халқаро ташкилотлар хавфсизлигига ҳам таҳдид солиши мумкин. Жиноятчилар фақат молиявий манфаатни кўзлаган ҳолда ҳаракат қилмайди, балки ахборотни йўқ қилиш, ўзгартириш ёки тарқатиш, давлатларнинг сиёсати таъсир ўтказиш каби мақсадларда ҳам ҳаракат қилади.

Интерпол маълумотларига кўра, кибержиноятчилик – XXI асрда сайёраимиздаги энг тез ўсувчи жиноят турларидан бири ҳисобланади. Мазкур жиноятларнинг асосий кўринишларига қуйидагилар киради:

- фишинг – сохта веб-сайтлар ва электрон почталар орқали шахсий маълумотларни кўлга киритиш;
- малваре ва вируслар – зарарли дастурлар орқали маълумотларга ҳужум қилиш;
- DDoS ҳужумлар – компьютер тармоқларини ишдан чиқаришга қаратилган кенг қамровли ҳужумлар;
- маълумотларни ўғирлаш ва сотиш – шахсий ёки корпоратив маълумотларни ноқонуний равишда кўлга киритиш ва тарқатиш;
- санаот шпионажи – рақобатчи ташкилотларнинг маълумотларини ўғирлаш.

2024 йилда кибержиноятлар сони кескин ўсди. Check Point Research маълумотларига кўра, 2024 йилнинг учинчи чорагида ташкилотларга нисбатан ҳафтасига ўртача 1,876 та киберҳужум амалга оширилган бўлиб, бу 2023 йилга нисбатан 75 фоиз ўсишни кўрсатди. Бошқа ҳисоботларга кўра, 2024 йилда 9,478 та катта киберҳужум расман қайд этилган ва улар орқали 35 миллиарддан ортиқ маълумот ёзувлари ошкор бўлган.

Бу каби рақамлар нафақат ахборот хавфсизлигига, балки давлат хавфсизлиги, иқтисодийёт ва ижтимоий барқарорликка жиддий таҳдид эканини англади. Жиноятчилар кўпинча жиноий гуруҳлар ёки уюшган тарзда ҳаракат қилар экан, уларга қарши курашиш учун давлатлараро ҳамкорлик, ахборот алмашишуви ва илғор кибербошқарув тизимлари зарур бўлиб қолмоқда.

Кибержиноятчиликка қарши самарали курашиш учун қуйидаги чора-тадбирлар алоҳида аҳамият касб этади:

1. Миллий ва халқаро қонунчиликни такомиллаштириш;
2. Киберхавфсизлик инфратузилмасини ривожлантириш;
3. Фуқароларни ҳабардор қилиш ва ўқитиш;
4. Давлатлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
5. Илғор технологиялардан фойдаланиш.

Жавлонбек ОБИДОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ИФЛОСЛАГАНЛИК УЧУН ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Атмосфера ҳавоси зарарли муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик турларидан бири фуқаровий ҳуқуқий жавобгарликдир. Умуман олганда атмосфера ҳавосига етказилган зарарни қоплаш шу масала билан боғлиқ мажбурият ва битимларни тўғри амалга ошириш ҳамда қўллаш ҳоллари Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.¹

Дастлаб, атмосфера ҳавоси сунъий ифлосланишининг олдини олиш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлигига эътибор қаратсак:

Янги замонавий тозалаш қурилмаларини жорий этиш.

Ҳозирги пайтда республикаимиз миқёсида мингдан ортиқ катта-кичик саноат корхоналари мавжуд. Аммо кўпгина корхоналар тозалаш қурилмаларини (циклонлар, скрублерлар, филтрлар, адсорбентлар, катализаторлар) эскириб қолганлиги ва тўла қувват билан ишламаганлиги туфайли атмосфера ҳавосига зарарли хомашёлар чиқарилади. Масалан, кимё саноати ишлаб чиқариш корхоналаридан йилига 20-25 минг тонна олтингугурт ва азот оксидлари, 40-45 тонна углеводородлари ва 120 минг тонна углеводородлар атмосфера ҳавосига чиқарилади. Шунингдек, Олмалик ва Бекобод металлургия корхоналаридан йилига атмосфера ҳавосига 220 минг тонна ифлословчи моддалар чиқарилмоқда, унинг 90 фоизи олтингугурт оксидидир. Ҳолбуки, 1 тонна олтингугуртдан 3 тонна сульфат кислотаси ва маҳсулотлар олиниши мумкин. Мамлакатимиздаги ун комбинатлари 150 тонна ун чанглари, газ саноати корхоналари 100 млн м³ таъбий газ, пахта тозалаш корхоналари қарийб 500 тонна чанг ва калта толалар, гипс заводи эса 3000 тонна гипс чанглари атмосфера ҳавосига чиқаряпти. Агар ушбу хомашёлар ушлаб қолинса, нафақат иқтисодиёт фойда кўриши мумкин, балки атроф-муҳит мусавволигига ҳам зарар етказилмайд.

Маълумотларга қараганда, кўмир билан ишловчи корхоналар газга ўтказилса, атмосфера ҳавосига чиқариладиган азот оксиди 5 маротаба, углеводород оксиди 10 минг маротаба камаяди. Қурум чанг ва тутунлар миқдори кескин тушади.

Маълумки, атмосфера ҳавоси таркибидаги зарарли моддалар концентрациясини камайтириш воситаларидан бири — атмосферанинг юқори қатламларига баланд мўрилар орқали зарарли чиқиндиларни чиқариб ташлашдир. Мўридан чиқадиган аралашма газлар, аэрозоллар, тутунлар шамол таъсирида, турбулент диффузия ва гравитацион кучлар таъсирида ер сатҳига келиб тушади. Қувурнинг баландлиги қанча юқори бўлса, ундан чиқиб ерга тушадиган аралашмаларнинг концентрацияси шунча кам бўлади.

Тўғри, бизда келтирилган зарар учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликлар қонун билан белгиланган. Ҳамма нарсани қонун билан тақиқлашимиз мумкин ва бунинг натижасида ҳамма итоаткор бўлиб қолса қандай яхши. Агар шундай бўлганида бутун дунёда экологияга зарар келтирилмаган бўлар эди. Биз бунга миллий анъаналаримиздан келиб чиқиб ёндашсак мақсадга мувофиқ деб уйлаймиз, чунки халқимиз қадимдан ҳамма нарсанинг қадрини биладиган, табиат неъматларидан оқилона фойдаланадиган инсонлардир.

Ота-боболаримиз тарихига назар ташласак, халқимиз табиатга узоқ ўтмишдан бери меҳр билан қараган, уни асраб-авайлаш кераклигини фарзандларига ўргатиб келган. Бу миллий байрам, қадимий анъана, урф-одатларда яққол кўринади. Хусусан, Ўрта Осиё халқларининг ҳар йили нишонланадиган Наврўз байрами асрлар

давомида она Ерга ва табиатга меҳр-муҳаббат, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уни ардоқлаш туйғуларини тарбиялаган. Табиат ва инсоннинг ўзаро чамбарчас алоқасини, уларнинг бир бутунлигини ифодаловчи бу байрам деҳқончилик байрамигина эмас, балки том маънода экологик байрам ҳамдир.

Одамларнинг табиатга, айниқса, унинг ёрқин ташқи ифодаси бўлмиш ўсимлик оламига бўлган муносабати ва меҳрини белгилловчи табиат байрамларидан яна “Гул байрами” ва “Лола байрами”ни кўрсатиб ўтиш мумкин. Халқнинг соф экологик мазмунга эга тарихий удумларидан яна бири “таганак”дир. Бу удумга кўра, тоғ ва тоғ этагида яшовчи кишилар эрта баҳорда йиғилишиб шод хуррамлик билан ўзоқ йўлга отланадилар ва тоғу тошдаги булоқлар кўзини очиб, жилғалар йўлини шох-шаббалардан, лойқадан тозаладилар, дарахтларнинг қуриган шохларини кесадилар.

Инсонларни табиатни муҳофаза қилишга даъват қилувчи соф экологик мазмун касб этувчи яна бир манба халқимизнинг муштақам диний эътиқоди ва тарихан шаклланган миллий тарбия асосларидир. Бунга мазмуни жуда кенг “увол” тушунчаси яққол мисол. Ҳар қандай моддий неъматдан исрофгарчилик билан фойдаланиш, табиат ресурслари — ер ости бойликларидан, сув, ер, ўсимлик ва ҳайвонларни нест-нобуд қилиш увол ва гуноҳ ҳисобланиб келинган. Бинобарин, “увол” тор маънода нон, сув, туз, ўтдан тежаб-тергаб фойдаланишни ифода этса, кенг маънода бутун табиат бойликларидан, ноз-неъматларидан оқилона фойдаланишни акс эттиради. Чунончи, сувни исроф қилиш, мева-дарахтларни кесиш, ёввойи ҳайвонларни эҳтиётсиз нобуд қилиш кабилар ҳам уволдир².

Польша, Венгрия, Словакия, Чехия каби Марказий ва Шарқий Европадаги давлатларда ҳам атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунчилик яхши ривожланган. Баъзи мамлакатлар, масалан, Малайзия, Янги Зеландия, Филиппинда эса атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қонунлар мажмуи, яъни экологик кодекслар қабул қилинган бўлиб, уларда атроф-муҳит муҳофазасини ҳар томонлама мувофиқлаштиришда жамоатчиликнинг иштироки назарда тутилган³. Биз, ушбу соҳада қонунларимизни янада такомиллаштирсак яъни барча экологияга оид қонунларимизни бирлаштириб Ўзбекистон Республикасида ҳам “Экология кодекси” қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Унга атроф-муҳит, экология билан боғлиқ барча нормалар киритилиб, зарур бўлса келтирилган жавобгарлик асосларини ҳам, экологик назорат ва бошқа шунга тааллуқли нормаларни ҳам жамлаш лозим. Бу кодекснинг қабул қилиниши атроф-муҳитни, экологияни асрашимизга ва унга келтирилаётган зарарларнинг олдини олишга хизмат қилган бўлар эди.

Гулрано АБИНИЯЗОВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Тошкент-2024 йил.
2. Ж.Холмўминов. Экология ва қонун. Тошкент “Адолат”-2000 й 30-бет.
3. И.Соатов. Экологик назорат ва унинг ҳуқуқий асослари фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини оширишга хизмат қилади. Соғлиқни сақлаш газетаси. 2013 йил 9 август.



ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШНИНГ ЎРНИ

Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашда фуқаролик ҳуқуқининг тартибга солиш функцияси ҳам алоҳида ўрин тутади. Чунки тартибга солиш функцияси ижтимоий муносабатни вужудга келиши, унинг мазмуни ва субъектлари ҳолатини аниқлаш, ижтимоий муносабатни амалга ошириш ва иштирокчилар ҳуқуқларини кафолатлашни ифодалайди. Шу сабабли бошқа ҳуқуқ соҳалари томонидан амалга оширилаётган ҳуқуқий тартибга солишдан фарқли равишда фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш функциясида асосий ва бош омил давлат томонидан қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва ҳуқуқий қоидаларни ўрнатиш эмас, балки тарафларга ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилашда диспозитивлик ва шартномалар тузишда эркинлик ҳисобланади.

Масалан, истеъмолчи ҳуқуқлари бузилганда қатъий ва императив тарзда фақат етказилган зарарни қоплаш талаби белгиланмайди, балки истеъмолчининг хоҳишидан келиб чиқиб, унинг ҳуқуқларини тиклашнинг бир нечта варианты таклиф этилади. Истеъмолчи ўз хоҳишидан келиб чиқиб, бузилган ҳуқуқини тиклашни қонунчиликда таклиф этилган бир нечта вариантлардан бирини ёки биргаликда бузилган ҳуқуқнинг даражасига мутаносиб равишдагисини танлашга ҳақли бўлади. Хусусан, ФКнинг 434-моддасида истеъмолчи сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида унинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун бешта вариант (усул, йўл) таклиф этилади ва сотиб олувчи-истеъмолчи улардан ўзи истаганини танлаши мумкин.

Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда муҳим бўлган жиҳатлардан яна бири истеъмолчи сифатида бевосита ишлаб чиқарувчи, сотувчи, пудрат ёки ижрочи билан ҳуқуқий муносабатга киришган ёки киришмаганидан қатъий назар, фуқаронинг товар, иш ёки хизматнинг нуқсони оқибатида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлилиги саналади. Масалан, фуқаро дўстининг туғилган кунига меҳмонга бориб, дўкондан сотиб олинган мевадан истеъмол қилиши оқибатида захарланди ва бу ҳолатда унга етказилган зарар учун сотувчи жавобгар саналади. Мазкур вазиятда захарланган фуқаро истеъмолчи мақомида бўлади ва унга етказилган зарар учун жавобгарлик истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик доирасида белгиланади. Бошқача айтганда, бу вазиятда фуқаро товарни ҳақиқатда тегишли дўкондан шахсан ўзи харид қилгани исботланиши шарт эмас, балки товарни шу дўкондан олинганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши кифоя қилади. Ушбу масалада хорижий мамлакатлар қонунчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, жабрланувчи шахс товарнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарарни қоплаш тўғрисида даъво қўзғатганида Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ, у ҳавола қилаётган манбани кўрсатишга мажбур ҳисобланмайди. Англияда эса даъвогар ўз ҳуқуқини бузиш асосини яъни, шартномани бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳолатини кўрсатиб бериши зарур. Ўзбекистон ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам истеъмолчи томонидан ўзига етказилган зарарни қоплаш даъволари сони ортиб бормоқда. Масалан, 2020 йилда истеъмолчиларнинг 21 минг 427 та мурожаатлари кўриб чиқилиб, ушбу мурожаатлар асосида ўтказилган ўрганишларда 4 млн.дан ортиқ истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари тикланган ва истеъмолчиларга 54,7 млрд. сўм миқдоридаги зарарни қайтариш юзасидан қарорлар қабул қилинган.

Мавзу бўйича яна бир мисолни келтириб ўтаёмиз: юк машинасида ички камчилар оқибатида ёнғин чиқди ва натижада юк машинасининг ўзи ёниб кетди ҳамда ҳайдовчининг соғлиғига шикаст етказди ва юк машинасида бўлган товарлар нобуд бўлиши оқибатида мулкий зарар ҳам юзага келди. Бу ҳолатда тадбиркор сотувчига нисбатан шартнома шартини бузиш ва умумий ҳуқуқ бўйича даъво қўзғатишга ҳақлидир. Юк машинаси ҳайдовчиси эса истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка кўра ишлаб чиқарувчига нисбатан даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, у ўзининг соғлиғига етказилган зарар ва маънавий зиённи қоплашни талаб қилишга ҳам ҳақлидир. Тадбиркор эса, ёниб кетган товар ва юк машинасининг қийматини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш бир вақтнинг ўзида компенсаторлик ва бузилган ҳуқуқни тиклаш функциясини бажаради. Ҳуқуқнинг компенсаторлик функцияси айти пайтда бузилган ҳуқуқни тиклашга хизмат қилади.

Бироқ бу ҳамма ҳолатларда ҳам тўлиқ намоён бўлмаслиги мумкин. Масалан, истеъмолчи сифатсиз хизмат кўрсатилиши оқибатида унга етказилган маънавий зиённи қоплаш ҳуқуқни тиклаш функциясидан кўра кўпроқ компенсаторлик вазифасини бажаради. Чунки, истеъмолчининг руҳий изтироблари ва маънавий азоблари кўринишида намоён бўладиган маънавий зиённи қоплаш бузилган шахсий-номулкий ҳуқуқни тиклаш воситаси бўлиши мумкин эмас, балки жабрланувчи учун муайян маънода юпанч вазифасини ўтовчи восита сифатида компенсаторлик функциясини амалга оширади. Бу ҳолатни ФКда зарар тушунчасига берилган таърифдан ҳам англаб олиш мумкин. Жумладан, ФКнинг 14-моддаси иккинчи қисмига кўра, зарар қилинган бузилган ҳуқуқни тиклаш харажатлари ва бой берилган фойда сифатида белгиланган.

Мазкур таърифдан англашиладики, зарарни қоплаш, аввало, бузилган ҳуқуқни тиклаш функциясини бажаради ва айти пайтда бу функция орқали зарарни қоплашга нисбатан ҳам компенсаторлик функцияси бажарувчи усул сифатида аҳамиятга эга бўлади. Яъни, зарарни қоплаш бузилган ҳуқуқни тиклаш орқали жабрланувчининг мулкий ҳолати бузилишидан олдинги ҳолатга қайтади, бунинг учун эса, зарар етказувчи тегишли тўловларни амалга оширадики, бу айти пайтда компенсаторликдир. Маънавий зиённи қоплашда мазкур конструкциядаги биринчи элемент, яъни бузилган ҳуқуқни тиклаш намоён бўлмайди.

Таъкидлаш лозимки, истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш талаби қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши ҳамда истеъмолчи ҳуқуқлари бузилиши мутаносиб бўлмоғи зарур. Бу, ўз навбатида, “ноинсоф истеъмолчилик” аънаёни шаклланишининг олдини олишга ва ҳуқуқни суиистеъмол қилишга йўл қўймайди. Шу сабабли истеъмолчининг ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш доираси тегишли тартибда унинг ўз талаблари миқдорини асослаб бера олиши билан боғлиқдир.

Истеъмолчи ўзининг истеъмолчилик ҳуқуқини амалга оширар экан, авваламбор, бу ҳуқуқларни амалга ошириш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар ва талабларга риоя этиши керак бўлади. ФКнинг 9-моддасига мувофиқ, истеъмолчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслиги ва уларнинг манфаатларига путур етказмаслиги лозим.

ФКнинг мазкур нормаси асосида шундай хулосага келиш мумкинки, гарчи истеъмолчи манфаатлари устувор саналса-да, “истеъмолчи доимо ҳақ” қондаси мавжуд бўлса-да, истеъмолчи ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатнинг бошқа субъектлари қатори умуммажбурий талабларга риоя этиши ва ўзи иштирок этаётган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг иккинчи тарафи – ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва ижрочининг шартномада белгиланган ёки қонун ҳужжатларида ифодаланган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги талаб этилади. Бунда истеъмолчи қонун ҳужжатларида унга берилган имтиёзлардан нотўғри фойдаланмаслик талаби қўйилади. Масалан, барча учун бир хил шартлар асосида тузиш таклиф этилаётган шартномани истеъмолчи ўзи учун алоҳида имтиёзларни киритиб тузишни талаб этиши истеъмолчининг ўз ҳуқуқларини амалга оширишга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этмаслиги ҳисобланади ва бундай талабни сотувчи ёки ижрочи бажармасликка ҳақли.

Рашид СОПОЕВ,

Судьялар олий мақтаби тингловчиси.

ТРАНСПОРТ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Шарқий Европа ва Болтиқбўйи мамлакатларида ҳаракат ва транспорт воситалари хавфсизлиги билан боғлиқ барча ҳуқуқбузарликларнинг асосини биринчи навбатда турли хил транспорт воситаларини бошқариш хавфсизлигига таъсир кўрсатадиган хатти-ҳаракатлар ташкил этади. Аксарият жиноятларда марказий фигура транспорт воситасини бошқарувчи шахс (ҳайдовчи) ёки тегишли ташиш вазифасини бажарувчи шахс ҳисобланади. Жиноят қонунларида, одатда, ҳаракат иштирокчилари, масалан, пиёдалар, йўловчилар, велосипедчилар ёки извошчилар ҳақида ҳеч қандай эслатма йўқ.

Литва ЖКнинг 282-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби қизиқиш уйғотади, унинг субъекти транспорт воситасини бошқармаган, лекин ЙТХни бузган шахс ҳисобланади. Бунда бошқа шахснинг соғлиғига оғир шикаст етказилиши ёки унинг ўлими таркибнинг мажбурий элементи ҳисобланади. Бунда айбнинг шакли ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизликдан бўлиши мумкин (Литва ЖК 282-моддаси иккинчи қисми). Демак, айтиш мумкинки, Литва Республикаси қонун чиқарувчиси йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг алоҳида аҳамиятини ва барча йўл ҳаракати иштирокчилари томонидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини талаб қилади.

Эстония Жиноят-ижроия кодексида транспорт жиноятлари алоҳида боб ёки бўлим сифатида ажратилмаган. Ушбу жиноий ҳаракатларнинг таркиби 11-боб “Жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар”га киритилган. Жиноят-ижроия кодекси йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун, шу жумладан механик транспорт воситасини бошқармайдиган шахс учун ҳам жавобгарликни назарда тутди (Эстония Жиноят-ижроия кодексининг 205-моддаси). Умуман олганда, ушбу жиноят таркиби шундай таърифланганки, уни содир этганлик учун жавобгарлик ҳаракатнинг ҳар қандай иштирокчиси учун ЙХҚ ва транспортдан фойдаланиш соҳасидаги ҳар қандай ҳуқуқбузарлик учун юзага келади, яъни шахслар доираси белгиланмаган, дейиш мумкин. Бироқ, субъектларда истиснолар мавжуд: улар Эстония Жиноят-ижроия кодексининг 83, 84, 204 ва 205.1-моддалари бўйича жавобгарликка тортиладиган шахслар бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари, ушбу жиноий қилмишнинг таркиби моддий: жабрланувчи учун оғир ёки ўта оғир оқибатлар келиб чиқиши зарур.

Норвегия Қироллиги Жиноят кодексида йўл ҳаракати хавфсизлиги ва транспорт воситаларидан фойдаланиш соҳасидаги турли ҳуқуқбузарликлар учун жазони назарда тутувчи кўплаб моддалар мавжуд. Бироқ уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон жиноят қонунчилигига нотаниш ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноят деб тан олинган ҳуқуқбузарликлар билан солиштириб бўлмайди. Чунончи, Норвегия Жиноят кодексининг 238-моддасига мувофиқ, эҳтиётсизлик натижасида транспорт воситаси ёки бошқа ҳар қандай курул билан бошқа шахсга тан жароҳати ёки зарар етказган ҳар қандай шахс жаримага тортилиши ёки 3 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Агар шахс 238-моддада назарда тутилган тартибда бошқа шахсни тасодифан ўлдирса, бундай шахс 3 йилгача озодликдан маҳрум этилади ва оғирлаштирувчи ҳолатларда 6 йилгача

озодликдан маҳрум этилади (Норвегия Жиноят кодексининг 239-моддаси).

Шу тариқа, йўл ҳаракати хавфсизлигининг муайян қоидаларини бузган ҳар қандай йўл ҳаракати иштирокчиси Норвегия Жиноят кодексининг 22-боби “Ҳаёт ва соғлиққа қарши жиноятлар” нормаларига мувофиқ квалификация қилинади ва инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши эҳтиётсизлик билан содир этилган жиноятлар учун жавобгар бўлади.

Транспорт жиноятлари учун жавобгарлик миллий анъаналар ва миллий ҳуқуқий тизимнинг ўзига хос хусусиятларига асосланади. Европанинг аксарият мамлакатларида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи жиноят қонунчилиги инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш стандартларининг таркибий қисми сифатида кўриб чиқилади.

Бошқача айтганда, чет эл қонун чиқарувчиси йўл ҳаракати хавфсизлиги ва транспорт воситаларидан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш учун жиноят қонунчилигида алоҳида бобларни (бўлимларни) ажратиш ва шакллантириш зарур, деб ҳисобламайди.

Маълумки, миллий жиноят қонунчилиги ушбу позицияни қўллаб-қувватламайди ва жиноятнинг асосий объектини “ҳаёт ва соғлиқ” эмас, балки “йўл ҳаракати хавфсизлиги ва транспортдан фойдаланиш” деб белгилайди. Қонунчилик даражасида бу позиция Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 18-бобида акс эттирилган.

Хитой Халқ Республикаси (ХХР) жиноят қонунчилигида йўл ҳаракати хавфсизлиги ва транспорт воситаларидан фойдаланишга қарши жиноятлар учун Жиноят кодексининг жамоат хавфсизлигига қарши махсус бўлимининг ўрта моддасига мувофиқ жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Шунингдек, йўловчилар, пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг амалдаги йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарлиги алоҳида тартибга солинмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Шарқий Европа, Болтиқбўйи, Скандинавия давлатлари ва Хитой жиноят қонунчилиги ҳаракат хавфсизлиги ва транспорт инфратузилмаларининг нормал ишлашини етарли даражада ҳуқуқий тартибга солишни назарда тутди. Транспортнинг барча турлари ва юқори хавф туғдирадиган автомобиль транспортининг аксарият қисми фаол ривожланаётганини ҳисобга олган ҳолда, келажакда йўл ҳаракати хавфсизлигининг стандартлари, йўл ҳаракатида қўлланиладиган қоидалар ва тартибларни доимий такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Жалолиддин МУХАММЕДОВ,
Судьялар олий мактаби тингловчиси.

СУД МУЗОКАРАСИ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ БОСҚИЧИ СИФАТИДА: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Суд музокараси ЖПКнинг 20-моддасига мувофиқ, тарафларнинг суд мажлисидаги музокара нутқларидир. Музокара нутқлари эса, баҳслашаётган тарафларнинг процессуал манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган характерни ўзида мужассамлаштирган нутқдан иборат. Шу сабабли баҳслашаётган тарафларнинг нутқларида ўзаро тортишув намоён бўлади. Албатта тарафларнинг ҳаракатларини судда раислик қилувчи тартибга солиб туради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 449-моддасига асосан, суд тергови тамомланганидан сўнг суд тарафларнинг музокарасини эшитишга ўтади. Музокара давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг нутқлари билан бошланади, сўнгра жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари, ҳимоячи ва жамоат ҳимоячиси, судланувчи, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили сўзга чиқади.

Апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияси судларида тарафлар музокаралари бироз ўзгача яъни, ЖПКнинг 497¹⁸, 509⁷-521³ моддалари мувофиқ шикоят (протест) берган шахс биринчи бўлиб сўзга чиқади.

Олий суд Пленумининг 2022 йил 14 майдаги “Жиноят ишларини биринчи инстанция судида муҳокама қилиш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 22-бандида “ЖПК 449-моддасига мувофиқ, тарафлар музокараси давлат ва жамоат айбловчиси нутқи билан бошланади. Сўнгра жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари, ҳимоячи ва жамоат ҳимоячиси, судланувчи, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили сўзга чиқади, музокаралар тугагандан сўнг тарафлар ЖПК 457-моддаси биринчи қисмининг 1-6-бандларида назарда тутилган масалалар юзасидан ўзлари таклиф этган қарор мазмунини судга ёзма тарзда тақдим этишлари мумкин. Давлат айбловчиси ва ҳимоячи музокаралар тугагандан сўнг суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунга қадар судга ўзларининг ёзма таклифини беришга мажбурлиги белгиланган.

Давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг, шунингдек ҳимоячи ва жамоат ҳимоячисининг сўзга чиқиш навбатини суд уларнинг таклифларини инobatта олган ҳолда белгилайди. Суд музокараси пайтида тарафлар ўзларининг нутқларида суд терговиди кўриб чиқилмаган далилларни келтиришга ҳақли эмас. Агар текшириш учун судга янги далилларни тақдим этиш лозим бўлса, тарафлар суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда раислик қилувчи суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

Олий суд Пленумининг 2022 йил 14 майдаги “Жиноят ишларини биринчи инстанция судида муҳокама қилиш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 23-бандида тарафлар, музокара иштирокчилари ўз сўзларида, судланувчи эса охириги сўзида иш учун муҳим аҳамиятга молик янги ҳолатлар тўғрисида хабар берсалар суд суд терговини ЖПК 452-моддаси талабларига мувофиқ янгидан бошлаб судланувчини ушбу ҳолатлар тўғрисида батафсил сўроқ қилиши ҳамда уларни процессуал қонуннинг суд терговига оид талабларига риоя этган ҳолда синчковлик билан текшириши лозимлиги белгиланган.

Бундан ташқари, музокара пайтида давлат айбловчиси суд терговининг якунларини инobatта олиб ўз нутқида судланувчининг айблилиги ёки айбли эмаслиги тўғрисидаги хулосасини асослантириши лозим. Давлат айбловчиси судланувчи айбли деган хулосага келганда, унга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган жазо тури ва меъёри ҳақида судга ўз фикрини баён қилади.

ЖПКнинг 449-моддаси 5-бандига асосан, тарафлар музокара нутқларини сўзлаб бўлганларидан кейин, улардан ҳар бири бошқа

тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан эътирозлар ёки мулоҳазалар билан яна бир мартадан сўзга чиқишлари мумкин. Сўнгги эътироз билдириш ҳуқуқи ҳамиша ҳимоячи ва судланувчига берилади. Бундан кўрииб турибдики, тарафлар икки мартадан сўзга чиқишлари мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 451-моддасига мувофиқ, тарафларнинг музокараси тамом бўлганидан кейин раислик қилувчи судланувчига охириги сўзни беради. Судланувчининг охириги сўзи вақтида унга ҳеч қандай савол беришга йўл қўйилмайди. Суд судланувчининг охириги сўзини муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин эмас, лекин раислик қилувчи судланувчининг сўзини, у ишга мутлақо алоқаси йўқ ҳолатларни баён қила бошлаган ҳолларда тўхтатишга ҳақлидир.

Жаҳон амалиётида умумэътироф этилган суд мустақиллиги принципларига кўра, судья ўз фаолиятида одиллик ва бетарафликни таъминлаш орқали жамиятнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаши лозим, музокара давомида иш бўйича барча далилларни ҳолисона кўриб чиқиши шарт.

Белорусь Республикасида суд музокаралари Жиноят-процессуал кодекси асосида олиб борилади, тарафлар музокараси ва судланувчининг охириги сўзи 37-бобда жойлашган бўлиб, 4 та моддадан иборат, унда суд тергови тугагандан сўнг, суд тарафлар музокарасига ўтади. Музокара давлат прокурорлари ва хусусий прокурорлар, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари, ҳимоячи, судланувчи, судланувчининг қонуний вакилининг нутқларидан иборат бўлади. Суд мунозараси иштирокчиларининг чиқишлари кетма-кетлиги суд томонидан уларнинг таклифларига биноан белгиланади, аммо барча ҳолатларда биринчи бўлиб давлат ёки хусусий прокурор ўз нутқларини баён қилади¹.

Қозғогистон Республикасида суд музокаралари Жиноят-процессуал кодекси асосида олиб борилади, унда прокурор, жабрланувчи ёки унинг вакилининг нутқларидан, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари, судланувчи ва адвокат иштирокидан иборат.

Агар давлат айбловини бир нечта давлат айбловчилари қўлаб-қувватласа шунингдек, бир нечта жабрланувчилар, ҳимоячилар, фуқаровий жавобгарлар ва уларнинг вакиллари, фуқаровий даъвогарлар ва уларнинг вакиллари, судланувчилар иштирок этса, раислик қилувчи уларга ўз баёнотларининг кетма-кетлигини мувофиқлаштириш учун вақт беради. Мобода зарур бўлса, суд мажлисида танаффус эълон қилиниши мумкин. Агар ушбу шахслар мунозарадаги нутқларининг тартибига рози бўлмасалар, суд уларнинг фикрларини эшитгандан кейин нутқларни ўтказиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилади².

Тўлқин ЭШОНҚУЛОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь. – Минск: Амал-фев, 2002. – с. 284.
2. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. – Алматы: 1998. – с. 294.

МАЪНАВИЙ ЗАРАРНИ УНДИРИШГА ОИД ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим институтларидан бири маънавий зарар институтидир. Шу муносабат билан Фуқаролик кодексига ушбу институт ҳақидаги асосий қоидалар, шу жумладан, “маънавий зарар” тушунчасининг айрим жиҳатлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Умумий қоидага кўра, агар фуқарога унинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузадиган ёки фуқарога тегишли бўлган номоддий неъматларга тажовуз қиладиган ҳаракатлар, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда маънавий зарар (жисмоний ёки маънавий азоблар) етказилган бўлса, суд зарар етказувчига кўрсатилган зарарни пуллик компенсация қилиш мажбуриятини юклати мумкин. Ушбу ҳолатдан маълум бўладики, маънавий зарар деганда инсоннинг жисмоний ёки маънавий азоблари тушунилади, улар унинг шахсий-номулкий ҳуқуқларини бузди ёки фуқарога тегишли бўлган номоддий неъматларга тажовуз қилади.

Ҳозирги вақтда номоддий неъматларни суд орқали ҳимоя қилишнинг асосий усули маънавий зарарни компенсация қилишдир. Аммо юридик адабиётда маънавий зарар тушунчаси бўйича фикрлар бирлиги йўқ. РФ ФҚда маънавий зарар деганда шахсий-номулкий ҳуқуқларни бузадиган ёки фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматларга тажовуз қиладиган ҳаракатлар, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда келиб чиқадиган жисмоний ва маънавий азоблар тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарориди маънавий зарар деганда фуқарога туғилишидан ёки қонун кучи билан тегишли бўлган номоддий неъматларга (ҳаёт, соғлиқ, шахсий қадр-қиммат, ишбилармонлик обрўси, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сир ва ҳ.к.) тажовуз қиладиган ёки унинг шахсий номулкий ҳуқуқларини (ўз исмидан фойдаланиш ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларга мувофиқ бошқа номулкий ҳуқуқлар) бузадиган ёхуд фуқаронинг мулкӣ ҳуқуқларини бузадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли келтирилган маънавий ёки жисмоний азоблар тушунилади.

Фуқаролик ҳуқуқиди жавобгарлик келиб чиқиш учун тўртта асос бўлиши келтирилади. Айнан шу тўрт асос маънавий зиён компенсацияси учун жавобгарлик келиб чиқиши учун ҳам қўлланади, уларга кўра:

- 1) жабрланувчи маънавий озорларни ўз бошидан кечириши;
- 2) айбдорнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги);
- 3) келиб чиққан маънавий зиён ва қонунга хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) ўртасида сабабий боғланишининг мавжудлиги;
- 4) ҳуқуқбузар айбининг мавжудлиги.

Юридик фанда қонунга хилофлилик фуқарога тегишли муайян ҳуқуқ ёки номоддий неъматларга тажовуз қилинишида намоён бўлиши маълум. Булар ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланади. Ҳаракатни қонунга хилоф деб ҳисоблаш учун ҳуқуқбузар қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжат билан аниқ тақиқланган ҳаракатларни амалга ошириши керак. Ҳаракатсизликда эса айбдор ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаслигида намоён бўлади. Айбдорнинг қонунга хилоф ҳаракати (ҳаракатсизлиги) деганда, маънавий зиён ноқонуний хатти-ҳаракатлар, яъни ҳуқуқнинг муайян норма-

ларини (жиноий, фуқаролик, маъмурий ва ҳ.к.) бузиш оқибатида келиб чиқишини назарда тутиш лозим.

Ҳуқуққа хилоф ҳуқ-атвор (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) юридик жавобгарликнинг объектив томондан ифодаловчи жиҳати ҳисобланади. Бундай ҳуқ-атвор юридик факт сифатида муайян ҳуқуқий оқибатни вужудга келтиради. Масалан, фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зиён (ҳуқуққа хилоф ҳуқ-атвор натижасида) етказилганда, жабрланувчида муайян ҳуқуқлар (зиённи талаб қилиш ҳуқуқи ва ҳ.к.)ни вужудга келишига сабаб бўлса, зиён етказувчида ушбу ҳуқуққа қарама-қарши равишда мажбурият вужудга келади.

Маънавий зиённи компенсациялашга асос бўлувчи ҳолатлардан энг асосийси ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган шахснинг айби мавжудлигидир.

Зиён етказган шахснинг айби масаласини ҳам одатда ҳуқуқшуносликда қўлланиладиган кишининг ўз хатти-ҳаракатига нисбатан руҳий муносабат сифатида талқин этиш мумкин. Албатта, юридик адабиётларда айб тушунчаси ва унинг талқини борасида кўплаб фикрлар билдирилган. Бунда айб масаласини аниқлаш бевосита шахс хатти-ҳаракатларига баҳо бериш орқали эмас, балки унинг ўз айбсизлигини исботловчи далилларни тақдим этиши билан белгиланади. Негаки, фуқаролик ҳуқуқиди айблилик презумпцияси амал қилади. Мутахассисларнинг фикрича, бу ҳолат Фуқаролик кодексининг 985-моддасидан англашилади. Мазкур нормада деликт жавобгарлигининг шартӣ ҳисобланган айб билан боғлиқ қуйидаги икки масала ўз ечимини топган:

- деликт жавобгарлигининг шартларидан бири зарар етказувчининг айби ҳисобланади;

- зарар етказувчининг айби тахмин қилинади, яъни қонун унинг айбдорлиги презумпциясини белгилайди ва жабрланувчини зарар етказувчи айбини исботлашдан озод қилади.

Маънавий зиён компенсациясини талаб қилганда, зиён етказган шахс ўзининг айбсиз эканлигини исботлаши лозим бўлади. Бунда жабрланувчи ўзига маънавий зиён, яъни етказилган жисмоний ва руҳий азоблар мавжудлигини асословчи далилларни тақдим этиши талаб этилса, зиён етказувчи ўзининг айбсиз эканлигини исботловчи далилларни тақдим этиши зарур ҳисобланади. Зиён етказувчининг айбсиз эканлиги фақат унинг ўзи томонидан исботлансагина суд маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги даъвони қаноатлантиришни рад этиши мумкин.

Умида МАРДИЕВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. I қисм. Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонкулов: Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. - 534-б.
2. Бобоев Ҳ.Б. ва бошқалар. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. -Т.: 2000. -346 б.
3. Имомов Н., Эгамбердиева Н., Ашурова Н. Зарар етказишдан келиб чиқадиган (деликт) мажбуриятлар. Ўқув қўланма. - Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2012. 38-б.



КАФОЛАТ – МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛИ СИФАТИДА

Фуқаролик кодексининг 299-моддасида банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахснинг (принципал)нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият бериши кафолат ҳисобланиши тўғрисида тушунча берилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012 йил 24 мартдаги 10/1-сонли қарори билан тасдиқланган (Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 15 майда 2364-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) "Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисида"ги Низомда, кафолат бериш қатъий ҳисобда турувчи бланкда расмийлаштирилиши, кафолат бериш ҳақида қарор қабул қилинганидан сўнг кафил (банк) принципал ва унинг бенефициари ўртасида уч томонлама кафиллик шартномаси тузилиши белгиланган. Бундан ташқари, ушбу Низом кафолат беришда принципал томонидан молиявий ва иқтисодий барқарорлигини тасдиқловчи ҳисоботлар, кафолат бўйича мажбуриятларни таъминловчи мол-мулк гарови ва шу каби ҳужжатлар тақдим этилиши белгиланган. Банк кафолати бериш билан боғлиқ тижорат банкларининг фаолиятида уларнинг мустақиллигини таъминлаш учун юқоридаги Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқарувининг 2022 йил 23 августдаги 19/13-сонли қарори билан бекор қилинган.

Натижада, ҳар бир банк кафолатга оид шартларни мустақил белгиласи мумкин.

Шу ўринда банкларнинг кафолат учун қўйилаётган шартлари билан танишадиган бўлсак уларда турли хилликни кўришимиз мумкин.

Хусусан, Туронбанкнинг расмий вебсайтида кафолатга оид шартлар, тақдим этиладиган ҳужжатлар доираси, жумладан молиявий ҳисоботларнинг кўрсаткичларига оид тўлиқроқ ва батафсилроқ маълумотлар берилганлигига гувоҳ бўламиз. Мазкур банкда принципалнинг қуйидаги мажбуриятлари учун банк кафолати тақдим этилиши мумкинлиги қайд этилган:

- шартнома шартларини бажариш кафолати;
- тендер савдоларида қатнашиш учун кафолат;
- божхона тўловларини кафолатлаш;
- миқознинг хорижий кредит линиялари олдидаги мажбуриятини таъминлаш;

- аванс (бўнак) тўловларини амалга ошириш.

Шунингдек, кафолат беришда принципал ижобий кредит тарихга эга бўлиши, охириги молиявий ҳисоботлар кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичи 3-синфдан паст бўлмаслиги, сўнгги ҳисобот даврини зарар билан якунламаганлиги, охириги 12 ой давомида ушбу банкда асосий ҳисобрақамга эга бўлиши, кредиторлик қарзларнинг мавжуд бўлмаслиги каби иқтисодий барқарорлик ҳолати ҳисобга олиниши назарда тутилган.

Шу каби шартлар Ипотекабанк томонидан ҳам белгиланган.

Масаланинг ўзига хос жиҳати шундаки, кафолат аслида ҳуқуқий табиатига кўра мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш воситаси, усули сифатида эътироф этилсада, банклар кафолат беришда ҳам принципалдан таъминот талаб этмоқдалар.

Хусусан, таъминот учун ликвидли мол-мулк (ёки қимматли қўғозлар ва пул мажбуриятлари) гарови, принципалнинг кафолат бўйича мажбуриятини бажармаслиқ хатарини суғурта қилганлиги тўғрисидаги суғурта полиси тақдим этилиши кўрсатилган.

Ушбу талаблардан ташқари, Ипотекабанк томонидан яна ўнга яқин турли ҳужжатлар ҳам тақдим этилиши кўзда тутилган.

Кафолат бўйича шартнома тузилиши ҳақида аниқ шартлар Ипотекабанкнинг вебсайтида белгиланган.

Бошқа банкларда бу ҳақда маълумотлар мавжуд эмас.

Бундай ноаниқликлар, банклар томонидан қўлланилаётган турли амалиётлар тадбиркорлик субъектларининг банк кафолатидан фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада қийинлаштиради, банк ва принципал ўртасида иқтисодий низоларни вужудга келтиради.

Бундай кафолат беришдаги муаммолар ва уларнинг сабабларини шартли равишда қуйидаги 2-гuruhга ажратиш мумкин:

1) қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар, ягона тартиб ва қоидаларнинг белгиланмаганлиги, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ назарда тутилмаганлиги;

2) принципалнинг иқтисодий ва молиявий имкониятлари, ижобий кредит тарихи, таъминотнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги.

Муаммонинг ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил қилинганда, кафолатга оид қоидалар фақатгина Фуқаролик кодексининг бир неча моддаларида белгилангани, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмаслиги кўзга ташланади. Юқорида қайд этилган Низом ҳам ўз кучини йўқотган.

Гарчанд, Фуқаролик кодексидида кафолатга оид бир қанча нормалар белгиланган бўлсада, қоидалар умумий бўлиб банк, принципал ва бенефициар ўртасидаги муносабатларни тўлиқ тартибга солмайди. Жумладан, Фуқаролик кодексидида банк принципалнинг айнан қандай мажбуриятлари юзасидан кафолат бериши мумкинлиги, бунда келишувлар ва шартлар қай шаклда расмийлаштирилиши, келишувдаги томонларнинг мажбуриятлари нималардан иборат бўлиши ҳақида аниқ тартиблар назарда тутилмаган.

Фикримизча, тадбиркорлик субъектларининг банк кафолатидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун, биринчи навбатда кафолатга оид Фуқаролик кодексидида назарда тутилган нормаларни такомиллаштириш керак.

Хусусан, кафолат бўйича аниқ шартлар, шартнома тузилиши ва унда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида қоидаларни белгилаш, банкларга тақдим этиладиган ҳужжатлар доирасини соддалаштириш ва электрон шаклга ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Моҳинабону ХЎЖАМБЕРДИЕВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. -Т.: "Адолат", 2018й.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012 йил 24 мартдаги 10/1-сонли қарори билан тасдиқланган "Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисида"ги Низом//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й, 20 (520)-сон., 223 -модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 23 августдаги 19/13-сонли қарори//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.09.2022 й., 10/22/2364-6/0826-сон.
4. <https://www.turonbank.uz/uz/corporate/crediting/bank-guarantee/>
5. <https://www.ipotekabank.uz/uz/business/bank-guarantees/>
6. <https://www.mkbank.uz/uz/corporate/guarantee/>

ПОВЫШЕНИЕ ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ В СЕМЬЕ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР СНИЖЕНИЯ ПРАВОНАРУШЕНИЙ СОВЕРШАЕМЫХ ЖЕНЩИНАМИ

АННОТАЦИЯ: в данной статье рассматриваются понятия правовой осведомлённости и правовой культуры, дальнейшего повышения правовой осведомлённости и культуры в семье, посредством чего создаются предпосылки к снижению социального воздействия женской преступности на семью, дальнейшее укрепление значения правовой осведомлённости и правовой культуры в семье, как залог снижения количества совершаемых преступлений в отношении несовершеннолетних. Выработаны предложения и представлены выводы, направленные на их правовое решение.

Ключевые слова: правовая осведомлённость, правовая культура, правовой нигилизм, семья, несовершеннолетние, понятие гендера.

Одним из приоритетов государственной политики являются вопросы повышения правовой осведомленности и правовой культуры в семье, что является одним из прогрессивных направлений построения на основе правил демократического государства в условиях современной государственности, повышения личной ответственности граждан в этом вопросе. В связи с чем Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев заявил, что «мы должны сформировать в нашем обществе такую правовую культуру, в соответствии с которой соблюдение Конституции и законов, уважение прав и свобод других, чести и достоинства должно стать повседневным правилом и привычкой, а не обязанностью»¹, актуально то, что, по его мнению, важно для создания отличной перспективы по вышеупомянутому вопросу.

С первых лет независимости Узбекистан уделял большое внимание развитию института семьи на государственном уровне.

Как отметил наш первый Президент И. Каримов, «ставя перед собой задачу защиты прав и интересов личности и семьи, повышения правовой культуры и сознания населения, мы определили этот вопрос как важное условие построения буквального демократического правового государства и свободного гражданского общества. Для этого,

прежде всего, каждый человек должен решительно бороться с препятствиями, которые мешают ему развиваться ради своей судьбы, своей семьи и завтрашнего дня»².

Известно, что самые чистые чувства, первые жизненные представления и представления человека формируются в лоне семьи, а также в результате семейных отношений. Вполне естественно, что духовные критерии, взгляды, определяющие характер и мировоззрение ребенка - основа таких священных понятий, как добро, благородство, доброта и честь - закладываются в условиях семьи.³

Согласно статистическим данным приведённым в таблице 1., с 2010 по 2023 статистический год в Республике наблюдается уменьшение количества преступлений, совершаемых женщинами⁴. Несмотря на это, необходимо тщательно изучить теоретические и практические аспекты преступлений, совершенных женщинами против несовершеннолетних в семье, проанализировать социальные факторы этого явления и выявить криминологические аспекты таких преступлений. Особенно важным в решении таких проблем является укрепление правовой осведомленности и правовой культуры, основанной на создании инновационного механизма общества, направленного на обучение каждого гражданина своим правам и обязанностям.

Jami jinoyat sodir etgan shaxslardan ayollarning ulushi/Доля женщин среди всех лиц, совершивших преступления/Percentage of women among all perpetrators of crimes

Klassifikator	Klassifikator_ru	Klassifikator_en	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
O'zbekiston Respublikasi	Республика Узбекистан	Republic of Uzbekistan	16,3	15,8	17,0	17,2	16,7	16,1	14,8	14,5	13,7	11,8	11,7	12,2	12,7	12,2

Таблица 1.

Анализируя данные, представленные в таблице 1., можно отметить, что намеченная еще в начале 10-х гг. XXI века тенденция к росту женской преступности сохранилась, отдельно стоит выделить наиболее криминогенный период с 2012 до 2014 гг., характеризующийся максимальным ростом показателя, достигшего значения 17,2 % от общего объема всей преступности. В 2019-2020 гг. существенное снижение показателя женской преступности до 11,7 %, однако оно не привело к стабилизации результата, в дальнейшем отмечался волнообразный прирост показателя.

Примечательно, что тот факт, что большинство женщин начинают преступный путь неосознанно или по другим причинам, вызывает обеспокоенность по поводу того фак-

та, что преступления, совершаемые женщинами, в целом носят социальный характер.

На сегодняшний день одним из основных видов правонарушений со стороны женщин является проституция и мошенничество. Кроме этого чрезмерное употребление алкоголя является ещё одним фактором, влияющим на увеличение преступлений со стороны лиц женского пола. Алкоголь оказывает на организм женщины более разрушительное воздействие, чем на мужской. Алкоголизация приводит женщину к маргинальному образу жизни, и как итог - совершению насильственных преступлений в процессе распития спиртосодержащих напитков в отношении членов застолья.

Злоупотребление алкоголем приводит не только к преступным действиям женщины в отношении “собутельников”, но, к сожалению, и в отношении самой незащищенной категории - детей и(или) престарелых родственников.

Причины, которые кроются за совершением преступлений насильственного характера, в отношении своих детей или родственников, своеобразная психологическая разгрузка, выражающаяся в выплеске гнева и нанесении телесных повреждений более слабым членам семьи⁵.

Женская преступность, в первую очередь негативно сказывается на воспитании детей в семье, духовная атмосфера в семье выходит из-под контроля, неприятные чувства закрепляются в умах и сердцах подрастающего поколения. В связи с этим вопросы совершенствования правовой культуры женщин и детей в семье и семейных отношениях взаимосвязаны.

Вопросы повышения правовой осведомленности и культуры в семье невозможно представить себе без дальнейшего повышения ответственности граждан в общественных отношениях, отделяя их от моральных норм, которые веками совершенствовались и развивались в нашем обществе.

Вопросы семьи и семейных отношений, включая формирование и дальнейшее совершенствование правовой культуры в семье, уже много веков привлекают внимание великих мыслителей и учёных, занимающихся вопросами государственного управления. Наши великие мыслители в своих произведениях таких как “Трактат о разуме” Абу Насра Фараби, “Индия” Абу Райхана Бируни, “Трактат о птицах” и “Трактат об этике” Абу Али Ибн Сины, “Dastur al-mulk” Имама Ат-Тирмизий, “Hidoa” Бурханиддина Маргинони и “Уложения Тимура” Амира Тимура описывают семейные отношения, что в свою очередь отражает отношение к формированию правовой культуры в обществе.

Идеи повышения правовой осведомленности и культуры населения, гуманизм имеют древнюю историю. Древние ценности, такие как права человека, справедливость, равенство, верховенство закона, стали центральными темами в “Авесте” и поэме “Кутадгу Билиг” созданной поэтом Юсуф Хасс Хаджибом в 1070 году, а также в работах деятелей Джадидского движения в начале прошлого века.

Точно так же в истории человечества рост правовой осведомленности и правовой культуры, соответственно дальнейшее повышение ответственности граждан играло важную роль в государственном управлении. В частности, обуславливается уровень правовой осведомленности населения относительно норм, отраженных в таких сводах законов, как “Законы XII таблиц” в Древней Римской империи, “Шариат” в Исламских государствах, “Великая яса” во времена правления Чингисхана, “Уложения Тимура” во времена правления Тимура, “Русская Правда” в государствах Древней Руси.

На сегодняшний день принят ряд нормативных правовых актов, направленных на дальнейшее укрепление значимости правовой осведомленности и правовой культуры в нашей стране, а также её развитие. В том числе, наглядным подтверждением нашего мнения является принятие 9 января 2019 года Указа Президента № ПФ-5618 “О коренном совершенствовании системы повышения правовой ос-

ведомлённости и правовой культуры в обществе”. В указе большое внимание уделяется таким важным направлениям развития государства и общества, как улучшение правовой культуры населения во взаимоотношениях личности, государства и общества, формирование правового воспитания в семье, совершенствование правовой культуры

На сегодняшний день среди важных особенностей правовой культуры в семье выделяют следующие:

- а) высокая юридическая осведомленность;*
- б) знание действующих законов страны;*
- в) осмысление необходимости, полезности и целесообразности законов и постановлений;*
- г) адекватное понимание (осмысление) норм своих прав и обязанностей, свобод и ответственности, своего положения (статуса) в обществе и взаимодействия с другими лицами;*
- д) юридической деятельности, то есть последовательная добровольная деятельность субъекта по предотвращению преступлений;*
- е) борьба с любым нарушением прав, поддерживать правопорядок и соблюдение законов в обществе и т. д.*

Чтобы избежать правового нигилизма и его негативного влияния на реальную жизнь общества, необходимо, прежде всего, формировать чувство справедливости и правовой культуры, а также морально здоровый климат в семье. В Узбекистане для этого достаточно всех исторических, научных и религиозных основ. В этих обстоятельствах, учитывая роль женщин в обеспечении крепости семьи, а также уравнивании правовых отношений в семье, необходимо разработать меры, защищающие их от различных форм насилия и преступлений.

В современном праве права женщин особенно важны. Поскольку женщины вносят значительный вклад в социальную, политическую, экономическую и культурную жизнь, они также играют важную роль в воспитании детей. Процветание и мир каждой страны и всего человечества требуют равного участия женщин и мужчин.

Однако разрыв между возможностями мужчин и женщин, который все еще существует в настоящее время, а именно гендерное неравенство, считается одной из основных проблем. Эта проблема особенно очевидна в семейных отношениях и характеризуется тем, что в большинстве случаев преступление совершается против уязвимых по различным показателям женщин.

Понятие гендер - используется для описания тех характеристик мужчин и женщин, которые являются социально приобретёнными, например, норм, ролей и существующих между ними отношений. Гендерные ожидания варьируются в разных культурах и могут меняться со временем⁶. Поэтому стоит отметить, что разработка мер по дальнейшему повышению гражданской ответственности обеих сторон также становится важной задачей.

Современные государства - члены Организации Объединённых Наций и международного сообщества стремятся обеспечить всеобщее признание равенства женщин и муж-

чин в законодательстве, найти способы, которые предоставят женщинам равный доступ к правам.

В Узбекистане, который стремится создать демократическое государство на основе верховенства закона, а также сформировать справедливое гражданское общество через повышение социальной и политической активности женщин, повышение их правовой культуры, физического, духовного и интеллектуального потенциала, обеспечивая занятость, укрепляя здоровье, продолжая укреплять социальное обеспечение, защищая семью, материнство и детство. В качестве наглядного подтверждения нашего мнения была выдвинута Президентом Республики Узбекистан Шавкатом Мирзиёевым на совместном заседании палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан в марте 2019 года в рамках 4-го приоритетного направления "стратегии действий".

Узбекистан был одним из первых государств Центральной Азии, принявших ряд мер по предоставлению женщинам равных прав с мужчинами. В частности, была принята резолюция Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 30 августа 1997 года "Об ратификации Конвенции о равном поощрении мужчин и женщин за равноценный труд"⁷.

В нашей стране создана необходимая национальная правовая система равенства прав мужчин и женщин, недопущению дискриминации по признаку пола.

В частности, Трудовой, Гражданский, Семейный, Уголовно-процессуальный кодексы и многие законы Республики Узбекистан содержат нормы, направленные именно на защиту прав женщин.

Трудовое законодательство учитывает права женщин в условиях труда, семейное право рассматривает жизненно важные вопросы, такие как равенство женщин и мужчин в семейных отношениях, государственная защита семьи, защита и поощрение материнства, а Гражданский кодекс рассматривает такие жизненно важные вопросы, как возможность для женщин заключать сделки, заниматься предпринимательством, защищать свои авторские права и права наследования, а также права женщин в других областях, равные права граждан иностранных государств, Уголовное право защищает законные интересы женщин, привлекая преступников к ответственности в соответствии с Уголовным кодексом.

Как вы знаете, одной из первостепенных целей ООН в области развития тысячелетия является поддержка равенства женщин и мужчин, а также расширение прав и возможностей женщин. Эта насущная задача глобального развития увеличивает шансы на достижение гендерного равенства и повышение статуса женщин.

Улучшение правовой культуры женщин, составляющих большинство населения, является одним из важнейших принципов демократического развития.

В XXI веке интеллектуального развития и прогресса одной из основ формирования гражданского общества является повышение правовой осведомленности женщин.

Существует ряд мер по борьбе с совершением правонарушений среди женщин в семье, такие как:

1) повышение правовой осведомленности и культуры семьи, совершенствование знаний о конституционных обязанностях граждан;

2) организация психологических тренингов для предотвращения преступлений в семье связаны с негативными обстоятельствами отношений между родителями и детьми;

3) необходимости разработки общих социальных и специальных мер по предотвращению преступлений, совершенных с применением насилия в отношении женщин и детей в семье;

4) предупреждение сексуальных преступлений в семье оказывающих крайне негативное влияние на психику детей, их физическое и психическое развитие, и т. д.

Несмотря на то, что динамика преступлений в семье и уровень опасности в статистике становятся менее резкими, большинство преступлений и насилия в семье остаются скрытыми.

В целом по вопросам повышение правовой культуры в семье как важный фактор снижения правонарушений, совершаемых женщинами был сделан следующий вывод:

Большинство социально-экономических проблем, существующих на сегодняшний день, включая вопросы занятости, формирования здорового семейного климата, уважения к женщинам, а также правового нигилизма, сохраняются из-за отсутствия медицинской и юридической грамотности. Это обстоятельство, а также крайне негативное влияние на правовую культуру в семье и семейных отношениях, ставит под угрозу чувства уважения и доверия к законам, тоже относится и к существующему порядку.

Кроме того, женская преступность, в первую очередь негативно влияет на воспитание детей и выходит за рамки духовной атмосферы в семье. В связи с этим вопросы совершенствования правовой культуры женщин и детей в семье, а также в семейных отношениях взаимосвязаны. В целом особое внимание следует уделить проблемам социального контроля над процессами семейного воспитания, укреплению взаимодействия семьи с гражданским обществом и государственными учреждениями, выработке эффективных моральных ценностей в повседневных отношениях.

Ботир АРИПОВ,

*начальник цикла Проффессиональной подготовки
Регионального учебного центра Национальной гвардии
Республики Узбекистан, подполковник.*

Список использованной литературы:

1. Ш.М. Мирзиёев "Выступление на торжественном собрании посвящённой празднованию 26 годовщины принятия Конституции Республики Узбекистан." 6 декабря 2018 год.
2. И. А. Каримов "Человек, его права и свободы - наивысшая ценность." Т. 14. - Т.: "Узбекистан", 2006. 67-стр.
3. И.А. Каримов "Высокая культура – нестигаемая сила." - Т.: "Маънавият", 2008. 52-стр.
4. Отчёт Национального комитета Республики Узбекистан по статистике за 2023 учётный год. Раздел правонарушение. – Т. 2024.
5. Кичигина О. Ю. "Криминологические особенности женской преступности." - Научная электронная библиотека "КиберЛенинка", Теория и практика социогуманитарных наук. №3(15)/2021 94-стр
6. Всемирная организация здравоохранения. Информационные бюллетени. Женева. 2018.
7. Вестник Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1997 г., 9-вып., 249-статья.

ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЕ ПРИЗНАНИЯ И ПРИВЕДЕНИЕ В ИСПОЛНЕНИЕ СУДЕБНЫХ АКТОВ ПО ДЕЛАМ О БАНКРОТСТВЕ НА ТЕРРИТОРИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ: в статье рассматриваются основные особенности регулирования и проблемы функционирования института трансграничного банкротства, а также проблемы отсутствия механизма правового регулирования признания и приведение в исполнение соответствующих судебных актов на территории Республики Узбекистан. На основе изучения правового регулирования института признания и приведения в исполнение решений иностранных судов по делам о несостоятельности (банкротстве) в международной практике и национальных правовых порядках автором вносятся предложения о перспективах развития национального режима в данной области

Ключевые слова: должник, кредиторы, банкротство, неплатежеспособность, трансграничная несостоятельность, признание и приведение в исполнение решений иностранных судов, международные договоры.

Эффективность исполнения судебного акта является одним из основных его качеств, на которое обращает внимание бизнес. Получение положительного решения в большинстве случаев сами по себе не обеспечивают восстановления нарушенных прав. Соответственно, чем эффективнее может быть исполнено решение того или иного юрисдикционного органа, тем привлекательнее он будет с точки зрения бизнеса.

Как показывает практика, иногда основные сложности возникают именно на стадии принудительного исполнения решения, делая процесс его реализации более длительным и затратным даже в сравнении с ведением самого спора.

В современных экономических условиях все более актуальной становится проблема действия судебных решений за границей применительно к трансграничной несостоятельности, в основе которой лежит концепция основных и вторичных производств по делам о банкротстве. Если лицо находится за границей, его сложнее привлечь к ответственности и взыскать деньги. При рассмотрении таких дел поднимается множество вопросов, связанных с пополнением ликвидационной массы, оспаривания сделок должника и возвратом его активов.

Наибольшую сложность в трансграничном банкротстве вызывает последующее исполнение судебного акта. Кредиторам крайне трудно взаимодействовать с недобросовестными должниками, находящимися за границей. Это создает препятствия для защиты их экономических прав.

Сами по себе споры с иностранными лицами – сложная категория, поскольку территориальная удаленность предполагает риск не извещения должника, а также трудности в поиске имущества.

Главная проблема, с которой приходится сталкиваться, это открытие независимых и несогласованных процедур, подчиненных праву разных государств. Так, признание должника банкротом регулируется только отечественным правом, если иное не предусмотрено международным договором, а поскольку таковых нет, то суд полностью будет применять только национальное законодательство.

Различия в правовом регулировании приводят к тому, что кредиторам не обеспечивается равный доступ к активам должника, преимущество всегда имеют отечественные кредиторы.

Открытие в государствах, где должник имеет свои активы, независимых производств получила название модели параллель-

ных производств, в противоположность ей предлагается модель единого производства. В соответствии с этой моделью все основные процедуры должны проходить в одном государстве.

Практически все существующие в настоящее время международные акты, принятые в области трансграничной несостоятельности, основываются на принципе автоматического признания иностранных банкротств (Скандинавская конвенция по вопросам банкротства 1933 г.); Регламент ЕС

“О процедурах несостоятельности”; Унифицированный акт ОХАДА “Об организации коллективных процедур ликвидации” (1998 г.); Принципы сотрудничества по делам о банкротстве между странами НАФТА; Принципы и рекомендации Всемирного банка по созданию эффективной системы несостоятельности и защиты прав кредиторов; Конкордат о трансграничной несостоятельности, подготовленный Комитетом Секции J коммерческого права Международной ассоциации юристов; договоры Монтевидео по вопросам международного коммерческого права (1889 и 1940 гг.)

Вопросы трансграничной несостоятельности включены в Кодекс Бустаманте. Полностью трансграничной несостоятельности посвящены договоры северных стран и Бенилюкса.

Известны случаи заключения и двусторонних международных договоров по этим вопросам. В частности: Договор о международном коммерческом праве, Договор по вопросам международного коммерческого права и Договор о международном процессуальном праве.

Другим направлением является разработка типовых (модельных) законов, на основе которых затем принимаются национальные законы в различных странах. На сегодняшний день ЮНСИТРАЛ разработан Типовой закон о трансграничной несостоятельности (банкротстве) 1997 года, на основе которого приняты законы в ряде стран. В частности в США, Великобритании, Японии, Австралии, Греции, Канаде, Новой Зеландии, Сербии, Румынии, Мексике, Словении, и др. Типовые законы, посвященные несостоятельности в целом разработаны в рамках Организации по гармонизации коммерческого права стран Африки, Содружества независимых государств (СНГ). Такой процесс гармонизации положительно сказывается на развитии законодательства в этой сфере.

К источникам правового регулирования трансграничного банкротства в СНГ относятся: Минская Конвенция о правовой

помощи и правоотношениях по гражданским, семейным и уголовным делам; Соглашение о порядке разрешения споров, связанных с осуществлением хозяйственной деятельности; Соглашение о порядке взаимного исполнения решений арбитражных, хозяйственных и экономических судов на территориях государств-участников Содружества; Модельный закон СНГ о несостоятельности.

Разработчики каждого из международных документов, посвященных вопросам трансграничной несостоятельности, попытались найти оптимальный на их взгляд способ решения проблемы.

Например, в Европейской конвенции о некоторых международных аспектах банкротства отвергнута теория единого производства и урегулированы вопросы открытия первичного (в центре деловой активности должника, т.е. месте нахождения главного органа управления) и вторичного (в месте нахождения активов) производств. Вторичное производство может быть открыто только при наличии первичного производства и только для преимущественного удовлетворения требований кредиторов, находящихся в государстве открытия такого производства. Оставшееся имущество поступает в общую ликвидационную массу и распределяется в рамках основного производства.

Другим вариантом (а вернее первым из предложенных конвенцией) решения проблемы является признание полномочий судебного управляющего по управлению и распоряжению активами не только в государстве проведения процедуры банкротства, но и в государстве, где находятся активы должника.

Хотя конвенция и предоставляет государствам достаточно широкий спектр оговорок, она так и не вступила в силу, на сегодняшний день ее подписало семь государств, а ратифицировало только одно.

Конвенция ЕС “О трансграничной несостоятельности”, напротив, пытается найти баланс между моделями единого и параллельного производств. С одной стороны, конвенция позволяет открывать вторичное производство в государстве, где имеется отделение банкрота и ограничивается только теми активами, что находятся в этом государстве. С другой стороны, ликвидатор основного производства (открывается также в центре деловой активности банкрота) может потребовать приостановить вторичное производство, если это может способствовать максимальному повышению стоимости активов или необходимо для выработки мирового соглашения.

Таким образом, вторичные производства ставятся как бы в зависимость от хода основного и интересов кредиторов основного производства. Эту зависимость можно проследить и в том, что во вторичное производство допускаются лишь те кредиторы, чьи требования признаны в основном производстве. Оставшееся после вторичного производства имущество также передается в общую ликвидационную массу основного производства.

